
TALIM, FAN VA INNOVATSIYA

Маънавий-маърифий, илмий-услубий журнал



ISSN-2181-8274

3/2017

ОБРАЗОВАНИЕ, НАУКА И ИННОВАЦИИ духовно-просветительский и научно-методический журнал

EDUCATION, SCIENCE AND INNOVATION spiritual-enlightenment, scientific and methodical journal

Ushbu sonda:

- ✓ Ta'llmda innovatsiya
- 🕢 Ta'limda kasbga yoʻllash
- Pedagogika va psixologiya
- 🕢 Ta'lim samaradorligini oshirish
- Sog'lom avlod kelajagimiz poydevori
- 🕢 Ta'limda normativ-huquqiy hujjatlar
- Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit
- Zamonaviy pedagogik texnologiya va oʻquv jarayonini loyihalash
- Barkamol avlodni tarbiyalashda ta'sirchan tadbirlarni tashkillashtirish



WAR INOVATSIA

Маънавий-маърифий, илмий-услубий журнал 1996 йилда ташкил этилган.

2017/3-son

Тахрир кенгаши раиси: Узбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазири Маджидов Иномжон Уришович

Тахрир кенгаши раиси ўринбосарлари: Набиев Д.Х.,

Холмухамедов М.М.

Бош мухаррир:

Б.Х. Рахимов

Ривожлантириш маркази директори

Тахрир кенгаши аъзолари:

(бош мухаррир ўринбосари)

Бегимкулов У.Ш.

Иноятов М.М.

Ражабов Б.Ж.

Исмаилов Б.М.

Базаров О.Х.

Бузрукхонов С.М.

Ризаев Ф.Х.

Туробжонов С.М.

Марахимов А.Р.

Ходиев Б.Ю.

ходись в.10. Умурзоков Ў.П.

Рахимов Ғ.Х.

Сирожиддинов III.C.

Шукуров Э.Х.

Ибрагимов И.У.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари:

ардаев А.Х.

Рахманов Х.Ш.

Шарипов Ш.С.

Эшмуродов А.Т.

Хайдаров О.А.

Аллаберганов Р.К.

Рахимова У.А.

Курбанов Ш.Э.

Ризаев Ж.А.

Муталов Ш.А

Ибрагимов М.М.

Нишонов Х.М.

Мирсоатова М.С.

Матякубов А.

Иноятов Ф.Ш.

Каримов К.Х. Бабаходжаев С.Н.

Шарипов К.А.

Абдурахмонов Қ.Х

Тахририят:

Вахидов У. – масъул мухаррир, Эргашева Г. – дизайнер

MUNDARIJA

TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISH

Increasing the effective education

Р.Д.	Дусмуратов.	Мақола	ёзиш	ҳақида	мақола	(ёки	илмий
мақс	ла қандай ёзи.	пади ва р	асмий	лаштири	илади?)		.,3
Sh.R	R. Xurramov. <i>A</i>	Analitik g	eometr	iyani oʻc	qitishga n	nodull	li
texno	ologiyani qoʻlla	shning av	vrim iil	atlari			9

PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA

Pedagogy and psychology

Н.И. Режаметова. Мусика машғулотларида креатив	
қобилиятларни ривожлантириш	14
Г.О. Эрназарова. Акмеологик ёндашувни амалга	
оширишнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари	19

BUXGALTERIYA HISOBI, IQTISODIY TAHLIL VA AUDIT

Business accounts, economic analysis and audit

3.у. Дамидова. Бюджет ташкилотларида деоитор ва кредитор	
қарзларни тахлил қилиш ҳамда тартибга солишнинг	
ахамияти	22

ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYA VA OʻQUV JARAYONINI LOYIHALASH

Modern pedagogical technology and planning of education

Modern pedagogical technology and planning of education	
Р.И. Халмурадов, А.С. Солеев, Х.А. Хушвақтов, А. Р.Ахато	В.
Талабалар билимини назорат қилиш ва бахолаш – таълим	
сифатининг мухим омили	25
М. Рафикова. Бўлажак божхона ходимларини ўкитиш	
жараёнида инновацион педагогик технологияларнинг	
ахамияти	30
И.Н. Туракулов, С.Х. Курбаниязов. Олий ўкув юртлари	
профессор-ўкитувчиларининг фаолиятини ўрганувчи	

МУНДАРИЖА

Муассислар:	А.А. Хасанов, С.А. Алибеков. Ахборот технологиялари
Ўзбекистон Республикаси	воситасида иктисодий билим беришни фанлараро
Олий ва ўрта махсус	алоқадорликда шакллантириш усуллари ва услублари38
таълим вазирлиги;	BARKAMOL AVLODNI TARBIYALASHDA TA'SIRCHAN
ўрта махсус, касб-хунар та <i>ълими</i>	TADBIRLARNI TASHKILLASHTIRISH
маркази; Олий ва ўрта махсус, касб-хунар	Arranging sensitive measures in bringing up moture generation
таълимини ривоэклантириш маркази.	
та опината рассомматтарии таркази.	С.А. Абдалова. Шахснинг таълим-тарбия сохасидаги ўрни,
Манзил:	комилликка эришиш, етакчилик қобилиятларини аниқлаш
100060, Тошкент шахри,	йўллари45
Миробод тумани,	K.A. Muxiddinova, X.N. Qodirova. Ixtisoslashgan
Шахрисабз кўчаси, 42-уй	yoʻnalishdagi yozgi oromgohlarda oʻtkaziladigan ma'naviy-
T 1 222 24 99	ma'rifiy tadbirlar orqali o'quvchilarda tolerantlik tushunchasini
Телефон: 233-34-88; Факс: (+99871) 233-34-88;	shakllantirish (Boshlang'ich sinf o'quvchilari misolida)
e-mail: esi@edu.uz	Ф. Хуснулина. Литература – один из важнейших
	компонентов гармоничного развития личности
1	
Босишга рухсат этилди:	TA'LIMDA INNOVATSIYA
Қозоз бичими 60x84 1/8. б/т.12,5.	Innovation in education
Адади 1000 нусха.	М.А. Рахматов, Ф.Х. Рахимов, Б.З. Зарипов. Пахта –
Нархи: Келишилган холда.	тўкимачилик кластери таълим, фан ва ишлаб чикариш
Буюртма рақами 1. "Shafoat nur fayz" МЧЖ матбаа	инновацион хамкорлиги илмий ўчоғи
корхонасида чоп этилди.	The state of the s
Тошкент шахри Чилонзор тумани,	Ю. Шадиметов, С. Калауов. Молодежь, инновации и
Наққошлик кўчаси, 3-уй.	окружающая среда
	SOGʻLOM AVLOD KELAJAGIMIZ POYDEVORI
Журнал Ўзбекистон Матбуот	Earthy generation – our future foundation
ва ахборот агентлигидан 2014 йил	Д.Т. Мамирова. Проблемы физической культуры и её связь с
26 декабрда 0506 рақами билан рўйхатдан ўтган.	общей культурой71
руихитоин утгин.	Ш.М. Холова. Пропаганда здорового образа жизни и
Журнал йилда 4 маротаба	
(ҳар чоракда) ўзбек, рус ва инглиз	ценностей физической культуры среди женского населения74
тилларида чоп этилади.	TA'LIM MUAMMOLARI: TAKLIF VA MULOHAZALAR Problems of education: recommendations and considerations.
	Р.И. Халмурадов. Некоторые выводы по анализу хода
"Talling fan ya innovatsiya" www.any	реформы высшего образования
тилларида чоп этилади. "Ta'lim, fan va innovatsiya" журнали Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2015 йил 18 ноябрдаги	TA'LIMDA NORMATIV-HUQUQIY HUJJATLAR Normative-legal documents in education
218/5-сонли қарори билан докторлик	Б.Х. Рахимов, У.А. Рахимова, А.А. Умаров, А.Мавлянов,
диссертациялари асосий илмий	Р.Р. Файзиев. Укув режа ва фан дастурлари - олий таълим
натижаларини чоп этиш тавсия	давлат таълим стандартларини татбик этиш негизи86
этилган илмий нашрлар руйхатига	
киритилган. (13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича)	EKOLOGIK TA'LIM Ecological education
	3.М. Сатторов. Қурилиш экологиясининг ривожланиши92
"Ta'lim, fan va innovatsiya" журналидан	TA'LIMDA KASBGA YO'LLASH
кўчириб босиш фақат тахририятнинг	The leading to profession in education
розилиги билан амалга оширилади.	
Мақолада келтирилган фактларнинг тўгрилиги учун муаллиф масъулдир.	О. Хайдаров. Мамлакатимиз иктисодиёти ривожланишига
Тахририят фикри муаллифлар	мувофик ўкувчиларни касб-хунарга максадли йўналтириш
durance no regulación analysis	("Жиззах" эркин иктисодий зонаси мисолида)97

TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA 2017/3-SON

МАКОЛА ЁЗИШ ХАКИДА МАКОЛА

(ёки илмий макола кандай ёзилади ва расмийлаштирилади?)

СТАТЬЯ О НАПИСАНИЕ СТАТЬИ

(или как пишиться научная статья)

ARTICLE ABOUT WRITING AN ARTICLE

(or how to write scientific article)

Р.Д. Дусмуратов - и.ф.д., профессор, Тошкент давлат аграр университети

Аннотация

Мақола ёш изланувчилар ва илм йўлини танлаган магистратура талабаларига мўлжалланган бўлиб, унда мақола, хусусан илмий мақоланинг мазмуни, ёзиш, расмийлаштириш ва эълон қилиш масалалари баён қилинган. Шунингдек, илмий мақоланинг турлари тавсифланган, хусусиятлари ва бошқа тоифа мақолалардан фарқли жиҳатлари очиб берилган, уни таърифлашга муаллифлик ёндашуви шакллантирилган, тайёрлаш ва чоп этиш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: мақола, фалсафа доктори(PhD), аннотация, калит сўзлар, кириш, асосий қисм, тадкикот методикаси, муаллиф, илмий шархлар, ёндашувлар, хулоса.

Аннотация

Статья предназначена молодым соискателям и студентам магистратуры, избравшим научную деятельность. В частности, в ней освещается сущность научной статьии, вопросы написания, оформления и опубликования. Также, охарактеризованы типы научных статьей, расскрыты их особенностей, отличительные аспекты от других типов статей, сформирован авторский подход к её определению, даны предложения и рекомендации по подготовке и опубликованию.

Ключевые слова: статья, доктор философии(PhD), аннотация, ключевые слова, введение, основная часть, методика исследования, автор, научный обзор, подходы, заключение.

Annotation

The article is intended for young applicants and graduate students who have chosen their scientific work. In particular, it highlights the essence of the scientific article and deals with problems of writing, drafting and publishing a scientific article. Also, types of scientific articles are described, their features and distinctive aspects from other types of articles are revealed, author's approach to its definition is formed, suggestions and recommendations on preparation and publication are given.

Key words: article, Ph.D., abstract, key words, introduction, main part, research methodology, author, scientific review, approaches, conclusion.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли «Олий ўкув юртидан кейинги таълим тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан тасдикланган «Олий ўкув юртидан кейинги таълим тўғрисида Низом»нинг 16 бандига мувофик таянч докторантурага: «фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадкикоти асосини ташкил килиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан илмий журналларда чоп этилган камида битта <u>макола</u> хамда тегишли

йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза <u>тезислари</u>га эга бўлганлар»[1] қабул қилинади.

Хўш, илмий макола нима? У кандай ёзилади, расмийлаштирилади ва эълон килинади?

Илмий мақола тушунчаси кундалик ҳаётда, аксарият илмий-тадқиқот фаолиятида ва таълим жараёнида кўпрок учрайди. Ушбу тушунчанинг мазмун-моҳияти ва этимологик жиҳатларини батафсилрок очиб бериш учун тегишли манбаларга мурожаат қиламиз. Ўзбек

Ушбу атама Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 2-жилдида умумий тарзда янада батафсилроқ тавсифланган. Жумладан, «мақола – публицистик жанр. Мақолада ижтимоий ҳаёт ҳодисалари чуқур таҳлил қилиниб, назарий ва ммавий жиҳатдан умумлаштирилади, давлат сиёсати, иқтисодиёт, теҳника, фан ва маданиятда эришилган ютуқлар, илғор иш тажрибалари оммалаштирилади, ҳалқ ҳўжалигидаги нуқоонлар таңкид қилинади» [3.543 б.]. Тавсифлар «Мақола истилоҳи кенг маънода газета, журнал, радио, телевидение, шунингдек, тўпламлардаги илмий асарларга нисбатан ҳам қўлланилади» [3; 544 б.] деб якунланган.

Ушбу манбаларда барча турдаги маколаларнинг луғавий мазмуни кенг ва батафсил изохланган, лекин, бизнинг фикримизча, бевосита илмий маколага нисбатан уларни татбик этиш унчалик муваффакиятли чикмаслиги мумкин. Чунки илмий мақола илмий-талқиқот натижалари асосида ёзилади. Илмийтадкикот эса «янги билимларни ишлаб чикиш жараёни, билиш фаолияти турларидан бири. Унга объективлик, ишончлилик, аниклик хос. Илмий тадқиқот ҳамма шартларга амал килиб такрорланганда хамиша бирдек натижа бериши, бахс этилаётган масалани исботлаши тадқиқот бир-бири Илмий боғланган икки қисм – тажриба ва назариялан иборат» [4.122 б.]. Демак, ўтказилган илмийтадкикотлар натижасида ёзилган мақола бошқа турдаги мақолалардан ўзига хос жихатлари билан фарқ қилиши лозим. Баён қилинганлардан келиб чиқиб илмий мақолани қуйидагича таърифлашимиз мумкин:

Илмий мақола тадқиқот мавзуси бўйича илгари сурилган битта ёки ўзаро боглиқ бўлган бир нечта долзарб илмий муаммолар акс эттирилган, у(лар)нинг илмий ечимига муаллиф(лар)нинг ёндашувлари аниқ ифодаланган ва ҳаққоний илмий хулоса ҳамда амалий тавсиялар билан якунланган кичик илмий асар.

Тадкикот максади ва вазифаларига кура илмий маколалар: *илмий-назарий*, *илмий* — *амалий ва илмий-шархловчи* маколаларга булиниши мумкин.

Илмий-назарий мақола ҳодисалар ва улар нинг юзага келиш қонуниятларини назарий тадқиқ қилиш ҳамда тушунтириш асосида амалга оширилган тадқиқотлар натижаларинині баёнидан иборат. Шундай экан, илмий-назарий йўналишда мақола ёзиш учун қўйилган илмий муаммо доирасида пухта назарий изланишлар олиб борилиши лозим.

Шу ўринда изланувчи илмий назария нима? Назарий тадкикот кандай амалга оширилади? деган саволларга хам жавоб бера олиши зарур.

Илмий-амалий (эмпирик) тавсифдаги мақола ўтказилган экспериментлар ва тажрибалар натижалари асосида ёзилади.

Шарҳловчи-мақолада сўнгги бир неча йилларда муайян соҳадаги илмий ютуқлар таҳлили ва унга муаллиф(лар)нинг муносабати ифодаланади.

Шундай қилиб, илмий мақолада изланувчи(лар)нингўзилмий тадкикотлари, ўтказилган экспериментлари ёки тажерибаларининг оралик ёки якуний натижалари ва муаллифлик хулосалари баён килинади. Демак, илмий мақола, аввало, илмий янгиликка эга бўлиши, унда баён килинган натижалар олдин эълон килинмаган ва маълумотлари сохталаштирилмаган бўлиши лозим. Илмий маколани чоп этиш натижасида изланувчи ўзи танлаган тадкикот сохасида олинган илмий натижаларга шахсий муаллифлигини исботлаши шарт!

Бунга қандай эришиш мумкин? Агар биронбир илмий журналга мақола тайёрлаётган бўлсангиз, энг аввало, қабул қилинадиган мақолалар учун қўйилган талабларни (журнал соҳаси, рукнлари, материал ҳажми, расмийлаштириш тартиби ва ҳ.к.) ўрганишингиз зарур.

Сўнгра мақола мавзусининг дастлабки мақбул вариантини шакллантириш керак. Мавзу қанчалик мужассам, илмий муаммо ва унинг ечимига ёндашув(лар)ни аниқ ифодалайдиган ва ихтисослашган бўлса, мақола шунчалик муваффакиятли бўлади. Мавзуни жуда кенгайтириб, тадқиқот мақсади, вазифалари ва кутилаётган натижалар доирасидан четта чикиб кетмаслик лозим. Бевосита мақолани тайёрлашга киришишдан олдин тўпланган материалларингизни қайта кўриб чикиш ва улардан қандай фойдаланиш хусусида фикр юритиш керак.

Мақоланинг мавзусини шакллантирганингиздан сўнг тахминий режа тузиб, максад ва вазифаларни аниклаштириш, материалларни қандай кетма-кетликда ҳамда шаклда такдим этиш тўғрисида ўйлаш зарур. Шундан сўнг мақсадга эришиш учун белгиланган вазифаларни муваффакиятли ҳал этиш, аникроғи, тўлаконли ва ҳакикий илмий ҳулосалар ҳамда амалий тавсиялар шакллантириш учун нима килиш зарурлигини билишимиз лозим.

Масалан, мақоладаги таклифнинг илмийтавсияларнинг услубий лигини ланганлиги хамда амалий жихатдан кулланувчанлигини таъминлаш зарур. Бунинг учун эса илмий ва ўкув-услубий манбаларни чукур илмий шарҳлаш, тегишли меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни ўрганиш, монографик тадкиқот объекти бўйича етишмаётган мотларни тўплаш хамда тахлил қилиш лозим. Шунингдек, зарур холларда қўшимча экспериментлар ва лаборатория синовлари ўтказиш керак. Бунда албатта, Сиз тадқиқ қилаётган муаммо (мавзуингиз) бўйича сўнгги 5-6 йилдаги нашрлар (илмий журнал, конференция тўпламлари ва б.)га алохида эътибор бериш зарур. Аввало, маколангиз мавзуси долзарб бўлиб, юкорида айтилган манбаларда бошка муаллифлар томонидан чоп этилган ишланмаларга таяниш керак.

Зарур материалларни тўплаб, гурухланг ва тегишли услублар(методика) асосида тахлил килинг, умумлаштиринг хамда хулосалар шакллантиринг. Бажарилган ишлар ва олинган натижаларингиз яхши идрок этилиши учун уларни жадвал, диаграмма, график, чизма ва бошқа кўргазмали шаклларда такдим килинг. Бу нафакат олинган натижаларни бир тизимга келтириш, балки ўкувчилар хам яхши тушуниши ва улар ўз тадқиқотларида Сизнинг ишингиздан фойдаланишига ҳам ёрдам беради.

Кўпчилик изланувчилар ва илмий-педагогик ходимлар илмий мақола ёзишда нимадан ва қандай бошлашга қийналадилар. Бирданига мутлақ тўғри фикр шакллантириш ва ёзиш, «мафтункор», «жимжимадор» атамаларни излаш ёки жумлалар тузишга уринманг. Мақола ёзмоқчи бўлаётган муаммо (мавзу) тўғрисида ўзингизда шаклланган фикрларингизни қандай бўлса, шундайлигича хатга туширинг. Сўнгра уларни бир тизимга келтиринг, муаммоли,

«кемтик» жихатларини, жумладан, фикрингизни асослаш учун етишмаётган илмий шархлар, иктибослар, статистик маълумотлар ва монографик объект маълумотлари (эмпирик база) зарур бўлган жойларини белгилаб, бир четга олиб кўйинг (бир неча кун, балки хафта, ой ётсин). Шу муддат давомида топган кўшимча маълумотларингизни тўплаб, бир тизимга келтириб ва ўзингизда шаклланган фикрмулохазаларингизни хатга тушириб боринг.

Маълум даражада «пишган» ғоялар билан материалларингизни қайта ишлашга киришинг. Шунда янги-янги фикрлар пайдо бўлиб, муаммонинг «ичига кираётганлигингизни» ҳис қила бошлайсиз. Маълум ҳажмдаги, маълум даражада «пишган» материаллар тўпланганидан сўнг мақоланинг асосий қисмини ёзинг, сўнгра хулосалар шакллантиринг ва кириш қисмини қайта кўриб чикинг.

Тайёр бўлган дастлабки «хомашё»ни 2-3 марта ўкиб, илмий тахрир килинг ва кўргазмали материаллар (расм, график, жадвал, диаграмма ва б.)ни расмийлаштиринг. Шундан сўнг ушбу материалнинг бутун мазмунини ўзида мужассам этадиган мавзунинг якуний вариантини шакллантиринг, аннотация ва калит сўзлари тузинг хамда охирида фойдаланилган адабиётлар рўйхатини келтиринг.

Шундай қилиб, тайёрланган илмий мақоланинг умумий таркибини қуйидагича тасвирлаш мумкин (1-расм).

мазмунини Ушбу тузилмадаги кисмлар батафсилрок очиб берамиз. Аввало, макола мавзуси хакида. Ўзбек тили изохли луғатининг 2 жилдида «Мавзу [а. عوضوم –жойлаштирилган; тўқиб чиқарилган; тема, сюжет] Илмий тадкикот, бадиий асар, фикр-мулохаза юритиш, сухбат, маъруза ва ш.к. учун танлаб олинган объект»[5.516 б.]. Демак, мавзу бутун мақоланинг мазмун-мохиятини ўзида мужассам этган, киска ва лўнда бўлиши зарур. Мавзу хажми энг кўпи билан 10-12 сўздан иборат бўлиши мақсадга мувофик. Шунингдек, мавзу илмий-адабий тилда, нафис ва жозибадор тузилган бўлиши лозим. Бу ўкувчиларнинг эътиборини жалб қилади ва уларда қизиқиш уйғотади.

Қоидага кўра, мавзуда маколанинг мазмунмохиятига алокадор бир нечта калит сўзлар бўлгани маъкул. Бу сизнинг маколангиз интернет тармоғига ёки электрон каталогларга жойлаштирилганда, электрон журналларда чоп

этилганида мазкур муаммо билан қизиққан ўқувчиларга уни излаб топишга ёрдам беради.

МАКОЛАНИНГ НОМИ (МАВЗУСИ) Аннотация: (300-500 белги), яъни 7-8 та гапдан ошмаган хажмда, содда ва тушунарли тарзда ёзилади АСОСИЙ КИСМ: • Кириш қисми (долзарблиги); Мақсад ва вазифалар баёни; Тадқиқот методикаси; • Илмий шархлар; • Муаллиф фикр-мулохазалари, ёндашувлари; • Статистик ва монографик маълумотлар тахлили ва б. ЯКУНИЙ КИСМ: (Илмий хулосалар, услубий ёндашувлар ва амалий тавсиялар) АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (ўрнатилган тартибда)

1-расм. Илмий мақоланинг умумий тузилмаси

Мақоланинг мавзуси унинг мазмун-моҳиятини: долзарблиги, аҳамияти, тадқиқот услублари, эришилган ютуқлари каби муҳим жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган бўлиши лозим.

Кузатувлар шуни кўрсатдики, мақола мавзусини номлашда куйидаги камчиликлар учрайди:

- мавзу ҳаддан ташқари умумий, кенг ва мақолада кўрилган масалалардан ташқарига чиқиб кетиши;
- мавзунинг кўрилаётган масала мохиятини акс эттирмаслиги, мавхумлиги ва бу билан ўкувчини чалғитиши;
- мавзу жуда «оламшумул» ва «жарангдор» номланиши. Бундай мавзулар рекламалар ва киска янгиликлар учун яхши, лекин илмий маколалар учун ярамайди.

Аннотация. Макола мавзусидан кейин аннотация, яъни маколанинг кискача мазмуни келтирилади. Докторлик диссертациялар мавзулари бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида тайёрланган илмий маколалар учун ўзбек, инглиз ва рус тилларида аннотация ёзилиши лозим. Аннотациянинг хажми 300-500 белги, яъни 7-8 гапдан иборат бўлиши тавсия этилади. Кўпчилик илмий журналларнинг мақолалар учун қўйилган талабларида аннотация хажми аник кўрсатилади. Аннотацияда мақоладаги кўрилаётган масаланинг максади ва ахамияти қисқача ёритилади, муаллифнинг шахсий ёндашуви ва хулосалари кискартирилган шаклда берилади. Шунингдек, илмий янгилиги хам кўрсатилади.

Аннотацияда ҳаммага маълум фактлар, бошқаларнинг ишларидан олинган иқтибослар ва бошқа тафсилотлар баёни бўлмаслиги керак. У оддий, содда ва равон тилда ёзилган ҳамда қисқа жумлалардан иборат бўлиши лозим. Шунингдек, унда «мен», «менинг» каби сўзларни ишлатмасдан, илмий камтаринликка риоя қилиниши зарур. Масалан, гапларни «Бизнинг фикримизча, ...», «...лар кўриб чиқилган», «...лар очиб берилган», «...лар аниқланган» ва шу каби шаклларда тузиш тавсия этилади.

Аннотация асосан иккита вазифани бажаради: 1) ўкувчига мақоланинг асосий мохиятини етказиб бериш, ундан ўзини қизиқтирган жихатларини ажратиб олиш ва умуман шу мақола ўкишга арзийдими, деган саволга жавоб тониш;

2) интернетда ва бошқа компьютерлаштирилган қидирув тизимлари орқали мақолани излаб топиш.

Кўпчилик илмий журналларда мақола ўзбек тилида ёзилган бўлса, аннотацияси инглиз ва рус тилларида талаб этилади.

Шу ўринда мақолага аннотация ёзиш бўйича **намуна** келтирамиз:

В статье рассмотрены, что в анализе кредитоспособности применяются показатели на основаны на прошлых данных, которые может изменяются в последствия инфляции. Исследованы подходы зарубежных ученых к оценке кредитоспособности, раскрыта понятия кредитный скоринг. Освещены сущность модели основные классификации и комплексного анализа, модель Альтмана и модель Чессера.

The article describes that the credit analysis of indicators used in the past are based on data that can change the effects of inflation. Studied the approaches of foreign scholars to the credit assessment, credit scoring concepts disclosed. When covering the basic essence of the model classification and complex analysis, Altman's model and model Chesser.

Калит сўзлари нима ва қандай тузилади? Калит сўзлар – бу аввало, маколанинг туб мохиятини киска ва лўнда ифодалайдиган сўзлар (сўз бирикмалари) бўлиб, малакали ўкувчи калит сўзлар оркали макола нима хакда эканлиги тўгрисида дастлабки ва аник тасаввурга эга бўлади. Яъни, макола мохиятини очиб беради ва шунинг учун хам калит сўзлар дейилади. Шунингдек, калит сўзлар мақолани автоматлаштирилган қидирув тизими орқали топадиган восита ва библиографик маълумотлар базаси калит сўзлар бўйича қидириб топишни таъминлайди. Демак, калит сўзлар маколанинг мухим жихатлари, натижалари, таърифлар ва атамаларни акс эттирадиган сўзлар ёки сўз бирикмаларидан иборат бўлиши лозим. Калит сўзларни тузишда асосий мавзуни акс эттирадиган тушунчалардан ташқари, қўшимча (ёндаш) масалаларни акс эттирадиган тушунчаларни ҳам қўллаш мумкин. Одатда 5-10 тача калит сўзларни танлаб олиш тавсия этилади. Айрим нашриётлар талабларида нечта калит сўз келтириш аник кўрсатилади. Калит сўзлар тузишга мисол:

Мавзу: КРЕДИТ ҚОБИЛИЯТИ ТАХЛИЛИ-НИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

Калит сўзлар: кредит, кредит қобилияти, таҳлил, концептуал ёндашувлар, баҳолаш мо-деллари, коэффициентлар, синфлар, қўллаш имкониятлари.

Мақоланинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқот объекти, предмети ва методлари баён қилинади. Булардан кейин мазкур масала бўйича бошқа олимлар ишларининг натижаларини келтириш, қандай муаммолар илмий ечимини тоиган ва нималарни аниқлаш лозимлиги тўғрисида маълумотлар келтирилса мақола янада мазмундор бўлади. Бунда муаммога оид олдинги тадқиқотларга иктибослар келтириш мумкин. Булар ўқувчининг мавзуга янада «чуқурлашиши»га ёрдам беради.

Маколанинг асосий кисмини шакллантириш.

Асосий кисм – илмий маколанинг энг мухим ва батафсил қисми хисобланади. Унда тадкикот жараёни мантикий кетма-кетликда ёритилади ва хулоса килишга асос бўлган фикрмулохазалар баён килинади. Агар макола эмпирик тадкикотлар натижалари асосида ёзилган бўлса, ўтказилган эксперементлар, тажрибалар ёки лабаратория тахлиллари батафсил баён қилиниши, уларнинг босқичлари ва оралиқ натижалари акс эттирилиши лозим. Агар қайсидир экспериментлар муваффакиятсиз бўлса, бу хакда хам кўрсатиш зарур. Бунда муваффакиятсизлик сабаблари, шарт-шароитлари ва камчиликларни бартараф этиш усуллари очиб берилади.

Мақоланинг асосий қисмида тадқиқот натижалари имкон қадар кўргазмали шаклда тақдим этилиши мақсадга мувофиқ.

Бундай кўргазмали материаллар кўрилаётган масаланинг мохиятидан келиб чиқиб, график, схема, жадвал, диаграмма, график модел, алгоритм формула, расм ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин. Жадвал номи унинг юқорисига, расмлар ва бошқа шунга ўхшаш материаллар номи эса пастки қисмига ёзилиши керак. Ҳар бир кўргазмали материал мақола матни билан бевосита алоқадор бўлиб, матнда унга хавола килиниши лозим.

Хулоса қисмида муаллифнинг эришган ютуқлари тезис шаклида баён асосий қилинади. Барча хулосалар мақоланинг асосий кисмидан келиб чикадиган, объектив ортикча изохларсиз ёзилиши лозим. Шунда ўкувчилар олинган илмий натижалар сифатини бахолаши ва уларга асосан ўзларининг фикрмулохазалари хулосаларини хамда лантира олади. Шунингдек, муаллиф олинган натижалар бўйича ўзининг тахлилини ва бажарилган ишларнинг ахамиятига шахсий муносабатини ҳам билдириши мумкин.

Адабиётлар рўйхатида мақола матнидаги иқтибос қилинган манбалар (адабиётлар) келтирилади. Мақоланинг дастлабки варианти тайёр бўлганидан сўнг уни илмий-адабий тахрир қилиш талаб этилади.

Мақола матиини илмий-адабий услубда баён қилиш. Бунинг учун матн яхлит, ундаги фикрлар мантиқий изчил боғланган ва якунланган булиши лозим. Буни таъминлаш учун

фикрларни боғлайдиган қуйидаги сўзлардан фойдаланиш мумкин: «Дарҳақиқат, ...», «Шу билан бирга, ...», «Албатта, ...», «Шунингдек, ...», «Шундай қилиб, ...», «Аслида эса, ...», «Таъкидлаш жоизки, ...», «Бундан ташқари, ...» ва бошқалар. Бундай сўзларни матн мазмунига қараб ўрнида ишлатиш зарур. Илмий-адабий муҳитда қарор топмаган, илмга ёт ва тушунарсиз сўзлардан фойдаланманг.

Илмий мақолада бир тизимга келтирилган, ишлов берилган статистик маълумотлар ва монографик тадқиқот объектидан олинган ишончли амалий материаллар бўлиши зарур. Мавхум, тушунуксиз ва хар хил талкин килинадиган фикрлар келтирилмаслиги керак. Шунингдек, хиссиётларга берилиш ва ўринсиз жумлалар тузишдан хам сакланинг. Маколани ёзишга киришганингизда, унинг кимларга мўлжалланганлигини хам эътиборда тутинг. Илмий маколада умумкабул килинган, илмий-адабий ва махсус атамалар қўлўқувчиларингиз ланилади. Сизнинг мураккаб, тушуниши қийин булган ва хориждан кириб келган атамаларни биринчи марта қўллаганингизда, албатта, уларга шарх беринг. Лекин ушбу атамани унинг мазмунмохиятини ифодаламайдиган бошка сўзлар билан алмаштирманг. Чунки, «фанда шундай тушунчалар борки, уларни соддалаштириб бўлмайди. соддалаштирилса-тушунтириб бўлмайди»[2.18 б.]. Шу билан бирга, хаммага маълум, оддий тушунчаларнинг изохига чукурлашиб хам кетмаслик керак.

Бутун мақола матнини мантиқий изчил баён қилиш, ҳар бир ҳулосани илмий қоидалар билан далиллаш ва асослаш лозим. Асоссиз, ортиқча иқтибослар келтирманг, фикрингизни қувватлаш учун зарур бўлганларини эса манбасига ҳавола қилган ҳолда расмийлаштиринг.

Мақола матнини баён қилинаётган фикрлар мазмуни ва оралиқ хулосаларга қараб хатбо-

шиларга бўлаклаш зарур. Агар мақола ҳажми катта ва кўрилган масалалар кенг қамровли бўлса, кичик сарлавҳалар қўйинг. Бундай кичик сарлавҳалар мақола мавзусидан четга чиқиб кетмаслиги ва ўзи қамраб олаётган материал мазмунини ифодалаши (синтезлаши) лозим.

Ва нихоят, макола ҳам тайёр бўлди. Лекин, уни нашриётга жўнатишга шошилманг. Яна юкорида айтилган «пишитиш коидаси»га риоя килиб, материални бир неча кун четга суриб кўйинг. Сўнгра яхши кайфият билан кўлга калам олиб, яна 2-3 марта ўкиб чикинг. Бунда матннинг мантикий изчиллиги, сўзларнинг ўрнида ишлатилганлиги ва мавзудан чикиб кетмаганлигингизга, энг муҳими, олинган натижаларнинг илмий кийматга эга эканлигига ишонч ҳосил килинг!

Агар мақолангиз таркибан 1-расмдаги тузилма ва унинг таркибий қисмлари бўйича берилган тавсияларга жавоб берса, қўрқмасдан нашрга топширишингиз мумкин. Омад ёр бўлсин!

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги Қарори
- 2. Тошболтаев М. Олим, илм, кашфиёт ва тараққиёт. Тошкент: «Фан», 2012. 152 б.
- 3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. 704 б.
- 4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2002—704 б.
- 5. Ўзбек тилининг изохли лугати. Ж. ІІ, -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. 672 б.

ANALITIK GEOMETRIYANI OʻQITISHGA MODULLI TEXNOLOGIYANI QOʻLLASHNING AYRIM JIHATLARI

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МОДУЛЬНОЙ ТЕХНОЛОГИИ ПРИ ОБУЧЕНИИ АНАЛИТИЧЕСКОЙ ГЕОМЕТРИИ

SOME ASPECTS OF THE USE OF MODULAR TECHNOLOGY EDUCATION ANALYTIC GEOMETRY

Sh.R. Xurramov – t.f.n., professor, Toshkent arxitektura va qurilish instituti, B.A. Abduraxmonov – f-m.f.n., katta oʻqituvchi, N.X. Ulugʻmuodov – t.f.n., dotsent, Toshkent farmatseftika instituti

Annotatsiya

Maqolada texnika oliy oʻquv yurtlarida analitik geometriya fanining oʻqitish jarayonlarida modul tizimini tadbiqi va uning reyting tizimidagi ahamiyati yoritilgan.

Kalitli soʻzlar: modul, reyting, matematika, analitik geometriya, modulli –reytingli oʻqitish texnologiyasi.

Аннотация

В статье рассматриваются некоторые аспекты использования модульного обучения и адекватная ей рейтинговая система контроля

в процессе преподавания аналитической геометрии в технических вузах.

Ключевые слова: модуль, рейтинг, математика, аналитическая геометрия, обучение технология модуль и рейтинг.

Annotation

The article discusses the implementation of module system and its importance in the rating system in the processes of teaching analytical geometry in technical universities.

Key words: module, rating, mathematics, analytical geometry, module teaching technology and rating system.

Hozirgi jadal rivojlanish davrida aql-zakovatli, ijodiy fikrlovchi va mustaqil qaror qabul qiluvchi mutaxassislarni tayyorlashda matematik ta'lim asosiy oʻrin egallaydi. Talabalarni matematik bilimlarini shakallantirish ularning kasbiy faoliyatida zarur boʻladigan boshqa tabiiy-ilmiy, umumkasbiy va ixtisoslik fanlarini oʻrganishlari uchun nazariy asoslarni ta'minlashi imkoniyatini beradi. Oʻzbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti I.A.Karimov ta'kidlaganlaridek: "Farzandlarimizni mustaqil va keng fikrlash qobiliyatiga ega boʻlgan, ongli yashaydigan komil insonlar etib voyaga etkazish—ta'lim-tarbiya sohasining asosiy maqsadi va vazifasi boʻlishi lozim" [1].

Oliy ta'lim tizimini rivojlantirishning istiqbolli yoʻnalishlaridan biri ta'lim jarayoniga zamonaviy pedagogik texnologiyalarni joriy etish hisoblanadi. Bugungi kunda keng istiqbolli pedagogik texnologiyalardan biri modulli (blokli-modulli, modulli-reytingli, modulli-loyihali, modulli-kontekstli) oʻqitish texnologiyalari hisoblanadi.

Modulli oʻqitish texnologiyasining asosiy vositasi qoʻyilgan didaktik maqsadlarga erishishni ta'-minlovchi dasturlar va uslubiy koʻrsatmalarni oʻz ichiga olgan tugallangan axborot bloklaridan iborat *modullar* hisoblanadi.

Modul mazmuniga koʻra didaktik va operatsion modullarga ajratiladi. Didaktik modullardan ma'lum sohadagi nazariy bilimlarni oʻrgatishda foydalaniladi. Operatsion modullar esa biror kasbiyamaliy koʻnikmalarni ishlab chiqish talab qilinganida ishlatiladi.

Modulli oʻqitish oʻqish jarayonini tashkil etishning faol usullaridan foydalanishni va mustaqil ta'limni amalga oshirishni koʻzda tutadi handa talabalarning bilim ortturshdagi faoffigini va mustaqiffigini ragʻbatlantuadi. Shuningdek, modullar bir vaqtda oʻzidan foydalanish boʻyicha axborot banki va ushibiy koʻrsatma yazifasini oʻtaydi

Modulfi oʻqitishni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun quyidagi usulfar tizimini ishlatish mumkm

- informatsiyafi (ma'ruza, hikoya, suhbat, maslahat);
- operatsiyali (amaliy va laboratoriya ishlari, mustaqil va nazorat ishlari);
- izlanuvchan (ishbilarmon oʻyinlar, disput, aqliy hujum) va mustaqil oʻqish. [2]

Modullarning barcha tiplari uchun materiallarning bloklarda joylashish tamoyili umumiy boʻladi: kirish bloki, umumlashtirish bloki, nazariy blok, tatbiq qilish bloki, chuqurlashtirish bloki va chiqish bloki [2].

Keltirilgan bloklar tizimini texnika oliy oʻquv yurtlari uchun matematika kursining "Analitik geometriya" moduli misolida qarab chiqamiz.

"Analitik geometriya" modulining amaliy jihati geometrik shakllarning ulcham qiymatlarini hisoblashga oid masalalarni yechishga, isbotlar va qurishlarga, har doim koʻrgazmalilikka, xususan oʻqitishning barcha bosqichlarida chizma va rasmlarga murojaat qilishga va bu asosda talabalarda geometrik sezgilarni oshirishga sistemali qoʻllash orqali ta'minlanadi. Amaliyotdan olingah masalalarga sistemali murojaat talabalarda geometrik shakllarni hisoblash, predmetlar va hodisalarga haqiqy koʻz bilan qarash va ularni ifodalashda geometrik tildan foydalanish mahoratlarini oshiradi.

"Analitik geometriya" modulini oʻrganish natijasida talabalar quyidagi malakaga ega boʻlishlari lozim:

- -masalalarning shartida keltirilgan geometrik shakl va jismlarni tasvirlash;
- chizma va modellardagi ma'lum chiziqlarni ajratish;
- nazariy ma'lumotlarga tayangan holda hisoblashga va isbotlashga oid na'munaviy masalalarni yechish;
- na'munaviy masalalarni yechish mobaynida isbotlash ishlarini bajarish;
- geometrik kattaliklar (uzunlik, burchak, yuza, hajm) qiymatlarini oʻrganilgan xossa va formulalarni qoʻllagan holda hisoblash;

- algebra, analiz va trigonometriya masalalarni yechish jarayonida qoʻllash;
- vektorlar va koordinatalardan masalalarni (uzunliklar va burchaklarni hisoblash, vektorlar ustida amallar bajarish) yechishda foydalanish;
- geometrik jismlarni tasvirlash, ularning hajmlari, yuzalari va sirtlarini hisoblash.

Modulning *kirish bloki* dastlabki nazorat ishlarini ifodalaydi. Bu ishlarda zarur boʻlgan hollarda murojaat qilish mumkin boʻlgan adabiyotlar roʻyxati keltirilgan boʻladi.


"Analitik geometriya" moduliga kirish nazorati bloki ushbu modulni oʻrganish uchun kerak boʻladigan maktab planimetriya va stereometriya kurslarining mos materiallarini takrorlash hamda talabalarning asosiy tushunchalar, formula va teoremalarni bilishlari darajasini aniqlash maqsadida kirish nazorati oʻtkazish orqali amalga oshiriladi. Bunda quyidagi tipdagi testlardan foydalanish mumkin.

- 1. ... vektorlarga kollinear vektorlar deyiladi.
- A) bir to 'g'ri chiziqda yotuvchi. B) perpendikulat to 'g'ri chiziqlarda yotuvchi. C) bir to 'g'ri chiziqda yoki parallel to 'g'ri chiziqlarda yotuvchi. D) parallel to 'g'ri chiziqlarda yotuvchi.
- 2. Agar vektorlar perpendikular boʻlsa, u holda ularning skalyar koʻpaytmasi
- A) 0 ga teng. B) 1 ga teng. C) mavjuq boʻlmaydi. $^*D) \pi/2$ ga teng.
- 3. Uchburchakning uchlari berilgan: A(2; -1; 4). B(3; -2; 2). C(-5; 0; -2;) Uning A uchidan oʻtkazilgan medianasi uzunligini toping.

A) 9. B) 7. C) 5. D) 10.

Modulning *umumlashtirish bloki*—bu modulning masalalarini ifodalashga asos boʻladigan sxema, algoritm yoki koʻrsatmalardir.

Modulning mazmunini koʻrgazmali namoyishi sifatida quyidagi sxemani keltirish mumkin.



Modulning *nazariy bloki* – bu o'rganish, mate-

matik tafakkur madaniyatini rivojlantirish, amaliy malaka va ko'nikmalarni shakllantirish uchun kerak bo'ladigan nazariyaning tugallangan bo'limidir.

Modulning nazariy blogini dasturlashtirilgan ma'ruza ko'rinishida berish maqsadga muvofiqdir. Ma'ruzadan oldin har bir talaba keyinchalik o'qituvchi tomonidan izohlanadigan tayyor axborot bloklarini yoki tayanch konspektlarni oladilar. Bunda talabalar o'zlarini axborotni mexanik ravishda yozib oluvchi operatorlar sifatida koʻrmasdan, balki ijodiy faoliyatning ishtirokchilariga aylanadilar, munozarali masalalarda qatnashishdan ozod bo'ladilar va oʻrganilayotgan nazariyaga mustaqil yondashadilar. Dasturli ma'ruza jarayonida o'qituvchi va auditoriya oʻrtasida qulay psixologik muhit yaratiladi.

Analitik geometriya mazmunan didaktik modul shaklida ifodalanadi. Bunda yuqori darajadagi koʻrgazmalilik namoyon boʻladi. Operatsion modullarda esa berilgan chizma asosida masalalar yechishni tavsiya qilinishi mumkin.

Qisqa bayonning nazariy blogi modullarning talabalarga tuzilmali sxema koʻrinishida koʻrgazmali berilgan asosiy mavzularidan tashkil topadi. Bu yerda talabalar mavzu bilan, uning bo'limlarini o'rganish tuzilmasi bilan, mavzuning u yoki bu qismini oʻrganishga ajratilgan oʻquv vaqtining hajmi bilan tanishadilar. Bunda modul doirasida o'rganish uchun zarur bo'lgan oldindan ma'lum matematik tushunchalarni (koordinatalar tekisligi, to'g'ri chiziq, parallel to'g'ri chiziqlar, perpendikular to'g'ri chiziqlar va hakazo) va formulalarni (Pifagor teoremasi, uch perpendikular haqida teorema va boshqalar) takrorlash bajariladi.

O'quv elementlarining nazariy blogi "Analitik geometriya" moduli bo'yicha barcha ma'ruza mashg'ulotlarni o'z ichiga oladi. O'quv materiali ma'ruza shaklida beriladi. Avval ma'ruzaning mazmuni diqqat bilan tahlil qilinadi va keyin bilishning asosiy elementlari belgilanadi. Bu kabi o'qitishda talabalar "Analitik geometriya" modulini bilishi lozim bo'lgan asosiy tushuncha va tariflardan iborat tayanch jadval muhim rol o'ynaydi. Bunday jadval ma'ruzaning boshlanishida har bir talabaga tarqatiladi. Masalan, "Fazodagi tekislik va to'g'ri chiziq" ma'ruzasi uchun jadvallar berish mumkin.

Asosiy tushunchalar, formulalar va grafiklar bilan tanishilgandan keyin olingan bilimlarni mustahkamlash va chuqurlashtirishga o'tish ro'y

beradi. Bunda modulning tatbiq qilish bloki amalga oshiriladi. Berilgan mavzu bo'yicha matematik bilimlarni unumli tartibga solish uchun bu blokda bilimlarni oʻzlashtirishni mos tuzilishga ega sxemalar orqali tizimli-tartibli yondashishni amalga oshirish lozim. Bilimlarni oʻzlashtirishning bu qismida materialni etapma-etap o'rganishdan voz kechib, katta bloklarni kichik bo'laklarda amalga oshirish koʻzda tutiladi. Katta hajmli nazariy materiallarda vaqtning uzilishlarini kamaytirgan holda o'quv mashg'ulotlar sonini minimumga keltirish mumkin.

Modulning chuqurlashtirish bloki tatbiq qilish blogibilan chambarchas bogʻliq. Bundana'munaviy masalalarni yechishni (zarur minimumni) yaxshi o'zlashtirgan talabalar o'zlarining reyting ko'rsatkichlarini qoʻshimcha adabiyotlar bilan ishlash va yuqori murakkablikdagi masalalarni yechish orqali koʻtarishi mumkin.

"Analitik geometriya" modulini o'rganishning oxirgi bosqichida talabalar tomonidan olingan bilimlar baholanishi lozim. Buning uchun baholash funksiyani bajaruvchi chiqish bloki amalga oshiriladi.

"Analitik geometriya" moduli "Matematika" birinchi semestrda o'rganiladigan kursining mazmunining bir qismi bo'lganligi sababli bu moduldan joriy va oraliq nazorat o'tkaziladi. Bunda har bir mavzu boʻyicha mashqlarni bajarish va modulning barcha mavzulari boʻyicha mustaqil ish (na'munaviy hisob) topshirish asosidagi joriy nazorat hamda modulning ma'lum qismlari bo'yicha test shaklidagi oraliq nazorat amalga oshiriladi.

Nazorat blokining joriy nazorati topshiriqlariga misollar keltiramiz.

Joriy nazorat amaliy mashgulot darslarida va talabalarning mustaqil ishlari asosida amalga oshiriladi. Bunda har bir mavzu bo'yicha tuzilgan mashqlarni (misol va masalalarni) yechish talabalar tomonidan auditoriyada va uyda (uy vazifasi asosida) amalga oshiriladi. Bu mashqlarning toq nomerlari auditoriyada va juft nomerlari uyda bajarilishi mumkin. Bunda mos toq va juft nomerli mashqlar bir xil tipda va qiyinlik darajasida boʻlishi maqsadga muvofiqdir.

Masalan, "Ikkinchi tartibli chiziqlar" mavzusi bo'yicha har xil qiyinlik darajasiga ega bo'lgan 16 juft mashq keltirilishi va bunda ularning bir qismi (masalan toʻrt jufti) sodda mashqlardan bir qismida (masalan, to'rt tashkil topishi,

juftida) talabalardan oʻrganilgan nazariy material asosida isbotlar talab qilinishi, bir qismida (masalan, besh juftida) talabalarning oʻrganilgan nazariy bilimlarini amaliy tatbiqi kerak boʻlishi, ayrimlarida (masalan, ikki juftida) talabalardan ijodiy yondoshish talab qilinishi (bu masalalar bir necha xil usul bilan yechilishi mumkin), oxirgi juft masala har bir talaba uchun alohida variantda

berililishi (bu kabi masalalar nazorat ishlarida amalga oshiriladi) mumkin.

"Analitik geometriya modulida" joriy nazorat uchun mustaqil ish (namunaviy hisob) topshiriqlari har bir talaba uchun alohida variantlarda beriladi. Quyida shu kabi variantlardan birini keltiramiz.

Ma'ruzaning
nomlanishi
Fazodagi
tekislik va
toʻgʻri chiziq
(4soat)

Asosiy tushunchalar

Koordinatalari $\begin{cases} F(x, y, z) = 0, \\ G(x, y, z) = 0 \end{cases}$ tenglamalar sistemasini qanoatlantiruvchi Oxyz koordinatalar

sistemasining barcha M(x; y; z) nuqtalar toʻplamiga fazodagi shu tenglamalar sistemasi bilan aniqlanuvchi chiziq deyiladi

Fazodagi chiziq tenglamasi deb aynan shu chiziqning barcha nuqtalari Oxyz koordinatalar

sistemasining (x; y; z) koordinatalarini aniqlovchi $\begin{cases} F(x, y, z) = 0, \text{tenglamalar sistemasiga aytiladi.} \\ G(x, y, z) = 0 \end{cases}$

x, y, z oʻzgaruvchilarning har qanday birinchi darajali tenglamasi fazodagi biror *tekislikni* ifodalaydi va aksincha, fazodagi har qanday *tekislik* x, y, z oʻzgaruvchilarning biror birinchi darajali tenglamasi bilan aniqlanadi.

Tekislikning turli tenglamalari.

Ikki tekislik orasidagi burchak; ikki tekislikning parallellik, perpendikularlik, ustma-ust tushish shartlari.

Nuqtadan tekislikkacha boʻlgan masofa.

Fazodagi toʻgʻri chiziqning turli tenglamalari.

Fazodagi ikki toʻgʻri chiziq orasidagi burchak, ikki toʻgʻri chiziqning parallellik, perpendikularlik, bir tekislikda yotishi, ayqash boʻlishi, ustma-ust tushish shartlari.

Fazodagi toʻgʻri chiziq bilan tekislik orasidagi burchak, toʻgʻri chiziq bilan tekislikning pareallellik, perpendikularlik shartlari.

Fazoda nuqtadan toʻgʻri chiziqqacha boʻlgan masofa.

- 1. ABC uchburchak uchlarining koordinatalari berilgan: A(1;2). B(9;8). C(6;14)
- a) C uchdan tushirilgan balandlik tenglamasini tuzing va uning uzunligini toping;
- b) *B* uchdan oʻtkazilgan mediana tenglamasini tuzing va uchburchak medianalarining kesishish nuqtasini toping; c) *A* burchak kattaligining radian qiymatini hisoblang va uning bissektrisasi tenglamasini tuzing.
- 2. Har bir M(x;y) nuqtasidan berilgan A(4;1) va B(-2;-1) nuqtalargacha boʻlgan masofalar nisbati a=4 ga teng boʻlgan chiziq tenglamasini tuzing.
- 3. *ABCD* piramidaning uchlari berilgan: *A*(3;5;3). *B*(8;7;4). *C*(5;10;4). *D*(4;7;8).
- a) AB qirra tenglamasini tuzing; b) ABC yoq tenglamasini tuzing; c) D uchdan ABC yoqqa tushirilgan balandlik tenglamasini tuzing va uning uzunligini toping; d) C uchdan oʻtuvchi AB qirraga parallel toʻgʻri chiziq tenglamasini tuzing; e) D uchdan oʻtuvchi AB qirraga perpendikular tekislik tenglamasini tuzing; f) AD qirra bilan ABC yoq orasidagi burchak sinusini toping;

g) ABC va ABD yoqlar orasidagi burchak kosinusini toping.

4.
$$A(3;-2;1)$$
 nuqta va $\frac{x+3}{-3} = \frac{y-2}{1} = \frac{z-1}{4}$

toʻgʻri chiziqdan oʻtuvchi tekislik

tenglamasini tuzing. 5
$$\begin{cases} 2x+3y-z+5=0, \\ x+5y-2z+3=0 \end{cases}$$

to'g'ri chiziqning kanonik tenglamasini yozing.

- 6. x-3/0 = y+3/3 = z-5/10 to 'g'ri chiziq bilan x + 2y 2z + 27 = 0 tekislikning kesishish nuqtasi koordinatalarini toping.
- 7. Sirt turini aniqlang va shaklini chizing:

a)
$$5x^2 + y^2 - 3z^2 = 0$$
, b) $z^2 = 2y^2 + 4$

Modulli oʻqitish texnologiyasida fan va uning har bir moduli boʻyicha talabalar bilim, malaka va koʻnikmalarini reytingli baholash koʻzda tutiladi. Bunda fanning tarkibiy tuzilishiga tayangan holda uning blokli tuzilmasidan foydalaniladi. Natijada talabalarni oʻqitish jarayonini boshqarishning modulli-reytingli tizimi hosil qilinadi. Bunda fanning har bir moduli uchun fanga ajratilgan umumiy reyting balidan ma'lum ball ajratiladi. Bu ball oʻqituvchi tomonidan berilgan modulni dasturlashtirish uchun mezon va talabalar uchun ushbu modulda erishishi mumkin boʻlgan (maksimal) ballni ifodalaydi [3].

Yuqorida bayon qilinganlar asosida "Analitik geometriya" modulning chiqish blogida talabalar-

ning reytingini hisoblashni bakalavriatning qurilish ta'lim yoʻnalishlarida matematika kursini oʻqitish misolida koʻrib chiqamiz. Bu yoʻnalishlarda "Analitik geometriya" moduli "Chiziqli algebra" hamda "Matematik analizga kirish" modullari bilan birgalikda birinchi semestrda oʻqitiladi va bu modulga birinchi semestrda matematika kursining ma'ruza mashgulotlariga ajratilgan 18 juftlikning 8 juftligi ajratiladi. Shu sababli oraliq nazoratda moduldan yigʻilgan ball k = 8/18 = 4/9 koeffitsiyentga koʻpaytiriladi va u joriy nazorat uchun ham saqlanadi.

"Annalitik geometriya" modulining mazmuni 8 ta mavzuga bo'lamiz:

			Analitik ge	ometriya			
Ma'ruza №1	Ma'ruza №2	Ma'ruza №3	Ma'ruza №4	Ma'ruza №5	Ma'ruza №6	Ma'ruza №7	Ma'ruza №8
Vektor lar	Vektor larni koʻpay tirish	Koordi natalar siste masi	Tekislikdagi toʻgʻri chiziq	Ikkinchi tartibli chiziqlar	Tekislik	Fazodagi toʻgʻri chiziq	Ikkinchi tartibli sirtlar

Talabalarning ma'ruzadagi faoliyati oraliq nazorat sifatida quyidagicha baholanadi: har bir ma'ruzaga qatnashishi - 0,5 ball; konspektning mavjudligi va rasmiylashtirishi - 0,5 ball; test nazorati - 22 ball. Shunday qilib, modul boʻyicha oraliq nazoratdagi maksimal reyting quyidagicha topiladi:

$$R_{mak}^{or} = (22+0, 5\cdot 8+0, 5\cdot 8)\frac{4}{9} = 13,33.$$

Talabaning oraliq nazoratda real reytingi

$$R_j^{or} = (k_j^t + 0, 5 \cdot k_j^d + 0, 5 \cdot k_j^k) \frac{4}{9}$$

kabi aniqlanadi, bu yerda k_j^t — talabaning testdan olgan bali; k_j^d — talabaning qatnashgan mashgʻulotlari soni; k_j^k — talabaning mavjud konspektlari soni; j — talabaning guruh roʻyxatidagi tartib raqami.

Talabalarning amaliy mashgʻulot va mustaqil ta'lim boʻyicha faoliyati joriy nazorat sifatida quyidagicha baholanadi: har bir mashgʻulotga qatnashishi - 0,5 ball; har bir uy vazifasining bajarilishi - 0,5 ball, nazorat ishini bajarilishi - 4 ball; mustaqil ishning bajarilishi - 8 ball, har bir masgʻulot uchun oldindan berilgan algoritm asosida masala yechgani uchun - 2 ball; nostandart masalani yechgani uchun - 3 ball; qoʻshimcha nostandart masalani yechgani uchun - 5 ball. Bunda mashgʻulot uchun maksimal ballni aniqlashda barcha mashgulotlarda guruhdagi

hamma talabalarni doskaga chiqarish ba'zan vaqt nuqtai nazarida qiyinligini hisobga olish lozim. M.Paninning "Морфология рейтинга" maqolasida "talaba har toʻrtinchi mashgʻulotda aktiv ishlashi mumkin" degan xulosani keltirgan [4]. Ushbu xulosani hisobga oladigan boʻlsak modul boʻyicha joriy nazoratdagi maksimal reytingi quyidagicha topiladi:

$$R_{mak}^{jor} = \left(4 + 8 + \frac{2 + 3 + 5}{4} \cdot 8 + 0, 5 \cdot 8 + 0, 5 \cdot 8\right) \frac{4}{9} = 17,77$$

Talabaning joriy nazoratda real reytingi

$$R_{j}^{jor} = (k_{j}^{ml} + k_{j}^{mi} + (k_{j}^{alg} + k_{j}^{ns1} + k_{j}^{ns2}) \cdot 8 + 0, 5 \cdot k_{j}^{d} + 0, 5 \cdot k_{j}^{uv}) \frac{4}{9}$$

kabi aniqlanadi, bu yerda $k_j^{ni}, k_j^{mi}, k_j^{alg}, k_j^{ns1}, k_j^{ns2}$ – talabaning mos ravishda nazorat ishidan, mustaqil algoritm asosida masala yechishdan, nostandart masala yechishdan, qoʻshimcha nostandart masalani yechishdan olgan ballari; k_j^d — talabaning qatnashgan mashgʻulotlari soni; k_j^{uy} talabaning bajargan uy ishlari soni.

Mustaqil ishni baholashda uning oʻz vaqtida topshirilishi inobatga olinadi va bali quyidagicha baholanadi: belgilangan vaqtda topshirilsa, mustaqil ishga k_j^{mi} ball, bir hafta kechikib topshirilgan mustaqil ishga $0.8 \cdot k_j^{mi}$ ball, ikki hafta kechikib topshirilgan mustaqil ishga $0.8 \cdot k_j^{mi}$ ball beriladi.

PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA

Talabalarning o'quv izlanishlarini aktivlashtirish uchun reyting ballariga qoʻshimcha ballar kiritilishi mumkin, masalan: talabaning semestrdagi biror mavzu boʻyicha ma'ruzasi uchun shu semestrga -5 ball, anjumandagi ma'ruzasi uchun - 10 ball va olimpiadaning ikkinchi bosqichida ishtiroki uchun - 15 ball.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat -yengilmas kuch. – T.: "Ma'naviyat", 2008, 173 b.

- 2. Лаврентьев Г.В. Педагогические основы разработки и внедрения технологии обучения в высшей школе // Автореферат дисс...к.п.н., 1996.
- 3. Титова Е.И., Чапрасова А.В. Реализация контроля знаний и умений студентов по математике в условиях модульного обучения. // Современные проблемы науки и образования. – $2015. - N_{2} 2-1.$
- 4. Панин М. Морфология рейтинга // www. dvgu.ru/umu/didiest/higliedu/vear1998/art5.him.

МУСИКА МАШҒУЛОТЛАРИДА КРЕАТИВ **ҚОБИЛИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

РАЗВИТИЕ КРЕАТИВНЫХ СПОСОБНОСТЕЙ В МУЗЫКАЛЬНЫХ ЗАНЯТИЯХ

DEVELOPMENT OF CREATIVE ABILITIES IN MUSIC CLASSES

Н.И. Режаметова – катта илмий ходим-изланувчи, Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти.

Аннотапия

Мақолада мусиқа машғулотларида креатив қобилиятларни ривожлантириш масалалари ёритилган. Мусиқа машғулотларида креатив ривожланишнинг метод ва шакллари, унинг педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ностандарт фикрлайдиган ўкувчиларни тарбиялаш моделини яратиш тўгрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: мусиқа, креатив, мусиқий ривожланиш, ижодкорлик, қобилият,таълим, тарбия, тасаввур, такомиллаштириш, истеъдод.

Аннотация

В статье раскрыты вопросы развития креативных способностей в музыкальных занятиях. Обсуждены методы и формы креативного развития в музыкальных занятиях, педагогические условия его разработки, также создания модели воспитания нестандартно мыслящих учащихся.

Ключевые слова: музыка, креативный, музыкальное развитие, творчество, способность, обучение, воспитание, представление, усовершенствование, дарование

Annotation

The article deals with the problems of developing creative abilities in music lessons. It discusses the methods and forms of creative development in the music classes, formulation of its pedagogical conditions and also creation of a model of training non-standard thinking students.

Key words: music, creative, musical development, creativity, ability, education, upbringing, imagination, improvement, talent.

Жамият тараққиёти ижтимоий хаётнинг барсоғлом фикрлайдиган, ижтимоий хаётда ча сохаларида эркин тафаккур сохиби бўлган, мавжуд сифат ва микдор ўзгаришларига тез мослаша оладиган, хар қандай фаолият турида юксак самарага эриша оладиган етук педагог кадрларни тайёрлашни такозо этмокда. Бизнинг мамлакатимизда янгича ижтимоий-иктисодий шароитларда шаклланаётган мактабгача таълим тизимига хам худди шундай мусика рахбарларига эхтиёж катта. Жумладан, бозор иктисодиётининг ўтиш босқичлари қийинчиликларига қарамасдан биз эришилган ижобий тажрибаларини сақлаш ва ривожлантириш йўлидан бормокдамиз. Ховирги замон таълим тизимининг энг мухим вазифаларидан бири сифатида турли хаётий вазият ва шароитларда онгли тарзда қарорлар қабул қила оладиган, ностандарт фикрлай биладиган креатив шахсни тарбиялаш эътироф этилмокда. Мусика – бу тўғридан-тўғри ва кучли хиссий таъсир курсатиш санъатидир. У ижодий хусусиятга эга бўлиб, ўз ичига композиторлик, ижрочилик, тингловчилик, ижодий фаолиятларини қамраб олади ва мактабгача ёшдаги болаларнинг мусикий-ижодий ривожланиши учун хеч бир нарса билан таққослаб бўлмайдиган имкониятларни тақдим этади[1].

Мусиқий ривожланиш шахснинг умумий ривожланишига ўрнини хеч нима боса олмайдиган таъсир кўрсатади: эмоционал (хиссий) соха шаклланади, тафаккур такомиллашади, бола санъат ва хаёт гўзаллигига нисбатан сезгир бўлади. Фақат боланинг хиссиёти, қизикишлари дидини ривожлантириш билан уни мусика маданиятига ошно этиш, унинг асосларини шакллантириш мумкин. табгача ёш даври мусика маданиятини эгаллаш учун фавкулодда мухим саналади. Мусиқий фаолият давомида мусиқий-эстетик онг шакллантирилса, бу инсоннинг келгуси ривожланишида, унинг умумий маънавий тикланишида изсиз кетмайди.

Мусиқа ижодиёти — бу шахснинг мавжуд ижодий имкониятларини тўлалигича сафарбар этиш асосида мусика санъатида бетакрор асар(махсулот)ларни яратишга қаратилган фаолиятдир. Мусика билан мунтазам шуғулланган инсонларда ижодий тасаввурлар, олдиндан хис килиш, рефлексия, махсулдорлик, оригинал ва кенг тафаккурга эгалик сингари ижодкорлик белгилари бошқаларга нисбатан ривожланган бўлади.

Мусикий тарбия, мусикий фаолият эстетик тарбиянинг асосий таркибий кисмларидан

бири сифатида баркамол авлодни тарбиялашда етакчи ўрин тутадиган йўналишлардан бири саналади. Унинг бола тарбиясидаги роли, биринчидан, мусиқанинг санъат тури сифатида ўзига хослиги, иккинчидан эса, бола ёшининг ўзига хосликлари билан белгиланади. Мусика мохиятига кўра, бевосита мазмунига кўра эмоционал. Б.М.Теплов айтганидек, шу каби ажойиб хусусиятларига кўра мусика эмоционал билишга айланади ва инсоннинг, айникса болаликда, эмоционал сохаси ривожи учун хеч нима билан тенглаштириб бўлмайдиган имкониятлар ярата олади[2].

Мусиқани идрок этиш жараёни – бу товушлар ёрдамида ўз хиссиёт ва фикрларини ифодалаётган бастакор билан мазкур товушлар ёрдамида етказиб берилаётган тасаввур ва тушунчаларни бор вужуди билан эшитиб, қабул қилаётган ва ўқувчининг тингловчи. яъни ўқитувчи ўзаро юксак хамкорлиги, хамжихатлиги, фикр жоиз бўлса, хаммуаллифлиги намунасидир. Ўкитувчининг мусика санъати педагогикаси асосларини, умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа ўқитиш усулларини санъат даражасида ўзлаштириши, бунда мусика асарида кечаётган жараёнлар, вокеликлар ривожидаги бастакорнинг хиссиёт ва тасаввурини теран англаб етиши мусика дарсларида санъат недагогикаси воситасида ўкувчи шахсини ривожлантириш имкониятларини кенгайтиришнинг мухим омили саналади.

Илмий педагогик, психологик, методик адабиётлар тахлили мавзу билан боғлиқ қуйидаги қарама-қаршиликларни аниқлашимизга ёрдам берди:

- Замонавий таълимнинг мусика сохасида таълим олаётган шахс ижодий даражасига, анъанавий қарашлар асосида мусиқа таълими дарслари самарадорлигига қуядиган талаби билан мактабларда уларга берилаётган билим, кўникма ва малакалар орасида мавжуд номутаносибликлар;
- Санъат педагогикаси таъсирида креатив қобилиятларни ривожлантириш имкониятлари билан бошланғич мактаб таълим жараёнида эътироф этилаётган имкониятлардан фойдаланиш холати ва даражасининг ўта пастлиги ўртасидаги тафовутлар.

Шу билан бир қаторда, мусиқа мактаблари бошланғич синфларида ўқувчиларнинг креатив қобилиятларини ривожлантириш масалаларига тўлалигича ойдинлик киритилмаганлиги, мусика дарсларида креатив ривожланиш метод ва шакллари, унинг педагогик шарт-шароитлари ишлаб чикилмаганлиги, шунингдек, ностандарт фикрлайдиган ўкувчиларни тарбиялаш моделининг яратилмаганлиги ўртасидаги ўзаро зиддиятлар[3].

Креативликни ривожлантириш қуйидагиларда ўз аксини топган:

- креативликни ривожлантириш тушунчаси илмий асосланган бўлиб, у ўз таркибига мотивацион-қадриятли (машғулотларга қизиқиш, ижобий рухий интилиш холати), фаолиятли (ижодий фаолиятга бўлган эхтиёж, фикрий сермахсуллик) ва ижодий (фаол тасаввур, оригинал фикр) компонентларини қамраб олади;
- ўз таркибида мақсадли, мазмуний, диагностик-натижали блокларни мужассам этган саньат педагогикаси асосида креативликни ривожлантиришнинг педагогик модели ишлаб чиқилди;

Санъат педагогикаси воситасида креатив ривожлантириш жараёнининг асосий таълим шакли-бу дарс хисобланади ва у жараённинг турли боскичларида юзага келиши мумкин бўлган куйида эътироф этилган ўзига хос хусусиятларга эга:

- дарсни ташкил қилишда мусиқа бир вақтнинг ўзида ҳам англаш предмети ҳам тарбия воситаси васифасини ўтайди (яъни мусиқа дарси санъат дарси сифатида турли мусиқийижодий фаолият турларини ўзлаштириш, мусиқий мулоқот асосида руҳий-қадриятли муносабатлар тажрибасини тўплашнинг муҳим омили ҳисобланади);
- мусика дарсларидаги ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ҳаракатларида амалга ошириладиган мусиқага бўлган гармоник уйғунликдаги ёндашув (куйлаш, тинглаш, импровизация қилиш, театралаштириш ва б.) ҳамда мусиқа фаолияти (мусиқий-ижрочилик, мусиқий-назарий, ижрочилик, тинглаш, бастакорлик) сингари шакллардаги ўқитувчи-ўқувчининг ҳамкорлиги, ҳаммуаллифлигини назарда тутади;
- мусикани англаш, билишнинг мухим усули сифатида идрок этиш (мусикани англаш турли фикрларни инобатга олган холдаги мухокамалар асосида амалга оширилади);
- турли фаолият турларидаги эхтирос ва хиссиётларнинг ўзаро уйғунлиги мусиқани англашнинг йўли сифатида англанилади (инту-

итив чизиш, театралаштириш кабилар санъат асарини тушуниб тинглашга ёрдам беради).

Санъат педагогикаси методлари - импровизация, мусикий умумлаштириш, олдинга ўтиб кетиш ва олдин ўтилганларга қайтиб иш кўриш методлари; мусика тўгрисида фикр юритиш, хиссий драматургия методи, креативликни ривожлантирувчи ассоциация методларини ўз ичига олади.

Санъат педагогикаси воситаси сифатида мусика дарсларида кўлланиладиган махсус жихозлар (болалар шовкинли чолғу ускуналари), проекциялаш материаллари (фильмлар ва турли электрон ташувчилардаги мусикалар), ва мусика репертуари тинглаш, куйлаш ва болалар мусика асбобларида жўр бўлиб ижро этишга мўлжалланган мусика асарлари).

"Креативлик" тушунчасини изохлашда педагогика фанида мавжуд кўплаб коида ва таърифлардан нисбатан умумий ва тўликроғи сифатида "ижодкорлик кобилияти" тушунчасини ажратиб кўрсатиш мумкин. Инсонпарварлик психологиясини ўзида мужассам этган инсонпарварлик педагогикаси таълим жараёнини хар бир шахснинг индивидуал имконият, кизикиш ва хусусиятларидан келиб чикиб куриш лозимлигини эътироф этади, "креативлик"- бу шахсий ахамиятга молик ўз фаолият сохасини эталлашга бўлган ижодий ёндашув.

Креативликнинг намоён бўлиши — бу ўз диқкатини жамлай олиш ва уни керакли томонга бошқара билиш, кузатувчанлик, чукур ҳиссиёт ва тасаввурга эга бўлиш, вокеликни олдиндан кўра билиш, сезгирлик, башорат килиш хусусиятига эгалик, турли ўзгаришларга мосланувчанлик каби муҳим қобилиятларга эгаликни англатади.

Мусиқа машғулотлари мазмунан инсонпарвар ғояларни ташишга мойиллиги, ўқувчиларда жамоа билан ишлаш ва мулоқот қилиш тажрибасини шакллантириши, ҳиссий-баҳолаш ҳамда ижодий фаолият турларига ўргатиш хусусиятларини ўзида мужассам этганлиги боис айнан унинг болаларда креативликни ривожлантириш имкониятларини юқори баҳолаймиз. Мусиқа билан мунтазам шуғулланган инсонларда ижодий тасаввурлар, олдиндан ҳис қилиш, рефлексия, махсулдорлик, оригинал ва кенг тафаккурга эгалик сингари креативлик белгилари бошқаларга нисбатан ривожланган бўлади.

Санъат педагогикаси талабларини инобатга олган холда мусика дарсларида кўлланиладиган методлар умумпедагогик (оғзаки, кўргазмали, амалий) ва санъат тури сифатида мусиканинг специфик (ўзига хос) методлари, импровизация методи, мусикий умумлаштириш методи, импровизация, мусикий умумлаштириш, олдинга ўтиб кетиш ва олдин ўтилганларга қайтиб иш кўриш методлари; мусика тўғрисида фикр юритиш, хиссий драматургия методи, креативликни ривожлантирувчи ассоциация методлари каби турларга бўлинади.

Таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг янги билимларни ўзлаштириш объекти сифатида фойдаланиш қоидасига таяниб, санъат педагогикасининг қуйидаги воситаларини ажратиб кўрсатиш имконига эгамиз: ўкитишнинг кўргазмали воситалари (портретлар, дидактик плакатлар, репродукциялар), махсус жихозлар (мусиқа асбоблари), ўкитишнинг техник воситалари (компьютер, проектор, экран, мусиқа маркази), турли ташувчилар асосида ишлашга мўлжалланган проекцион материаллар (фонохрестоматия ва видеотека), мусикий репертуар (болалар мусика асбобларида чалиш, куйлаш, тинглаш).

Мусиқа дарсларида санъат педагогикаси воситасида кичик мактаб ёшидаги болаларда креатив хусусиятларни ривожлантириш куйидаги мотивацион-қадриятли, фаолиятли, ижодий сингари уч таркибий қисм асосида амалга оширилади (1-расм). Санаб ўтилган таркибий қисмлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ўзларида мавжуд ижодий имкониятларни намоён этишга бўлган индивидуал қизиқишларининг кучлилиги уларни мусика санъати фаолиятига тортишда кўл келади. Бизнинг назаримизда, том маънодаги ижодий креативликнинг намоён бўлиши учун ўкитувчи мусика дарсларида ўкувчиларни мустакил ва ижодий фикрлашга мажбур қила

оладиган, тасаввурларини ривожлантирадиган, уларнинг дарсга бўлган кизикишларини кўллаб-кувватлайдиган хилма-хил усул ва воситаларни пухта билиши ва уларни амалиётда кўллай олиши даражасини мукаммал эгаллаган бўлиши талаб этилади.

Мусиқа дарсларида тингланган мусиқа асарини турли шақилдоқлар, қошиқ, бубен ва бошқа анжомлар ёрдамида импровизация қилиш ҳам боланинг ижодий даражаси таркибий қисмларини ўзгартириш, тузатишда ўзига хос аҳамият касб этади..

Биз мусика дарсларида санъат педагогикаси асосида креатив ривожланишлари самарадорлигинини оширишнинг моделини ишлаб чикдик, модел ўз таркибида креатив ривожланишнинг максади, методологик ёндашуви, тамойиллари хамда ўзига хос хусусиятларини жамлайди.

Турли даврлардаги педагоглар ҳам мазкур масалани қуйишган ва узларича ҳал этишган. Боланинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш муаммосини психологик асослаш, уларнинг келиб чиқиши тутрисидаги илмий тасаввурлар педагогларга тадқиқ этилаётган қобилиятларни тарбиялаш тизимини такомиллаштириш йулларини курсатади[4].

Укувчиларнинг креатив кобилиятини шакллантириш жараёнини щундай йўналтириш керакки, ҳар бир индивид тўғрисидаги чукур билимлар ва унинг фаолиятининг барча турлари хусусиятлари асосида эстетик ижодий кобилиятини шакллантириш ва шу билан ҳар бир кишига ўзи тўлик коникиш оладиган ва ўзининг барча кобилиятларини намоён киладиган севимли ишини таплаб олишга шароит яратиш керак. Қисқача килиб айтсак, мусикадаги креатив кобилиятни эстетик кобилият деб ҳисоблаш мумкин, чунки у болада гўзаллик ҳиссини тарбиялайди.

PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA

Мақсад: Мусиқа машғулотларида креативликни ривожлантириш

МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР

Тизимли, фаолиятли, шахсга йўналтирилган. маданиятшунослик

ТАМОЙИЛЛАР

Ўкув-тарбия жараёнининг мажмуавийлиги, таълимнинг тизимлилиги, изчиллиги, билишнинг фаолиятга, хамкорликка, кизикишларга, ижодий лойиха ва топширикларга, бошкалар фаолияти натижалари хисобланган номоддий кадриятларга нисбатан кўтаринки рухий холатни хис килишга, бадиий маданиятни билишга асосланганлиги

ИЖОДКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАРКИБИЙ КИСМЛАРИ:

1. Мотивацион-қадриятли таркибий қисм

(дарсга нисбатан бўлган қизиқиш ва ижобий рухий интилиш).

2. Фаолиятли таркибий кисм

(атрофлича махсулдор тафаккур сохиби бўлиш, фаолиятга бўлган эхтиёж).

3. Ижодий таркибий қисм

(кенг тасаввур доирасига, оригинал ва ностандарт тафаккур юрита олиш кобилиятига эгалик

ИЖОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ВАЗИФАЛАРИ:

- 1) турли мамлакатлар бастакорлари ижод намуналари натижаларига хамда мусика маданияти дурдоналарига нисбатан хиссий-кадриятли муносабатни шакллантириш;
- 2) машғулотларда мусиқа фаолияти(куйлаш, тинглаш, турли болалар мусиқа асбобларида ижро этиш) шаклларини ўзлаштиришлари асносида болаларнинг ўзларини тўлалигича намоён этиш қобилиятларини очиш;
- 3) санъат педагогикаси имкониятлари хамда бевосита мусика дарслари оркали ўкувчиларга ижодий имкониятларни яратиш асосида креативликни ривожлантириш.

САНЪАТ ПЕДАГОГИКАСИ «Мусика дареларида креативликни ривожлантириш сирлари» дастури ўкитувчининг мусика Таълим шакли: дарс дарсларини санъат дарслари Дарснинг характер хусусиятлари: мусика дарси санъат ва ўкув-ўрганиш предмети сифатида ўтишга тайёрлиги; сифатида; мусика дарсларида ўкувчи хам ўкитувчининг хамкорлик харакатлари; – ижодий мухит ярата олиши; мусикани эгаллашни тамойил сифатида мушохада этиш; мусикани эгаллашда мусика дарсларида барча ижод билан боглик турли хисларнинг уйгунлигининг таъминланиши санъат турлари хамкорлиги, Узига хос усуллар: импровизация усули, мусикий умумлаштириш, олдинга ўтиб интеграциясини таъминлай кетиш ва аввал ўтилганларга қайта мурожаат этиш, драматик хиссиётлар, мусика олиши; юзасидан ўзаро фикр алмащиш. – ўқитувчининг ўқувчини Санъат педагогикаси воситалари: махсус жихозлар (болалар таълим фаолияти субьекти инструментлари), тасвир (проекцион) материаллари (фильмлар ва турли сифатида қабул қилиши электрон ташувчилардаги мусикалар), мусика репертуарлари.

НАТИЖАВИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ

Фаолиятга бўлган қизикиш ва хиссий- қадриятли муносабат

Тафаккур тезлиги ва сиймоларнинг ишлаб чикилганлиги Хамкорлик ва бетакрорлик

КРЕАТИВЛИК РИВОЖИ ДАРАЖАСИ

паст, ўрта ва юқори

1-расм. Мусика дарсларида кичик мактаб ёшидаги ўкувчилар креатив ривожланишининг таркибий-кисмлари

ФОЙДАЛАНИЛГН АДАБИЁТЛАР

- 1. Муминова Л.Р. Болажон таянч дастурида болалар нутқини ўстириш воситалари ва бунда фольклор асарларининг ўрни.-Сифатли мактабгача таълимни жорий этишда янгича ёндашув// Тошкент, 2014.-6.73;
- 2. Ружникова И.Г. Развитие детского творчества средства музыкального воспитания. Психолог в детском саду// Москва, 2008. N = 3. C.64-72;
 - 3. Мелик-Пашаев А.А. Педагогика искусства и творческие способности. М.: Музыка,1981.
 - 4. Лейтес Н.С. Способность и одаренность в детские годы. М.: Просвещение, 1984.

TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA 2017/3-SON

АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

ПЕДАГОГА - ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ УСЛОВИИ ВНЕДРЕНИЕ АКМЕОЛОГИЧЕСКОГО ПОДХОДА

THE PEDAGOGICAL-PSYCHOLOGICAL CONDITIONS OF INTRODUCTION OF ACMEOLOGICAL APPROACH

Г.О. Эрназарова – мустақил-тадқиқотчи, Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти

Аннотация

Мақолада акмеологик ёндашувни ҳозирги замон касб-ҳунар таълимида амалга ошириш бўлажак мутахассисларнинг касбий мотивациясини кучайтириши, уларнинг ижодий салоҳиятини рағбатлантириши, шахсни акмеологик йуналтиришни шакллантириш, шунингдек акмеологик ёндашув асосида касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: акмеологик ёндашув, касбга йуналтириш, акмеологик йўналтирилганлик, касбий мақсад, касбий мотивация, касбий муваффақият, нокасбийлик, касб маҳорати.

Аннотация

В статье отображено совершенствование в процесса подготовки специалистов в учреждениях профессионального образования на основе акмеологического подхода, формирования акмеологической направленности личности, поддержки творчества учащихся, усиление профессиональной мотивации будущих младших специалистов в современном обучении профессионального колледжа

Ключевые слова: акмеологический подход, профессиональная направленность, акмеологическая направленность, профессиональная цель, профессиональная мотивация, профессиональный успех, непрофессиональность, профессиональное мастерство.

Annotation

In this article, implementation of acmeological approach in modern education of professional colleges, strengthening professional motivation of future specialists, encouragement of their creative capacity, formation of acmeological orientation of the personality, and also problems of the improvement of training professional college students for professional activity on the bases of acmeological approach are displayed.

Key words: acmeological approach, professional orientation, acmeological orientation, professional purpose, professional motivation, professional success, non-professionalism, professional skills.

Фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эға бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш — таълимтарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим [1; 61-бет]. Бу таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади. Таълим олувчининг шахсини доимо такомиллаштирадиган бу — юксак даражадаги таълим ва тарбия санъатидир. Ушбу вазифа касб-ҳунар таълимида акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашни

такомиллаштириш масаласи, таълим ва тарбия узвийлигида амалга оширилиши мумкин.

Соғлом фикрли инсон болалик, ўсмирлик, ўспиринлик даврида шаклланади, соғ танда соғлом ақл ва соғлом фикр бўлишига қатъий эътибор қилиниши — таълим сифатини оширишнинг мухим шартларидан бири. Касб-хунар таълимида ўкувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашни акмеологик ёндашув асосида такомиллаштириш ҳам айнан бу фикрларни тасдиқлайди.

Акмеология илмий жихатдан инсонни етукликка эришишини тахлил килар экан, бунда албатта унинг касб эгаллаши ва мохирлик даражасига эришишини хам назарда тутади. Махоратли касб эгаси даражасига эришиш, бу йўлда иш олиб бориш хам назарий хам амалий ахамиятга эга.

Инсоннинг юқори касб махоратига эга бўлиши нафакат унинг қобилиятлари кенг ривожланганлиги билан, балки унинг ушбу фаолиятда чуқур билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши билан боғлиқ.

Акмеологик ёндашувни хозирги замон касбхунар таълимида амалга ошириш бўлажак мутахассисларнинг касбий мотивациясини кучайтиришни, уларнинг ижодий салохиятини рағбатлантиришни, шахснинг акмеологик йуналтирилишини шакллантириш воситасида касбхунар фаолиятида муваффакиятга эришиш учун шахсий ресурсларни аниклаш ва улардан унумли фойдаланишни таъминлашини А.А.Деркач, Н.В.Кузьмин, А.К.Маркова ва бошқалар илмий баён этишган [3,4,5]. Акмеологик ёндашахснинг касбий муваффакиятларни эгаллаш жараёнининг ўрганишда намоён бўлади. Акмеологик ёндашувни хозирги замон касб-хунар таълимида амалга ошириш бўлажак мутахассисларнинг профессионал мотивациясини кучайтиришни, уларнинг ижодий салохиятини рағбатлантиришни, шахснинг акмеологик йуналтирилишини шакллантириш воситасида касб-хунар фаолиятида муваффакиятга эришиш учун шахсий ресурсларни аниқлаш ва улардан унумли фойдаланишни таъминлайди. Хозирги замон тадкикотлари касб-хунар таълимига акмеологик ёндашувни жорий қилишда шакллантирувчи таъсирларни ўкувчиларнинг ижодий салохиятини долзарблаштиришга, уларда касбга қизиқишни оширишга ва фаолиятда муваффакиятга эришиш мотивациясини оширишга қаратилган. Бу ўқувчиларнинг ўкитиш ва тарбиялашнинг, ўзини тарбиялашнинг ва ўзини ривожлантиришнинг илғор, замонавий методикалари ва технологияларини ўзлаштиришлари учун шароит яратишни назарда тутади.

Кичик мутахассисларни тайёрлаш тизимида акмеологик ёндашувни амалга оширишдан максад талабаларда шахснинг акмеологик йўналтирилганлигини касбийлашув ўзак хоссаси ва энг мухим кўрсаткичи сифатида шакл-

лантириш учун ўкувчиларга акмеологик таъсир кўрсатиш хисобланади.

Шахснинг йуналтирилганлиги — бу интегратив сифат бўлиб, у ўз ичига шахснинг фаоллигини ва бу фаолликнинг вектори асосини аникловчи максад, қадриятлар, мотивлар, интилишлар ва бошқаларни қамраб олади.

Акмеологик йуналтирилганлик —бу касб сохасида хам, хаёт фаолияти сохасида хам максимал ижодий ўзини намоён қилишга, инсонни илгор ривожланишга (шу жумладан касб сохасида хам) йуналтирувчи шахснинг умумий йуналтирилганлигининг сифатий тавсифидир [2].

Акмеологик йуналтирилганликнинг ўзига хос мазмуни ва мохияти бўлажак кичик мутахассисларни ўз касб фаолиятларини муваффакиятли амалга оширишни мўлжаллашдан иборат. Шунга кўра, шахснинг акмеологик йўналтирилганлигини куйидаги таркибий компонентларга ажратдик:

- -касбий-қадриятли мулжал олишлар;
- -касбий йуналишлар;
- -касбий мақсадга эга бўлиш;
- -касбий мотивация;
- -касбий муваффакиятга интилиш.

Акмеологик йўналганлик ўкувчиларнинг ўкув ва ўкув-амалий фаолиятининг ижодий ва мустакил хусусияти хамда улар касб фаолиятининг йуналтирилганлиги, акмеологик ёндашувни касб-хунар таълимига жорий килиш самарадорлиги кўрсаткичлари бўлиб хисобланади.

Касб-хунар таълимида акмеологик ёндашувни амалга оширишнинг психологик-недагогик шароитлари йигиндиси эса:

- биринчидан, акмеологик ёндашувнинг ўзининг мохияти билан (унинг асосий қоидалари таянч тамойиллари ва х.к.),
- иккинчидан, шахсни акмеологик йуналтириш акмеологик ёндашувни амалга оширишнинг максади сифатидаги мазмуни билан,
- учинчидан, акмеологик ёндашув амалга ошириладиган таълим муассасалари бўлган касб-хунар коллежи фаолиятининг мухити, ташкилий шароитлари ва субъектларининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Шунинг учун акмеологик ёндашувни хозирги замон касб-хунар таълимида амалга оширишда, акмеологик тамойилларни амалга ошириш ва шахснинг акмеологик йуналтирил-

ганлигини шакллантириш мақсадида ўкувчипар шахсининг мотивацияли, ҳамда фаолиятли соҳаларига аниқ мақсадга йўналтирилган педагогик таъсир кўрсатиш лозим.

Бундай шартларни амалга ошириш ўкувтарбиявий фаолиятнинг адекват воситалари, методлари, усуллари ва ташкилий шаклларини танлашнинг ва фойдаланишни, жамоада тегишлича психологик микроиклимни яратишни, педагогларнинг ўкувчиларга ва ўз фаолияти мазмунига нисбатан нуктаи назарининг ўзгаришини назарда тутади.

Касб-хунар таълимида акмеологик ёндашувни амалга оширишнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари куйидагиларни ўз ичига олади:

- ахборот шароитлари-таълим мазмунини қадриятли тўлдириш;
- шахсий шароитлар-педагогларнинг ўз фаолиятларида акмеологик ёндашувни амалга ошириш учун зарур билимларни долзарблаштириш, уларнинг ўкувчилар шахсининг ривожлантиришга қаратилган бўлиши;
- акмеологик ривожланиши детерминантини англаш ва хисобга олиш;
- -мулоқотнинг демократик услуби, ҳамкорлик ва ижодкорликнинг психологик атмосферасини яратиш ва ҳ.к.;
- ўкувчиларнинг касбий фаолиятда ўзини ривожлантиришнинг мохияти, қадриятлари ва мақсадлари тўғрисида тўлиқ ахборотни хиссийпозитив тақдим этиш ва х.к.;
- технологик шароитлар фаол фаолиятли, шахсга йуналтирилган, ривожлантирувчи, индивидуал-табақалаштирилган педагогик ёндашувларнинг қоидаларига;
- таълимнинг инновационлигига, диалоглигига, контекстлигига, амалиётга йуналтирилганлигига;
- педагогларнинг акмеологик йуналтирилган тарбиявий фаолиятни ташкил этишга интегратив ёндашишига;
- витогенли ва ўйинли таълимнинг воситаларива услубларини кўлланишга, ютуклар мотивацияси тренингларига, ишониш максадларига, касбий-мотивацион ва рефлексив тренингларга мўлжалланган.

Аниқланган психологик-педагогик шартшароитларпинг мазмуни касб-хунар таълимида акмеологик ёндашувни амалга ошириш боскичларининг куйидаги кетма-кетлигини белгилаб беради:

- 1. Ташкилий боскич: Кичик мутахассисларни акмеологик ёндашувни амалга ошириш бўйича фаолиятта тайёрлаш билан боғлиқ вазифалар:
- педагогларнинг акмеологик билимларини долзарблаштириш;
- акмеологик-йуналтирилган таълим воситалари ва методларини эгаллаш; педагогларнинг талабаларга ва ўзининг касбий фаолиятига нисбатан нуқтаи назарини ўзгартириш.
- 2. Асосий боскич: Касб-хунар таълимида акмеологик ёндашувни амалга оширишта қаратилган мақсадли-талабалар шахсининг акмеологик йуналтирилганлигини педагогларнинг ўкув тарбиявий фаолиятда аникланган психологик-педагогик шароитларни мақсадга мувофик йуналтирилган холда қўлланиш воситасида шакллантириш.
- 3. Диагностик-коррекцион боскич: Шахснинг акмеологик йуналтирилганлигининг шаклланганлик даражасини диагностика килиш, бахолаш ва тахлил килиш ва шу асосда ўкув-тарбиявий жараёнга тузатишлар киритиш.

Хулоса шуки, ўрта махсус касб-хунар таълими тизими мазмуни ва таркиби жихатидан мамлакат иктисодиётининг ривожланиши ва мехнат бозори талабларига мос равишда ўзгариб бориши зарур.

Юқорида келтирилган омиллар ва кетмакетликка амал қилиниб акмеологик ёндашувни ҳозирги замон касб-хунар таълимида амалга ошириш — ўкувчилар шахсини ривожлантиришга, шахсга йуналтирилган ўкитиш тизимини ҳосил қилишга, таълим самарадорлигини оширишга олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГН АДАБИЁТЛАР

- 1. Каримов И.А. "Юксак маънавият енгилмас куч". Т. "Маънавият", 2010, -173 б
- 2. Акмеологический словарь /Под общ. ред. АА Деркача М: Изд-во РАГСД004 -161с.
- 3. Деркач А.А. Акмеология: личностное и профессиональное развитие человека: Мето-долого-прикладные основы акмеологического исследования. М., 2000.-392c
- 4. Кузьмина Н. В. Акмеологическая теория повышения качества подготовки специалистов образования /Н.В. Кузьмина. Москва: Исследовательский центр проблем качества подготовки специали-стов, 2001. -144 с.
- 5.Маркова А.К. Психология профессионализма М:Знание, 1996. -192c.

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОР ҚАРЗЛАРНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ ХАМДА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АХАМИЯТИ

ОСОБЕННОСТИ РЕГУЛИРОВАННЫЙ И КРЕДИТОРСКОЙ ЗАДОЛЖЕННОСТИ В БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЕЙ

CONSIDERING ANALYZE AND ORDER OF THE DEBTS DEBITORS AND CREDITOR IN THE BUDGET ORGANIZATION

3.У. Хамидова - хисобчи Тошкент давлат Техника Университети

Аннотация

Мақолада бюджет ташкилотларида дебитор ва кредитор қарзларининг назарий асослари, амалий жиҳатлари ва қуллаш соҳалари буйича ҳолатлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: бюджет ташкилоти, амалга оширилмаган тўловлар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар, мажбуриятлар, узоқ муддатли молиявий маблағлар, тўлов лаёқати.

Аннотация

В статье анализируется теоритические основы дебиторской и кредиторской задолженности бюджетные организации, рассматриваются практический проблемы, а также определение дебиторской и кредиторской задолженности по сферам применения.

Ключевые слово: бюджетная организация, неплатежи, дебиторсая и кредиторская задолженностью, затраты, обязательства долгосрочные финансовые средства, платеже способность.

Annotation

In this article, theoretical bases of receivable and payable accounts in budget organizations, practical problems, conditions on scopes of application are analyzed.

Key words: budget organization, unpaid dues, debtor and creditor debts, obligations, long term financial assets, solvency.

Фаолият кўрсатаётган ҳар бир корхона ташкилотда дебитор ва кредитор қарздорлик мавжуд. Чунки амалга оширилаётган иш жараёни тўхтовсиз давом этади, мол етказиб берувчилар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан шартномалар тузилади, олди-сотди жараёни давом этаверади. Натижада ҳар даврга тегишли бўлган дебитор ва кредитор қарздорлик юзага келаверади.

Дебитор ва кредиторлик қарзларини ҳисобга олиш ва ўрганишнинг асосий мақсади бўлиб дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бошқаришдаги услубий ёндошувларни ривожлантириш, дебитор ва кредитор қарзларнинг бошқарув самарадорлигини оширишга йўналтирилган услубий йўрикномалар ишлаб чикиш учун хорижий ва мамлакат хўжалик субъектларида ушбу активларни бошқариш амалиётини умумлаштириш хисобланади [1].

Ташкилотларда дебитор ва кредитор қарздорликни мавжудлиги бу табиий хол хисобланади. Чунки олди-сотди жараёни мунтазам давом этиб турганлиги ва бу жараёнлар хар даврга тегишли бўлганлиги сабабли ундан кутулишнинг иложи йук. Дебитор ва кредитор карздорликни муддатини ўтиб кетиши ва хаддан зиёд ошиб кетиши молиявий бошқарувдаги салбий холатлар сифатида бахоланиб келинган.

Дебитор ва кредитор қарздорлик бевосита бюджет ташкилоти билан қарши томон ўртасида ўзаро хисоб-китобларда келиб чикадиган мажбуриятлардир. Бу мажбуриятлар бюджет ташкилоти билан мол етказиб берувчилар ёки харидорлар ўртасидаги муносабатларда,

бюджет ташкилоти билан банк ташкилотлари ўртасида, бюджет ташкилоти билан солиқ органлари ўртасидаги, бюджет ташкилоти билан ижтимоий таъминот бўлимлари ва турли жамоат ташкилотлари, шунингдек ходимлар мулк эгалари, акциядорлар ва инвесторлар билан бўладиган муносабатларда юзага келади [3].

Уларнинг юзага келишининг асосий сабаби хисоб-китобларда вактнинг ўзгарувчанлигидир. Яъни бугун ортилган махсулот хам пули тўлангунга кадар дебиторлик ва кредиторлик карзларига киритилади. Бунда даромад ва харажатларнинг юзага чикиши билан уларнинг хисоб-китоблари ўртасида фарқ пайдо бўлади.

Жорий дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг юзага келиши бўйича қуйидаги сабабларни кўрсатиш мумкин:

- ўзаро ҳисоб-китобларда томонларнинг тўлов лаёқатига эга эмаслиги;
- даромадни тан олиш юзасидан корхоналар тармоқ хусусиятидан келиб чиқилмаганлиги;
- ўзаро шартномавий муносабатларнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги;
- товарларни ортиб жўнатиш ва сотишда хисоб-китобларнинг замонавий шаклларининг челанганлиги;
- хисоб-китобларда тўловлар муддатининг ёки санасининг турли хисобот даврига тушиб колиши ва бошка сабабларни киритиш мумкин [4].

Дебитор ва кредитор қарзлари бўйича ҳисобот маълумотнома ҳар ойнинг 1-санасига тузилади. Бюджет ташкилотларида дебитор ва кредитор қарздорлик 292-шаклда ҳисобга олинади. Бу шаклда бюджет ташкилоти билан бошқа ташкилотлар ўртасида тузилган шартномалар бўйича ўтказилган пул маблағлари микдори ва ҳисоб-фактуралар ёзиб борилади. Ҳар бир ташкилот бўйича шартномага асосан ҳисоблашувлар яъни тўловлар дебет томонида, ташкилотлар томонидан такдим этилган ҳисобфактура ва юк ҳатлари кредит томонида акс эттирилади. Ҳар ойнинг охирида бу ёзувлар бўйича қолдиқ чиқарилади..

Бюджет ташкилотларида дебитор ва кредитор карздорлик "ПК УзАСБО" дастурида электрон хисобга олинади. Бюджет ташкилотларида дебитор ва кредитор қарздорлик 159-хисобварақда хисобга олинади. "ПК УзАСБО" дастурида "Документы" менюсининг «Акт выполненных работ» кисмида хисоб-фактуралар кирим килинади. Кирим қилинган суммалар «Отчеты» менюсининг «Учёт дебиторов и кредиторов» кисмида айланма ведомостида кўринади. Бу айланма ведомостда ташкилотлар бўйича ўтказилган суммалар ва хисобга олинган хисоб-фактуралар хамда улар бўйича қолдиқ кўриниб туради.

Дебитор ва кредитор қарзлар ҳар чоракда тузиладиған ташкилот активлари, капитали ва мажбуриятлари ҳолаги тўғрисидаги ҳисобот буҳгалтерия балансида акс эттирилади [2].

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари баланси улар орасидаги ўзаро тенглик нисбатни тавсифлайди. Бунда дебиторлик мажбуриятларининг кредиторлик мажбуриятларидан ортиб кетиши ёки аксинча холатлари ифодаланади. Баланс маълумотларидан дебиторлик ва кредиторлик карзлар таркибини ўрганиш бюджет ташкилотларининг кандай турли ташкилотлар билан иктисодий алокадалиги, томонларнинг ўзаро тўлов шартномаларини бажаришга муносабсти ва карз микдорини тахлил килиш имкониятини беради.

Бугунги кунда амалга оширилмаган тўловларга доир электрон файл кўринишдаги ахборотларни тўпламасдан, уларни тартибга солмасдан туриб-иктисодиётдаги дебиторлик ва кредиторлик қарзларини тахлил қилиб бўлмайди. Бюджет ташкилотларининг дебитор ва кредиторлик қарзларининг схемали кўринишини шакллантириб, уни тахлил қилган холда ушбу муаммони бозор принципларига мос келувчи механизмлар ёрдамида имкон қадар қисқартириш ёки бартараф этиш — иктисодиётдаги амалга оширилмаган тўловлар муаммосини оптимал ечимларини топишнинг энг макбул йўналишларидан биридир.

Амалга оширилмаган тўловлар муаммоси — иктисодий тизимнинг нормал фаолият юритишга тўскинлик киладиган энг жиддий ва мухим молиявий масалалардан бири хисобланади. Ушбу масала нафакат Ўзбекистон

BUXGALTERIYA HISOBI, IQTISODIY TAHLIL VA AUDIT

Республикаси, балки бутун жахон ҳамжамияти олдида турган ва ўзининг асосли ечимини кутаётган долзарб муаммолардан биридир. Шунинг учун ҳам амалга оширилмаган тўловларга доир маълумотлар асосида — дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг схемали кўринишини шакллантириш, қарздорликлар кетма-кетлигининг «бошланиш нуқтасини» ва «охирги нуқтасини» аниклаш ҳамда унинг занжирсимон кетма- кетлигини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдагы «Бухгалтерия хисоби тўгрисида»ги 279-1-сонли қонуни.
- 2. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрдаги 360-сонли қонуни билан тасдиқ-

- ланган «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси».
- 3. Ўзбекистон Республикасининг Молия Вазирлигининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сонли буйруги (Адлия Вазирлигида 22 декабр 2010 йилда 2169-рақам билан руйхатдан утказилган) билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ту̀грисида»ги йўриқнома.
- 4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўгрисида» 2004 йил 14 апрелдаги 182-сонли қарори <u>WWW. погта.иz</u>.

Қонун хужжатлари

2017 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт сохалари ва тармокларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўгрисида» ДИК-3151-сонли карори кабул килинди.

2017 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш тўгрисида»ги ПҚ-3152-сонли қарори қабул қилинди.

2017 йил 8 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги ПҚ-3178-сонли қарори қабул қилинди.

2017 йил 9 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртки бўлимларни ташкил этиш тўгрисида»ги ПҚ-3183-сонли қарори қабул қилинди.

2017 йил 14 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги ПҚ-3197-сонли қарори қабул қилинди.

2017 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фаргона минтақавий филиалини ташкил этиш тўгрисида»ги ПҚ-3218-сонли қарори қабул қилинди.

ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАХОЛАШ – ТАЪЛИМ СИФАТИНИНГ МУХИМ ОМИЛИ

КОНТРОЛЬ И ОЦЕНКА ЗНАНИЙ СТУДЕНТОВ – ВАЖНЫЙ ФАКТОР КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ

MONITORING AND EVALUATION OF STUDENTS' KNOWLEDGE IS AN IMPORTANT FACTOR OF EDUCATION QUALITY

Р.И. Халмурадов – д.т.н., профессор А.С. Солеев – ф.-м.ф.д., профессор Х.А. Хушвактов – ф.-м.ф.н., доцент А. Р.Ахатов – т.ф.д., доцент Самарканд давлат университети

Аннотация

Мақолада олий ўқув юртларида талабалар билимини бахолашнинг рейтинг тизими афзалликлари ва камчиликлари тахлил қилинган. Самарқанд давлат университетида ишлаб чиқилган рейтинг тизими янги низоми лойихасини синов-тажриба тариқасида жорий этиш натижалари баён этилган.

Калит сўзлар: рейтинг тизими, ўқув жараёни, меъёрий хужжатлар, билимни бахолаш, назорат турлари, тест, дастурий таъминот, мустақил таълим.

Аннотация

В статье проанализированы преимущества и недостатки рейтинговой системы оценивания знаний студентов высших учебных заведений республики Узбекистан. Изложены результаты анализа экспериментального внедрения проекта нового положения о рейтинговой системе, разработанного в Самаркандском государственном университете.

Ключевые слова: рейтинговая система, учебный процесс, нормативные документы, оценка знаний, типы контроля, тестирование, программное обеспечение, самостоятельное образование.

Annotation

The article analyzes the advantages and disadvantages of the rating system for assessing the knowledge of higher educational institutions in the Republic of Uzbekistan. The results of the analysis of the experimental implementation of the draft of new regulations on the rating system developed at the Samarkand State University are presented.

Key words: rating system, educational process, normative documents, knowledge assessment, types of control, testing, software, independent education.

Мамлакатимизда олий таълимни модернизация килиш ва хар бир фукаронинг олий маълумот олишга бўлган интилишини рағбатлантириш устувор соҳа сифатида аҳамият каратилиб келинмокда [1]. Бунинг асосий сабабларидан бири республикамизда инновацион иктисодиёт эҳтиёжларини кондирадиган юкори малакали кадрлар тайёрлаш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб колганлигидир. Чунки, барча соҳаларга оид ахборот окимининг жадаллашуви тайёрланаётган кадрларни билим, малака ва кўникмаларини замон талаби дара-

жасига кўтаришни талаб қилмокда. Бу вазифалар давлатимиз томонидан қабул қилинаётган дастурларда ҳам ўз аксини топмокда [2, 3].

Таълим соҳасида белгиланган мақсадларга эришиш учун, яъни бугунги иқтисодиётнинг эҳтиёжини қондирадиган мутахассисни тайёрлашнинг асосий омили ўқитиш жараёнининг сифати ҳисобланади. Таълим сифати жараён субъектлари ҳисобланган талабаларнинг интилувчанлик салоҳиятига бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳалқаро тажрибаларга асосланиб айтиш мумкинки, талабаларда билим олиш-

га бўлган интилишни кучайтиришнинг энг самарали усулларидан бири, уларнинг билимини объектив бахолашдир.

Талабалар билимини баҳолаш механизмлари турли-туман, ҳар хил давлатларда турлича тизимлардан фойдаланилмокда. Республикамиз ОТМларида 1999-2000 ўкув йилидан буён амалда бўлган талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими [4] ҳам қатор ривожланган давлатлар таълим тизимида тажрибадан ўтиб, ижобий натижа берган тизим хисобланади.

Бу тизимнинг 17 йилдан буён мамлакатимиз ОТМларида қулланилаётганлиги ва бир неча марта такомилаштирилганлигига (ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлигига) қарамасдан, ундан фойдаланишда бир қанча камчиликлар кузатилмоқда. Масалан, бу тизим тўлиқ ишлаши учун ўкитувчидан кўшимча ишларни бажариш билан боғлиқ мехнат талаб қилиниши, талабалар билимини бахолаш жараёни аксарият холларда ўкитувчига боғлиқ бўлиб қолиши, назоратлар сонининг кўнлиги, бахолаш жарёнларида субъективликга йўл қуйилиши ва бошқалар. Талабанинг билимини бахолашда субъективликка йўл қўйилиши ва бошқа холатлар ўкитиш жараёнининг сифатига салбий таъсир кўрсатмокда. Шунинг учун, амалдаги бахолаш тизимини чукур тахлил этиш, уни замон талаби даражасида ўқитиш жараёнининг сифатини таъминлайдиган қилиб такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб қолди.

Ривожланган давлатлар тажрибалари шуни кўрсатадики, ўкитишда замонавий технологиялардан фойдаланиш, талабалар билимини объектив бахолаш тизимининг кўлланилиши таълим олувчилар томонидан ўкув материалларини ўзлаштириш жадаллиги ва самарадорлигини оширишни кафолатлайди [5, 6]. Бу ўринда XX асрнинг охирлари XXI асрнинг бошларида «Япон мўъжизаси», «Жанубий Корея мўъжизаси» ва хозирги кунда эса «Хитой мўъжизаси» деб ном олган хамда мамлакат микёсида юкори ривожланиш даражасига эришиш асосида жахон бозорида тобора жадал равишда кириб бораётган мамлакатларнинг таълим ва тарбия

сохаларини ташкил қилишларига эътиборни қаратишимиз ўринли бўлади.

Бугунги кунда аксарият хорижий мамлакатларининг олий таълим муассасаларида объективлик, хакконийлик, аниклик ва ишончлилик принципларига асосланиб, дарс берган нрофессор-ўқитувчиларнинг бахолашда иштирок этмайдиган, талабалар билимини бахолаш тизимидан муваффакиятли фойдаланилмокда. Шунингдек, рейтинг тизимини қўлланилишига сабаб ҳам, бу тизим ғояси бўйича талабанинг жорий ўзлаштириши доимий назорат қилиб борилишидир. Бахони якуний имтихонсиз олиш мумкинлиги имкониятларидан фойдаланиш учун талаба семестр давомида ишлайди, унинг билим олишга лаёқати ошади, умуман олганда, ўкитиш самарадорлигини оширишга эришиш мумкин бўлади [5]. Бундан ташқари, бу тизимда талаба семестр давомида доимий ишлаши ва унинг билими ўкитувчи томонидан мунтазам назорат қилиб борилиши зарур бўлиб, юқори баллға эға бўлиш учун талаба барча топширикларни сифатли ва вактида бажариб бориши керак. Демак, рейтинг тизими талабанинг бутун ўкув фаолиятини объектив назорат килиш имкониятини яратади, билим олиш қобилиятини рағбатлантиради ва ўкув машғулотларини бажариш вақтини режалаштиришга ёрдам беради. Ана шундай рейтинг тизимини амалиётга тўлақонли татбиқ қилиш учун, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг хусусиятларидан, қолаверса олий таълим муассасасининг салохиятидан келиб чиққан холда бу тизимни такомиллаштириш зарур бўлмокда.

Худди шу мақсадларни кўзлаб, амалдаги баҳолаш тизими Самарқанд давлат университети мутахассислари томонидан, бир неча йиллик тажриба ва таклифларни инобатга олган ҳолда такомиллаштирилди ва бу тизимни жорий қилиш учун "Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида"ги Низом ишлаб чиқилди.

Бу низомни амалиётга татбиқ қилиш натижасида амалдаги низомга нисбатан куйидагиларга эришиш мумкин бўлади:

- амалдаги Низомга асосан ўтказиладиган назоратлар (жорий ва оралиқ) сони 50% га қисқартиришга эришилади. Фанлардан ўтказиладиган назоратларни оптималлаштирищ орқали имтихон (якуний назорат) ва бахоланадиган синов билан тугайдиган фанлар алохида ажратилади, ўрнатилган тартибда тасдиқдан ўтказилиб, ишчи ўкув режаларда акс эттирилади.
- имтихон билан тугайдиган фанлар сонининг ажратиб олиниши натижасида якуний назоратлар сони хам амалдаги Низомдагига нисбатан 50% га қисқаради;
- имтихон билан тугайдиган фанлар учун оралиқ бахолашларға 60 балл, якуний бахолашларга 40 балл ажратилади. Оралиқ назоратлар фаннинг мавзу модуллари доирасида, семестр давомида 2-3 марта, тест, оғзакиамалий ёки ёзма шаклда ўтказилади;
- назоратларни топшириш натижасида балларни тўплаб бориш талабаларни ўз-ўзини назорат қилиш ва мустақил ишлаш орқали фанни мунтазам ўзлаштириш хамда тушуниш даражасини яхшилашга ундайди, натижада фанларни ўзлаштиришда бўшлиқлар хосил бўлишининг олди олинади;
- бахоланадиган синов билан якунланадиган фанлар бўйича маъруза, семинар ёки амалиёт машғулотлар тугаши билан барча топшириқлар бажарилиши битта якуний назорат орқали талабаларнинг ўзлаштириш даражаси 100 баллик тизимда бахоланади;
- оралиқ ва якуний назоратларни қайта тоншириш имкони берилмайди. Талабанинг семестр якунида оралиқ ва якуний назорат турлари бўйича тўпланган баллари йиғиндиси 55 баллдан кам бўлса, у академик қарздор хисобланади;
- қарздорлиги 50% фанлардан күп бүлмаган талабаларга семестр тугаганидан кейин, қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берипади. Семестрда якунланадиган фанлар ва бошка ўкув машгулотларидан камида 50% дан қарздор бўлган талабаларга қайта ўзлашприш имконияти берилмайди ва улар факультет декани тавсиясига кура белгиланган

тартибда ректорнинг буйруги билан курсила қолдирилади.

Ушбу Низом 2016-2017 ўкув йилининг бахорги семестрида "Амалий математика ва информатика" факультетининг иккинчи боскич талабалари учун тажриба тарикасида амалиётга татбик килинди.

Низомда белгиланган талаблар асосила оралиқ назоратлар фан бўйича маълум соатлар ўтилгандан кейин ("модуллар" бўйича), дарс ўтган профессор-ўкитувчи иштирокисиз, тест синовлари шаклида ўтказилди. Барча фанлардан оралик назоратлар учун тегишли фандар бўйича жадвалда кўрсатилган муддатдан бир хафта олдин тест топшириклари базаси шакллантирилди.

Хар бир фан бўйича тегишли оралиқ назорат учун тест тоншириқларидан иборат вариантлар шакллантирилиб, хар бир модул буйича тест синовлари компьютерда ўтказилди ва алохида қайдномаларда расмийлаштирилди. Оралик назоратларга жами бўлиб, 60 балл ажратилди ва модуллар сонига қараб, ҳар бири 20 балдан тўплаш мумкин бўлган 3 марта назорат ўтказилди. Тажриба давомида шуни кузатдикки. талабалар оралиқ назоратларга мунтазам тайёрланиб борди, акс холда битта ораликда балл туплай олмаса, яхши бахо олмаслигини билди. Энг мухим жихати, талаба ўкишга ва фанни мунтазам (модул бўйича) ўзлаштириб боришга тинмай харакат қилди.

Якуний назоратлар (имтихон) икки турда (оғзаки ва ёзма) ўтказилди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, якуний назорат учун 40 бадл ажратилган бўлиб, бу балл якунийнинг оғзаки турига 20 балл, ёзма тури учун 20 балл қилиб ажратилади. Оғзаки турда назарий савол, амалий топшириқ жавоблари, қушимча саволлар жавоби ва мустакил ишлар бажарилиши алохида-алохида бахоланиб, натижа 20 баллик тизимда умумлаштирилди. Ёзма иш 20 баллик тизимда комиссия аъзолари томонидан текширилиб бахоланди. Назоратлар натижалари бўйича тахлил амалга оширилди ва рейтинг назоратлари натижаларининг якун-

ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYA VA OʻQUV JARAYONINI LOYIHALASH

лари, гурухлар кесимида ўзлаштириш ва сифат кўрсатгичлари бўйича маълумотлар 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

2016-2017 ўкув йили учун СамДУ Амалий математика ва информатика факультетининг 2-боскич талабаларининг гурухлар кесимида бахорги семестри рейтинг назоратлари натижаларининг якунлари бўйича МАЪЛУМОТ

					Шуз	жумл	адан				
N2	Гурух раками	Талабалар соии	Фанни ўзлаштирган талабалр сони	Академик карздор талабалр сони	1 та фандан карздор талабалр сони	2 та фандан қарздор талабалр сони	3 та ва ундан ортик фандаи карздор талабалр сони	Ўзлаштириш кўрсаткичи, %	«Аъло» бахолар сони	нноэ daroxad «житк»	Сифат кўрсаткичи, %
1	201	28	15	13	6	2	5	53,6	0	7	25,0
2	202	32	19	13	3	5	5		1	4	15,6
3	205	20	12	8	₂ 3	1	5	60,0 59,4	3	2	25,0
4	206	32	26	,6	4	1	1	81,3	0	5	15,6
Жами		112	58	54	9	13	32	63,5	4	18	20,3

Тажриба сифатида татбиқ қилинган тизим, амалдаги тизим асосида ўқитилган 2016-2017 ўқув йилининг кузги семестри натижалари билан таққосланди. Талабаларнинг билим савияси тахлилига кўра, талабаларга ўтган семестрларда юқори бахолар кўйилганлиги аникланди. Масалан, ўтган кузги семестрда шу курс талабаларнинг фанлардан умумий ўзлаштириш кўрсатгичи 49,2%, сифат кўрсатгичи 23,3 % бўлган бўлса, тажриба ўтказилган бахорги семестрда шу курс талабаларнинг ўзлаштириши 63,5%, сифат кўрсатгичи 20,3% ни ташкил қилди.

Тажриба натижасида талабаларнинг билимини юқори баҳолаш уларни ўқишга бўлган

интилишларини сусайтиришини кузатдик, талаба ўзини объектив бахосини олиб, кейинги назоратга кучлирок тайёрланишга харакат килди. Тажриба натижаларини диаграмма кўринишида таккосланганда хам маълумотлар шу фикримизни тасдиклади, яъни 2-курс талабаларининг гурухлар кесимида 3-семестрга нисбатан 4-семестрда фанларни ўзлаштириш кўрсатгичи ошган бўлса хам сифат кўрсатгичини пасайганлигини кузатдик.

Демак, талабалар билими амалдаги низомга нисбатан, синовдан ўтказилган низом бўйича бахоланганда объективлик юқори бўлиб ва талабалар билими нисбатан холисона бахоланганлигини тахлиллар кўрсатди.





СамДУ Амалий математика ва информатика факультетининг 2-босқич талабаларининг гуруҳлар кесимида 3 ва 4 семестрларида фанларни ўзлаштириши ва сифат кўрсатгичлари.

28

Тажриба сифатида жорий этилган бахолаш тизимига нисбатан талабалар муносабатини, ютук ва камчиликларни аниклаш максадида, тажрибада қатнашған 112 нафар талабадан сўровнома ўтказилди. Ушбу бахолаш тизими талабаларга ҳам, дарс ўтган профессор-ўқитувчиларга ҳам маъқул бўлганлиги ўтказилган сўровномаларда хам ўз аксини топди. Шунингдек, сўровномада келтирилган, "Профессор-ўкитувчининг талабаларга муносабати яхшиланди", "Сизнинг фанга бўлган муносабатингиз яхши томонга ўзгарди", "Фанни ўзлаштириш ва тушуниш даражаси яхшиланди", "Тестдан олган натижаларим билимга мос келади" деган саволларга ижобий жавоблар 65-70 фоизни ташкил қилди. Яъни сўровда қатнашган талабаларнинг кўп қисми ушбу бахолаш тизимини жорий қилиниши самара бериши мумкинлигини тасдиклаб беришди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, холислик принципларига асосланиб, дарс берган профессор-ўкитувчилар бахолашда иштирок этмайдиган, талабалар билимини бахолаш тизимидан фойдаланиш яхши натижа беради. Олий таълим муассасаларида қатор омилларни хисобга олган холда, талабалар билимини бахолашнинг холислигини юкори даражада таъминлайдиган хамда ўкишга, мустакил ишлашга ундайдиган тизим сифатида ушбу бахо-

лаш тизимини жорий этилиши талабаларнинг ўзига ва қобилиятига бўлган ишончини оширади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1. Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўгрисида"ги қонун. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда.
- 2. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўгрисида"ги қонун. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда.
- 4. "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими туърисида"ги Низом. Олий таълим. Меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар туплами, Т.: "Тафаккур-Бустони", 2013.
- 5. Бородич С. А., Тепляковская А. Н. Балльно-рейтинговая система оценки знаний студентов в вузе: проблемы и перспективы // Инновационные педагогические технологии: материалы IV Междунар. науч. конф. (г. Казань, май 2016 г.). Казань: Бук, 2016. С. 139-141.
- 6. Железко Б.А. Кредитно-трансфертная система как фактор повышения конкуренто способности образовательных услуг Европы и СНГ / //Инновационные образовательные технологии. $-2010.-N_{2}1.-C.50-55.$

БЎЛАЖАК БОЖХОНА ХОДИМЛАРИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АХАМИЯТИ

ЗНАЧЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИИ В ОБУЧЕНИИ БУДУЩИХ ТАМОЖЕННЫХ АГЕНТОВ

VALUE OF INNOVATIVE PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN TEACHING OF FUTURE CUSTOMS AGENTS

М. Рафикова – ўкитувчи Олий харбий божхона институти

Аннотация

Мақолада Олий ҳарбий божхона институти тингловчиларини ўқитиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш, шунингдек бунинг натижасида таълим жараёнининг самарадорлигига эришиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: инновация, инновацион технологиялар, инновацион таълим технологиялари ва педагогик технологиялар, таълим, субъект, тингловчи, тамойил, модель, лойиҳалаштириш.

Аннотация

В статье освещено использование инновационных технологий в процессе обучения слушателей военно-таможенного института, а также вопросы достижения посредством этого эффективности процесса обучения.

Ключевые слова: инновация, инновационные технологии, инновационные обучающие технологии и педагогические технологии, обучение, субъект, слушатель, принцип, модель, проектирование.

Annotation

The article highlights the application of innovative technologies in teaching students of higher military customs institute, as well as issues on achieving effectiveness of education process by using those technologies.

Key words: innovation, innovative technologies, innovative educational and pedagogical technologies, education, subject, student, principle, model, designing.

Дозирги кунда республикамизнинг иқтисодий-ижтимоий ислохотларининг мухим йўналишларидан бири бўлган ижтимоий соҳага, хусусан, таълим, кадрлар тайёрлаш соҳасига катта эътибор қаратилиб, узлуксиз таълим тизимда кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда инновацион ёндашув асосида таълим тизимини индивидуал компонентларини ривожлантириш бўйича турли илмий-тадқикотлар, турли даражадаги ёки боскичдаги ўкув жараёнларини инновацион бошқариш, инновацион жараёнларни моделлаштириш, инновацион фаолият учун ўкитувчилар тайёрлаш зарурияти сабабли, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президентининг 2015 йил 12 июндаги «Олий

таълим муассасаларининг рахбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармоннинг мазмунидан келиб чиққан холда технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютукларни ўрганиш ва тахлил этиш асосида таълим тизимини модернизациялаш, таълим тизимини самарадорлигини оширишнинг мухим йўналишлари, ўкув-услубий жараёнга инновацияларни жорий этиш, педагогларни замонавий билим ва амалий кўникмалар билан қуроллантириш, таълим сифатини таъминлашга нисбатан замонавий ёндашувларни таълим амалиётга татбик этиш

билан боғлиқ масалаларни хал этишга алохида эьтибор қаратилди. Шу билан бирга инновацион технологиялардан фойдаланишнинг хукукий асослари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 16 февралдаги «Педагог кадрларни кайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўгрисида»ги, Ўзбекистон Реснубликаси Вазирлар Махкамаси Раёсатининг 2010 йил 17 апрелдаги Хайъат мажлисида «Олий таълим, фан ва ишлаб чикариш ўртасидаги ўзаро инновацион хамкорлик механизмларини янада такомиллаштириш тўгрисида»ги хам-**Узбекистон** Республикаси Биринчи Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий муассасаларининг моддий-техника базасини мустахкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўгрисидаги» ПК-1533 сон Қарорларида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган[1].

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан 2003 йил 22 майда "Узбекистон Республикаси Давлат Божхона органлари кадрлар тайёрлаш тизимини янала такомиллаштириш тўғрисида"ги 229-сонли қарор асосида Марказий Осиёда ягона Олий харбий божхона институти ташкил этилди ва шу билан бирга бу олий даргох Ўзбекистонда божхона хизмати учун божхона ходимларини тайёрлашда мухим ахамият касб этди.

Олий ҳарбий божхона институтининг асосий вазифаларидан бири — кадрларнинг базавий касбий тайёргарлиги, уларнинг билимларини замонавий талаблар даражасида эгаллаши, божхона органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек тингловчиларда касб вазифаларини бажариш учун зарур бўлган барқарор ахлоқий, ҳуқукий, психологик фазилатларни қарор топтириш, республикамизнинг иқтисодий хавфсизлигини виждонан ҳимоя қилишга қодир бўлган ижтимоий фаол, ҳалол, юксак маънавиятли етук бўлажак божхона ходимларини тарбиялашдан иборат.

Олий ҳарбий божхона институтида хизмат килувчи педагог ходимлар томонидан машғулотларни олиб бориш жараёнида ҳозирги кунда методологик тажриба ва мавжуд инновацион ііўналишлар ёрдамида амалга оширилиб, шіновацион таълим жараёнларини ҳам назарий ва амалий олиб бориш билан биргаликда

педагог ходимлар ижодкорлик, янги педагогик таълим тамойиллари, таълим янгиликлари ва ижодий шахснинг шакллантирилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келишмоқда. "Инновация" тушунчаси лотин тилидан олинган бўлиб (in-га, novus-янги), яъни таржимаси "янгиланиш", "ўзлаштириш", "қандайдир янгиликни киритиш", "янгини жорий қилиш", "янгилик киритиш". Ўз навбатида "янги" сўзи ушбу тушунчанинг асосий ядросини ташкил этади.

"Инновация" тушунчаси кенг ва тор маънода ишлатилади. Биринчи маънода инновация — бирор бир янги ижтимоий эҳтиёжни яхширок кондириш учун янги илмий, амалий восита, яъни янгилик яратиш, таркатиш ва кўллашни ўз таркибига оладиган комплекс жараён сифатида қаралади. "Инновация", иккинчи маънода, бирор бир жамоа фаолиятини такомиллаштириш учун киритилаётган ва бу инновация субъекти томонидан янгилик деб қабул қилинган янги восита, услуб, ёндашувлар тизимига нисбатан ишлатилади.

Таълим тизимини бошкаришга доир ўзига мактаб яратган педагог олим С.Турғуновнинг фикрича, инновация – мақсадга йўналтирилган ўзгартиришлар бўлиб, маълум бир ижтимоий бирликка – муассаса, уюшма, жамоа ва гурухларга янги, нисбатан барқарор бўлган элементларни, умумий холда халқнинг маънавий-маданий муносабатлари ва мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган янгиликларни киритишдир [2].

Инновацион жараёнларни тизимли бошкариш муаммоси билан боғликликда "инновация" тушунчасига куйидагича таъриф берилган: "Инновация тушунчаси мазмунан "янги", "янгилик" тушунчаларининг айнан ўзи эмас. Исталган янгилик, качонки, амалий фаолиятда ўзининг кенг камровли самарасини берса ва кенг кўламли эҳтиёж объектига айлансагина, том маънодаги инновация деб аташ мумкин бўлади".

Бўлажак математика ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлаш назарияси ва амалиётини фундаментал асосда тадқиқ этган Д.Юнусова томонидан "инновация" тушунчасига "мақсадга қаратилган ўзгариш бўлиб, қўлланилиш соҳасидаги тизимни бир ҳолатдан сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтказиш, уни тубдан такомиллаштириш" тарзида таъриф берилган[3].

Юқоридаги таърифларнинг ҳар бири ўзига хос мазмунга эга бўлса-да, бирок мазкур тушунчанинг такомиллашган таърифини шакллантириш эҳтиёжи мавжуд. Ана шу асосдан келиб чиқкан ҳолда, биз "инновация" тушунчасининг қуйидаги умумлашган таърифини ҳосил қилдик: "Инновация — объект ва субъект фаолиятида сифат ўзгаришларини таъминловчи, кенг оммалашган ва юқори самарадорликка эга, анъанавийлик ва истикбол ўртасида "кўприк" вазифасини бажарувчи, тизимли, узвий ва узлуксиз тарзда янгилик киритишдир".

Педагогик инновациялар деганда, педагогик янгиликларни ўрганиш, ўзлаштириш, уларни бахолаш, фойдаланиш ва амалиётга татбик этиш тушунилади. Ўз навбатида педагогик инновацияларнинг бир нечта турлари мавжуд: модифициялашган, тузатиш киритувчи, ўзгартириш киритувчи, локал, модулли, тизимли ва бошқалар. Бироқ педагогик инновацияларнинг кўпрок умумлашган таснифи ўзида куйидаги кўринишни акс эттиради:

- 1) таълим ва тарбия мақсади ва вазифалари ҳамда мазмунига доир инновациялар;
- 2) ўкув-тарбия жараёни методлари, методикаси ва технологиясига доир инновациялар;
- 3) ўкув-тарбия жараёнини ташкил этишга доир инновациялар.

Педагогик инновациялар кенг қамровли кўринишга эга бўлиб, уларнинг умумтомонидан қабул қилинган аниқ типологияси ёки таснифи мавжуд эмас. Инновацияларни гурухлаштиришга доир йигирмадан ортиқ тасниф мавжуд, масалан: узоқ муддатли инновациялар ва кисқа муддатли инновациялар, радикал ва реформаторли, авторитар ва либерал, инициатив ва административ ва бошқалар.

С.Турғуновнинг фикрича, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда инновацион салоҳиятига кўра янгиликлар модернизация, унификация, фаолиятни такомиллаштириш, шаклан ўзгартириш, ривожлантириш билан боғлиқ бўлган модификацион инновациялар; олдиндан маълум бўлган методларнинг элементларини янги тизимга бирикишини назарда тутувчи бириккан инновациялар; ўхшашликка ва умумийликка эга бўлмаган радикал инновациялар инновацион жараёнларнинг асоси сифатида белгиланиши мумкин.

Инновацияларнинг хусусиятларига кўра уларни турли хил асослар билан турлича таснифлаш мумкин, яъни бугунги кунда янги-

лик киритишнинг тугалланган таснифи мавжуд эмас. Шу билан биргаликда бизнинг тадқиқотларимиз доирасида аниқланган маълумотларга кўра, педагогик жараёнларни ташкил этишда ва самарадорлигини таъминлашда энг аввало, янгиликларни педагогик жараёнларнинг қайси бўтинига тегишли эканлигини инобатга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади[4].

Шу билан бирга Олий харбий божхона фанларни ўқитиш, институтида тарбия, ўзлаштирилган билимлар даражасини замонавий педагогик технологияларга суянган холда ташкил килиш, бахолаш, фанлар бўйича янги ўкув дастурларини яратиш мухим муаммолардан биридир. Шу ўринда айтиш керакки, тарбия тизимини ишлаб чикишда узлуксизлик, яхлитлик ва боғликликни таъминловчи «боскичли таълим» концепцияси тавсия этилди. Таълим жараёнининг «инновацион» технологиялиги бўлажак божхона ходимларини нафакат касбий билимларини мукаммал билишини таъминлайди, балки улардан касбига хос сифатлар шаклланишига хам ёрдам беради. Таъкидлаш жоизки, таълим жараёнининг технологизацияси учта асосий мақсадларни хал қилади.

Булар:

- давлат манфаатларига мос холда, тингловчини бўлажак мутахассис сифатида тайёрлайди;
- тингловчини жамият аъзоси сифатида шакллантириб, ижтимоий тажриба ва кадриятларни, меъёрларни англаган жамият манфаатлари билан хамоханг фаолият кўрсатувчи кадрни тайёрлайди;
- тингловчини фаол, ташаббускор, мантикан фикрловчи индивид сифатида ривожлантиради.

Хозирги кунда инноватор-педагоглар олий таълимининг талаби бўлиб, касбий чўқкиларга эришиш учун малака ошириш, қайта тайёрлаш курсларида таълимни чукурлаштириши, инновацион фаолиятини кенг ёйиш, интерфаол ўкитиш усулларини очиқ дарсларда намоён қилишлари зарур. Натижада педагог ходимлар ўз фаолиятларини баҳолашнинг янги усулларини топиш, касбига бўлган қарашларни ўзгартириш, педагогик ва ижодий қобилиятларини трансформация қилиш, яъни бошқаларга ўргатиш ҳамда бўлажак божхона ходимларининг билим даражаси ошиб боришига олиб келади.

Инновацион таълим концепцияси куйидаги гоялардан иборат булиб, булар:

- рағбатлар ва диспозициялар асосида иккала субъект томонидан касбий фаолиятни онгли равишда тахлил қилиш;
- меъёр ва стандартларга танқидий муносабат;
- маънолар тизимини тузиш ва уни таснифлаш;
- касбий маданият, мухит ва янгиликларга очиклик;
- ҳар қандай фаолиятта ижодий ёндашиш; кўрсатилган меъёрлардан четга чиқиш, ташаббускорлик;
- иккала субъектнинг ўз-ўзини реализация килишига интилиши;
- -таълим мазмуни элементларини такомиллаштиришдан иборат.

Бугунги кунда «инновацион таълим технологиялари» ва «педагогик технологиялар» тушунчаларини кўп холларда тахлил килинмокда, мазмунан буларни бир-бирига хар кандай холларда тенглаштирилмокда. Айни бир пайтда бу тушунчалар ўртасида фарк бор. Инновацион таълим ва ўкитиш тушунчалари бирбиридан фарк килиб, улар куйидагича талкин килинади[5].

Инновацион таълим олиш — бу тизимлаштирилган янги усул оркали олган билимлар, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш жараёни бўлиб, улар асосида ўкувчида дунёкараш, хулкатвор, шахс сифатлари ташкиллаштирилган инновацион таълим ва мустакил таълим оркали шаклланади.

Ўқиш — ўқитувчи ва тингловчи ўртасида мақсадга йуналтирилган жараёндаги ўзаро таъсир бўлиб, унинг натижасида тинловчига таълим, тарбия бериш, шахсни ривожлантириш амалга оширилади.

Инновацион таълим технологияси педагогик технологиянинг бир кисми сифатида янги таълим тизимлари назарияси ва лойихалаш усулларини яратиш, таълим жараёнларини бошкаришга йўналтирилган. Таълим технологиясининг асосий вазифаси дарс бериш ва ўкиш жараёнини оптималлаштиришдан иборатдир. Таълим технологияси — максадга эришиш усули бўлиб, у кўзланган натижага олиб келиши ёки келмаслиги хам мумкин. Максадга эришиш даражаси факат технологияга боғлик бўлиб колмай балки, «технологияга боғлик бўлиб колмай балки, «технолог»нинг (яъни шедагогнинг) махоратига хам боғлик. Ўкитиш жараёнининг технологизацияси бу реал ўкитиш тизимига аник инновацион усулларни, во-

сита, шакл ва уларнинг элементларини трансформация ва жорий этиш жараёнидир. Ўкув жараёнини модернизациялаш жараёни ва компьютер, аудиовизуал техникаларни жорий этишнинг максади, тест назоратларида инновацион усуллардан фойдаланиш, янги билимларни ўзлаштиришда ва шакллантиришда видеофильмлардан фойдаланиш, тажрибалар ўтказишда янги компьютер дастурларидан фойдаланишдир. Буларнинг барчаси модернизация мохиятини англатади.

Касбий таълим тизимида ўқитишнинг қандай технологиясини танлаш ўқув жараёниниг қуйидаги характеристикаларига боғлиқ:

- малакавий тавсифномаларга кирган билим, кўникма, малакаларни ўзлаштиришнинг самарасини оширадиган ўкув фаолиятининг потенциал ташкилий формаларини лойихалаштириш;
- педагогик жараёнда ўкув ахборотининг функцияси;
- ўқув ахборотининг мақсадли йуналтирилганлиги;
- ўқувчиларнинг ўқув ўзлаштириш имкониятлари даражаси;
- ўқитувчининг имкониятлари, ўқув методик салохияти, ўқув жараёнининг услубий ва техник жихатдан жихозланганлиги.

Укитиш технологиясини танлаш ва ишлаб чиқариш касбий олий таълим учун жуда мухим бўлиб, ўкитиш максадларидан келиб чиққан қолда турли технологияларни дарс жараёнида қўллаш мақсадга мувофикдир. Бўлажак мутахассисларпинг касбий сифатларини шакллантириш учун қуйидаги асосий тамойилларни амалга ошириш керак. Фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида ўкитиш. Бундаги асосий вазифа ўкув фанини илмий англаш асосида моделлештириш мухим хисобланади. Унинг асосий функцияси фан мазмуни, келиб чикиши, ривожланиши ва ўкув фанининг стуктурасига боғлиқ. Фанни ўкитиш методологияси, уни мантикий тўзиш янги усулларини шакллантириш ва ривожлантириш орқали фан ва ишлаб чиқиш интеграцияга эришилади.

Шундай қилиб, педагогик инновацион технологияларни таълим-тарбия жараёнининг глобал, ўқиш тизимини аниқ йўналтирилган бошқарув моделини шакллантируви технология деб қараш мумкин. Олий ҳарбий божхона институтида кўзланган натижага эришиш

ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYA VA OʻQUV JARAYONINI LOYIHALASH

учун аниқ йўналтирилган инновацион технологиялар билан бир қаторда анъанавий педагогик технологиялар хам педагог ходимлар томонидан қўлланилиб келинади. Шу билан бирга инновацион таълим технологиялар доирасида янги ўкитиш моделларини ишлаб чиқиш, лойихалаштириш, замонавий недагогик технологиялар ишлаб чикиш, технологик хариталар тузиш, тарқатма материаллар тайёрлаш ва улардан амалиётда фойдаланиш ва ўкув жараёнига жорий этиш таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатади, хамда бўлажак божхона ходимларини хар томонлама етук шахс сифатида тарбияланган, таълим олган, хукукий саводхонлик ва тайёргарлиги давр талаби даражасида бўлган) хукукий тафаккури ва онги юксак, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш муаммосига хар томонлама амалий ва назарий ёрдам бериш хар бир зиёли педагог ходимнинг асосий бурчларидан бири хисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий- техник базасини мустахкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўгрисида »ги Карори.//Халқ сўзи, 2011 йил 20 май, № 100 (5267).
- 2. Turgʻunov S.T. Ta'lim muassasalarini boshqarishda innovatsion faoliyat. // j.Uzluksiz ta'lim. T., 2006. №4. Б.4.
- 3. Юнусова Д.И. Бўлажак математика ўкитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлаш назарияси ва амалиёти: Педагогика фанлари номзоди. ...дисс. Т., 2012. Б.12.
- 4. Тургунов С.Т., Мақсудова Л.А. Умумий ўрта таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда инновациялар. // ж. Мактаб ва ҳаёт. Т., 2009. №1. Б.7.
- 5. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик махорат. Т.: Молия, 2003. 192 б

Қонун хужжатлари

2017 йил 13 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш буйича комплекс чора-тадбирлар дастури ту̀ғрисида»ги ПҚ-3271-сонли қарори қабул қилинди.

2017 йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент туҳима-чилик ва енгил саноат институти тузилмасида Формали кийим-бошни лойиҳалаштириш буйича илмий лаборатория фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари туҳрисида»ги 575-сонли ҳарори ҳабул ҳилинди.

2017 йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги 610-сонли қарори қабул қилинди.

2017 йил 11 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тулашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тӯврисида» 2008 йил 1 августдаги 164-сон қарорига ўзгартиришлар ва қушимча киритиш ҳақида»ги 617-сонли қарори қабул қилинди.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ПРОФЕССОР-ЎКИТУВЧИЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНУВЧИ «АНОНИМ СЎРОВНОМА» ДАСТУРИЙ ТИЗИМИ ХАКИДА

О ПРОГРАММНОМ ПРОДУКТЕ «АНОНИМНЫЙ ОПРОС», ДЛЯ ИЗУЧЕНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРОФЕССОРСКОГО-ПРЕПОДАВАТЕЛЬСКОГО СОСТАВА ВУЗА

ABOUT SOFTWARE "ANONYMOUS SURVEY", WHICH ANALYZES ACTIVITY OF THE STAFF IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

И.Н. Туракулов – т.ф.н. доцент **С.Х. Курбаниязов** – ф.м.ф.н. доцент Самарканд Давлат университети

Аннотация

Университет профессор-ўқитувчилари рейтингини талабалар нигохида аниқлаш, улар фаолиятининг педагогик-психологик томонларига талабалар томонидан бахо берилиши хамда олинган натижаларни тахлил этиш замонавий университет бошқарувининг ажралмас қисмларидан бири саналади. Шу сабабли «Аноним сўровнома» информацион тизимини яратиш ва унинг ёрдамида сўровнома натижаларини автоматлаштириш олинган натижалар холислигини таъминлаш имконини беради.

Калит сўзлар: аноним сўровнома, информацион тизим, дастурий восита, бошқарувчи восита. **Аннотация**

Определение психолого-педагогических навыков профессорско-преподавательского состава университета глазами студентов и их оценивание является основным рычагом современного управления. Поэтому создание информационной системы и применение этой программы для определения профессионального и культурного уровня преподавателей обеспечивает объективный подход при проведении «анонимного опроса».

Ключевые слова: анонимный опрос, информационная система, программный продукт, средство управления.

Annotation

Determining the psychological and pedagogical skills of the faculty of the university through the eyes of students and their assessment is the main lever of modern management. That is why it gives an opportunity to create "anonym questionnaire" information system and to automatize the questionnaire results through this and to ensure the impartial assessment results.

Keywords: Anonymous survey, Information system, software, Means management

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти томонидан 2013 йилнинг 27 июнида кабул килинган «Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги карори иктисодиётнинг барча жабхаларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий килишни ривожлантириш, ахборот ресурслари, тизимлари ва тармокларининг яратилишини жадаллаштириш каби масалаларга каратилган. Ушбу карор замонавий универ-

ситет модели ва уни бошқариш тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Натижада университет бошқарувининг барча звеноларида алоҳидаалоҳида информацион тизимлар, жумладан, унинг «Ўқув бўлими», «Кадрлар», «Буҳгалтерия» ва бошқалар ёки «Электрон деканат», «Электрон университет» каби олийгоҳ тўлиқ тизимлари яратилиб муваффақият билан фойдаланиб келинмоқда.

Адабиётлар ва интернет манбааларида замонавий университет модели ва унинг бошқаруви

хакидаги кенг ва батафсил маълумотлар келтирилган. Уларда замонавий университет моделининг пайдо бўлиши тарихи, ривожланиш тенденцияси кенг ва батафсил ёритилган.

Замонавий университетларнинг индустриялаштан давлат тизимидаги фаолиятини америкалик социолог олим Д. Белл тадкик этиб, университет тайёрлаган кадрлар иктисодиёт ва давлат бошкарувида ўрни мухимлигини таъкидлади [1; 334-335-б.].

Адабиётларда замонавий университет тузилмасининг мазмунан янгича талкини ишлаб чикилган ва у кўплаб хорижий университетларда ўз аксини топмокда. Улар [2; с.-38] да асосан куйидаги 4 тамойил олға сурилади:

- Қатъий таълим стандартларидан воз кечиб инновацион узлуксиз таълим тизимини жорий этиш.
- Ўқув юртни тадқиқот университетига ўзгартириш.
- •Таълимтизимидатайёрланганмутахассисни капитал сифатида тан олиш.
- Ёпиқ регионал университетдан халқаро университетлар тизимига ўтиш.

Университет профессор-ўкитувчилари рейтингини талабалар нигохида аниклаш, улар фаолиятининг педагогик-психологик томонларига талабалар томонидан бахо берилиши хамда олинган натижаларни тахлил этиш замонавий университет бошкарувининг ажралмас кисмларидан бири саналади. Шу туфайли «Аноним сўровнома» информацион тизимини яратиш ва у оркали сўровнома натижаларини автоматлаштириш зарурияти пайдо бўлди.

Университетда кўп йиллар хизмат қилган профессор-ўқитувчилардан ташкил топган жамоатчилик бошқаруви ва назорат кенгаши билан биргаликда 10 тадан иборат аноним сўровнома саволлари ҳамда сўровнома саволлари салбий натижалари коэффициентлари ишлаб чиқилди. Бу коэффициентлар орқали ўқитувчига берилган салбий овозларнинг вазни аникланади. Бундан ташқари, аноним сўровнома натижаларидан ўқитувчининг умумий фаолиятини баҳолашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Дастурий восита серверли дастурлаш тили PHP ва маълумотлар базасини бошкарувчи восита MySQL ёрдамида тармокда ижро этишга мўлжалланиб яратилди [3; с.-576]. Тизимнинг интернет манзили куйидагича http://www.anonym.samdu.uz бўлиб, унга мурожаат

килувчилар икки — администратор (маъмур) ва фойдаланувчи тоифаларига ажратилган. Бунда администратор махсус логин ва паролга эга бўлган мутахассис бўлиб, у тизим ишини бошкаради, маълумотларни кўради, саралайди, янги маълумотларни базага киритади, керакли параметрлар бўйича маълумотларни чоп этади, фойдаланувчиларга тизимга кириш хукукини беради.

Агар (фойдаланувчиларга тизим очиқ тизимга кириш хукуки берилган) бўлса, фойдаланувчи (талаба) «Фойдаланувчи ойнаси»га кириб, хосил бўлган «Сўровнома» деб номланувчи мулоқат ойначасидан керакли факультет ва кафедрани танлайди ва «ОК» тугмачасини босади, натижада янги ойнача пайдо бўлади. Ушбу ойначадан аноним сўровнома анкетасига жавоб бериш керак деб хисобланган ўкитувчининг фамилияси ва исмини активлаштиради. Тизим танланган факультетнинг кўрсатилган кафедраси ўкитувчисининг фамилияси, исми, отасининг исми келтирилган хамда ўкув йилини танлаш имкониятини берувчи аноним сўровнома шаклининг қуйидаги кўринишини пайдо қилади (1-расм).

Homaili talaba' Siz 'Amalo xaatematika va linformatika' febilieti 'Arboreth-durush tempologu alan ' kaledasa o' quuvchra Prof. H Jonanov mag o'gar-pedagogik, diany-tadagogi, manatay-ma'niliy sebalardag, kolovati be pila serist nomaga jirob bermoqdasiz

	O que yak	2016/2017
1	Oʻquw chanig mavzalami, ochib berish qobihvan sizin qano afinata alimi	Ha Yo q
2	Dors jarayonida zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalaridan foydalanasimi?	H ₁ Yoʻq
3	New mademy attention a etadina?	Ha Yo q
4	Dass of ish useli Sazra queorilanturalinus?	Ha Yo e
5	Evum-h madariwati, odob-ahloq qoidalanga riovo etaduni.'	Ha Yoʻq
6	'Siz bu oʻquurchuz hunnar qilə-izmi.'	Ha Yoʻq
7	Talabaiar bihimoi bahoiashda xolishik va adolai mezonlariga amal qiladimi?	Ha Yoʻq
8	(Talabalar brimmur baholashda tamagu lik qiladini).	Үо с На
9	Telabalar va magistriar orasida obroʻ-cʻtiborga eganu	Ha Yo q
10	Bu o quevela haquis nobry féirdonnsiz '	Ha Yo q

1-расм. Аноним сўровнома шакли.

Талаба ушбу шаклдаги маълумотлар билан танишади, ўкув йилини танлайди ва сўровноманинг 10 та саволига ўнг томондаги танлаш тугмалари орқали холисона жавоб бериб, «ОК» тугмасини босади. Тизим маълумотларни базага киритади.

Тизимга администратор ўз махсус логини ва пароли орқали киради ва хосил бўлган сахифадаги махсус менюлар орқали куйидаги вазифаларни бажариши мумкин:

- Тизимни ишга тушириш ёки уни тўхтатиш (фойдаланувчиларга тизимга кириш хукукини бериш).
- Тизимга (ўқитувчилар ҳақидаги) маълумотларни киритиш.
 - Тизим маълумотларини кўриш.

Тизим ишини тартибга солиш мақсадида «Тизимни ишга тушириш ёки уни тўхтатиш» номли бошқарув тугмаси яратилган. У активлаштирилганда ҳосил бўладиган кичик мулоқат ойнаси (2-расм) га махсус код (яширин сўз)ни киритади ва «ОК» тугмачаси босилади. Барча ишлар тўгри бажарилганда тизим «Базада маълумотлар алмаштирилди! Тизимдан чикинг ва дастурни қайта юкланг!» деган жавоб қайтарилади.

Тизимни қайта юклаш орқали фойдаланувчилар (талабалар) учун ишлаш имконияти яратилади. Махсус код сўзи ўрнига бошқа ихтиёрий символлар кетма-кетлиги киритилса, тизимдан фақат администратор фойдаланиши мумкин бўлади.

Tizimni ishga tushirish uchun sirli soʻzni kiriting! (Tizimni ishga tushirish uchun '12345' raqamlar ketma-ketligini, tizim ishini toʻxtatish uchun ixtiyoriy belgilarni kiriting.)



Расм 2. Махсус кодни киритиш ойнаси

Администратор менюнинг «Тизимга маълумотларни киритиш» банди оркали хосил килинган кичик мулокат ойнасидан ўкитувчининг ишлайдиган кафедраси номини танлайди, унинг университет кадрлар бўлими томонидан такдим этилган рўйхатдаги тартиб раками (ID), ўкитувчининг исми, отасининг исми ва фамилиясини киритиб, «ОК» тугмасини босади. Натижада ўкитувчи хакидаги кискача маълумотлар базага киритилади.

Администратор сахифасидаги «Тизим маълумотларини кўриш» менюси ёрдамида талабаларнинг ўкитувчиларга нисбатан берган аноним анкета сўровномасига жавобларидан иборат базадаги маълумотларни бир неча параметрлар оркали (ўкитувчининг бир ўкув йили маълумотлари, ўкитувчининг бир неча ўкув йили маълумотлари, кафедра ўкитувчилари хакидаги маълумотлар хамда факультет ўкитувчилари хакидаги маълумотлар) саралаш имконияти пратилган.

Агар ўқитувчининг бир ўқув йили учун аноним сўровнома натижаларини кўриш керак бўлса, мулокат ойнасидан кафедра ва ўкув йилини танлаймиз. Кейин эса, шу кафедра аьзолари рўйхатидан керакли деб ҳисобланган ўкитувчининг фамилиясини активлаштирамиз. Тизим ўкитувчи ҳақидаги аноним сўровнома натижаларини куйидаги кўринишда ҳосил қилади (3-расм):

Z,	So'tovnoma bundları mav zusi	liobiy evezlar som	Salbiv ovezia sem	Salbay ox ozlar koeffisentlar	Salbıy koʻtsarlıci
1	Mayzum och ib berishi bandı (ovozlar taqsımon)	-4	1	0.3	0.3
2	Axb. va ped. tex. dan foydalanish bandi (ovozlar taqsimori)	I	4	0.3	2
3	Nutq madamvatiga mova etishi bandi (ovozlai taqsimoti)	3	2	0.4	0.8
1	Dars o'tish usuli bandi (ovozlar taqsimoti)	4	1	0.7	0.7
3	Riyinish madaniyati va ədəb-ahləqi bandı (ovozlar taqsumoti)	4	1	0.2	0.2
6	O'quiu chun burmat qilish yoki qilmaslik bandi (ovozlar taqsuncti)	- 4	1	0.1	0.1
?	Baholaslida holislik va adolatilik bandi (ovozlar taysunoti)	4	1	0.8	0.8
8	Bilimlami baholashda ta magarligi bandi (ovozlar taqsimoti)	5	0	1	0
9	Talabalar ora a la coro e tiborea sazovorligi bandi (ovozlar taqsimoti)	4	1	0.5	0.5
	Oʻqituvchi haqidogi vakumv riki bandi (ovozlai taqsanoti)	4	l	0.4	0.4
Lite	Jonn		13 (26° b)	Summa = 24.5	5.8 (24%

3-расм. Аноним сўровнома натижаси ойнаси.

Худди шу тарзда ўқитувчининг бир неча ўқув йилидаги тўлик маълумотлари, кафедра барча ўқитувчилари ҳақидаги қисқартирилган (овоз берган талабалар сони, ижобий овоз берган талабалар сони ва унинг фоизлардаги микдори, салбий овоз берган талабалар сони ва унинг фоизлардаги микдори) айоним сўровнома натижаларини ёки факультетнинг барча ўқитувчилари ҳақидаги аноним сўровнома натижаларини ҳосил қилиш мумкин. Керакли деб ҳисобланганда ушбу саҳифаларни чоп этиш функцияси яратилган.

Бизнинг назаримизда, ушбу дастурий тизим олий ўкув юртлари профессор-ўкитувчиларининг иш фаолиятини ва педагогик-психологик хусусиятларини жамоатчилик сўровномалари асосида холисона аниклашда мухим омил бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. М., 1999. С.334-335
- 2. Скотт П. Глобализация и университет // Alma mater . M., 2000. №4. С.38.
- 3. Кузнецов М. В., Симдянов И. В., Голышев С. В. РНР 5 на примерах. СПб.: БХВ-Петербург, 2005. 576 с : ил.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВОСИТАСИДА ИКТИСОДИЙ БИЛИМ БЕРИШНИ ФАНЛАРАРО АЛОКАДОРЛИКДА ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ

МЕТОДЫ И ПРИЁМЫ ФОРМИРОВАНИЯ МЕЖПРЕДМЕТНОЙ СВЯЗИ ОБУЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКИМ ЗНАНИЯМ ПОСРЕДСТВОМ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

METHODS AND METHODS FOR FORMING INTER-PROMOTIONAL TIES OF TRAINING TO ECONOMIC KNOWLEDGE BY MEANS OF INFORMATION TECHNOLOGIES

А.А. Хасанов – катта илмий-ходим изланувчи, Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни кайта тайёрлаш институти, С.А. Алибеков – ф-м.ф.н., катта ўкитувчи Тошкент давлат педагогика университети

Аннотация

Ушбу мақолада касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини ахборот технологиялари воситасида иқтисодий билим бериш, фанлараро алоқадорликни шакллантириш усуллари ва услублари, касбий таълимда модулли ёндашув, ўқитишдаги янги технологияларнинг асосий тамойиллари келтирилган.

Калит сўзлар: Касбий фаолият, модел, касбий махорат, интеграция, ўкитиш усуллари, фанлараро алоқадорлик, касбий тайёргарлик, дидактика, методика, касбий таълим, касб-хунар, мутахассислик фанлари моделлаштириш.

Аннотация

В данной статье приведены основные принципы обучения экономическим знаниям учащихся профессиональных колледжей средствами информационных технологий, методы и приёмы формирования межпредметной связи, модульный подход в профессиональном обучении, основные принципы новых технологий обучения.

Ключевые слова: Профессиональная деятельность, модель, профессиональное умение, интеграция, приёмы обучения, межпредметная связь, профессиональная подготовка, дидактика, методика, профессиональное обучение, профессия, моделирование предметов специальности.

Annotation

In this article is lists teaching economic knowledge to students of professional colleges by means of information technologies, methods and ways of forming an interdisciplinary link, a modular approach to vocational training, the basic principles of new technologies of teaching.

Key words: Professional activity, model, professional skill, integration, teaching methods, an interdisciplinary relationship, vocational preparation, didactics, methodology, vocational training, profession, modeling of specialty subjects.

Мутахассисларни тайёрлашда алохида махорат ва кўникмаларни шакллантириш мухим ўрин эгаллайди. Фаолият шундай ташкил этилиши керакки, бунда ўкитиш мазмунини ишлаб чикишда амалий масалалар ва вазиятларнинг мазмуни хамда таркиби белгиланган бўлиши лозим.

Мутахассис касбий фаолиятининг модели бўлиб, бизнинг фикримизча, у ўз иш фаолияти давомида тўқнаш келиши мумкин бўлган амалий вазиятлар мазмуни ва таркиби хисобланаді Ўкув-ишлаб чикариш масалалари ва вазия ларини ҳал қилиш давомида ўкувчиларя

касбий фаолиятнинг имитациясини курсатиш зарурий касбий махорат ва куникмаларни эгаллашни таъминлайди, олинган билимлардан амалий фаолиятда тизимли фойдаланишни талаб килади.

Бунда шуни эътиборга олиш зарурки, касбий фаолият мутахассислардан қоидага кўра мураккаб (мажмуавий) махоратни талаб қилувчи мехнат функциялари бажарилишидан иборатдир. Мураккаб махоратларнинг купчилиги – бу турли ўкув фанларидаги билимларни талаб қиладиган фанлараро махоратдир. Касбий фаолиятни моделлаштириш асосида ўкувчиларда касбий махоратнинг шакллантирилиши ўкитиш жараёнига амалий масалалар ва вазиятларнинг киритилишини кўзда тутади. Уларнинг бажарилиши доимо назарий мавзулар ўрганилишидан сўнг, амалий масалалар ва вазиятларни хал килишга ёндашувлар тушунтирилгандан кейин амалга ошади. Вазиятлар мустақил равишда бажарилгандан сўнг ечим тахлил қилинади, йўл қўйилган хатоликлар синчиклаб ўрганилади. Тажриба йўли билан исбот қилинганки, касби амалий махорат ва кўникмаларни муваффакиятли эгаллаш фақат реал ишлаб чиқариш вазиятларининг хал қилинишини кўзда тутувчи мақсадга йўналтирилган ўкитиш жараёнини ташкил килиш билангина мумкиндир.

Л.Г.Семушинанинг фикрига кўра касбий фаолиятни моделлаштиришга икки гурухдаги педагогик талаблар қўйилади[1, 85 б.]:

- 1. Касбий фаолиятни моделлаштиришнинг ўзига, яъни, касбий фаолият кечадиган реал ишлаб чиқариш вазиятларини ишлаб чиқишга;
- 2. Ўқув жараёнида касбий фаолиятни моделлаштириш натижаси сифатида реал ишлаб чиқариш вазиятларини амалга ошириш методикасига.

Ўқув жараёнида мутахассислар касбий фаолиятининг моделлаштирилишини қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1. Мутахассис фаолияти моделларини ишлаб чикиш.

Малакавий ва мансаб хусусиятларини ҳамда битирувчилардан фойдаланиш ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида уларнинг меҳнатидан фойдаланиладиган лавозимлар шиқланади. Ижтимоий меҳнат тақсимоти соҳасидаги мутаҳассисликнинг ўрнига, касбий фаолият объекти ва турига мос ҳолда мутаҳас-

сислар ҳал ҳилиши лозим бўладитан амалий вазиятлар белгиланади.

- 2. Аникланган амалий вазиятларнинг ахамиятлилиги ва мураккаблигини бах олаш. Бахолаш учун эксперт бахолашлари усулидан фойдаланилади, бунинг устига экспер тлар сифатида ўрта махсус маълумотли мут ахассислар ўрнини эгаллашлари лозим бўлган маълум бир лавозимдаги амалда ишловчилар, тлунингдек, ўкувчиларнинг бевосита рахбари таймиланиши мумкин.
- 3. Ўқув мавзуси мазмунида конкрет амалий вазиятларнинг ўрнини белгилаш.

Амалнй вазиятларни ечиш учун маьлумотлар банки яратилиб, ундаги ахборот доимий равишда ишлаб чикариш фаолияти даги ўзгаришларни хисобга олган холда тўплаб ва янгилаб борилади. Қоидага кўра, дастлабки маьлумотлар ўкувчилар ишлаб чикариш амалиётини ўтайдиган таянч корхоналардан олинади.

Амалий вазият агар унда қуйидагы талаблар бажарилмайдиган бўлса, ўз ахамиятыни йўқотади:

- вазиятларда ўкувчиларнинг ўзи эгаллаб бораётган мутахассислиги ва малака даражасига мос холда бўлажак касбий фаолиятнинг энг мухим томонлари акс эттирилиши керак;
- вазият шартларида энг мухим параметрлар ўз ифодасини топиши лозим;
- вазиятнинг мазмуни мажмуавий хусусиятга эга бўлиши шарт;
- ўқитишнинг мақсадга мувофик усули танлаб олинган бўлиши керак;
- амалий вазиятнинг мазмуни бўлажак мутахассисни тарбиялаш максадларига жавоб бериши лозим, яьни, моделлаштиры ладиган вазиятларни улар амалга ошириладиган жараёнда ўкувчиларда маьсулият, мустакиллик, ташаббускорлик, тадбиркорлик хусусия тларини шакллантиришга ёрдам берадиган тарзда намоён килиш зарурдир. Амалий вазыятларга кўйиладиган юкорида санаб ўтилган талабларни тизимли равишда бажариш ўкитиш самарадорлиги ва сифатида ўз таьсирига эга бўлади.

Давлат таълим стандарти бозор иктисодиёти учун мутахассисларни тайёрлашта янада юкори талабларни кўяди. ЎМКХТ муассасалари ўкитувчи-педагоглари олдида ўкувчиларни янгичасига ўкитиш вазифаси кўйилгандир. Ўкитишнинг замонавий шакл ва усулларини

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВОСИТАСИДА ИКТИСОДИЙ БИЛИМ БЕРИШНИ ФАНЛАРАРО АЛОКАДОРЛИКДА ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ

МЕТОДЫ И ПРИЁМЫ ФОРМИРОВАНИЯ МЕЖПРЕДМЕТНОЙ СВЯЗИ ОБУЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКИМ ЗНАНИЯМ ПОСРЕДСТВОМ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

METHODS AND METHODS FOR FORMING INTER-PROMOTIONAL TIES OF TRAINING TO ECONOMIC KNOWLEDGE BY MEANS OF INFORMATION TECHNOLOGIES

А.А. Хасанов – катта илмий-ходим изланувчи, Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни кайта тайёрлаш институти, С.А. Алибеков – ф-м.ф.н., катта ўкитувчи Тошкент давлат педагогика университети

Аннотация

Ушбу мақолада касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини ахборот технологиялари воситасида иқтисодий билим бериш, фанлараро алоқадорликни шакллантириш усуллари ва услублари, касбий таълимда модулли ёндашув, ўқитишдаги янги технологияларнинг асосий тамойиллари келтирилган.

Калит сўзлар: Касбий фаолият, модел, касбий маҳорат, интеграция, ўқитиш усуллари, фанлараро алоқадорлик, касбий тайёргарлик, дидактика, методика, касбий таълим, касб-ҳунар, мутахассислик фанлари моделлаштириш.

Аннотация

В данной статье приведены основные принципы обучения экономическим знаниям учащихся профессиональных колледжей средствами информационных технологий, методы и приёмы формирования межпредметной связи, модульный подход в профессиональном обучении, основные принципы новых технологий обучения.

Ключевые слова: Профессиональная деятельность, модель, профессиональное умение, интеграция, приёмы обучения, межпредметная связь, профессиональная подготовка, дидактика, методика, профессиональное обучение, профессия, моделирование предметов специальности.

Annotation

In this article is lists teaching economic knowledge to students of professional colleges by means of information technologies, methods and ways of forming an interdisciplinary link, a modular approach to vocational training, the basic principles of new technologies of teaching.

Key words: Professional activity, model, professional skill, integration, teaching methods, an interdisciplinary relationship, vocational preparation, didactics, methodology, vocational training, profession, modeling of specialty subjects.

Мутахассисларни тайёрлашда алохида махорат ва кўникмаларни шакллантириш мухим ўрин эгаллайди. Фаолият шундай ташкил этилиши керакки, бунда ўкитиш мазмунини ишлаб чикишда амалий масалалар ва вазиятларнинг мазмуни хамда таркиби белгиланган бўлиши лозим.

Мутахассис касбий фаолиятининг модели бўлиб, бизнинг фикримизча, у ўз иш фаолияти давомида тўкнаш келиши мумкин бўлган амалий вазиятлар мазмуни ва таркиби ҳисобланади. Ўкув-ишлаб чиқариш масалалари ва вазиятларини ҳал қилиш давомида ўкувчиларга

ысбий фаолиятнинг имитациясини курсатиш прурий касбий махорат ва куникмаларни паллашни таъминлайди, олинган билимлардан амалий фаолиятда тизимли фойдаланишни талаб килади.

Бунда шуни эътиборга олиш зарурки, касбий фаолият мутахассислардан қоидаға кўра мураккаб (мажмуавий) махоратни талаб килувчи мехнат функциялари бажарилишидан иборатдир. Мураккаб махоратларнинг кўпчилиги – бу турли ўкув фанларидаги билимларни талаб қиладиган фанлараро махоратдир. Касбий фаолиятни моделлаштириш асосида ўкувчиларда касбий махоратнинг шакллантирилиши ўкитиш жараёнига амалий масалалар ва вазиятларнинг киритилишини кўзда тутади. Уларнинг бажарилиши доимо назарий мавзулар ўрганилишидан сўнг, амалий масалалар ва вазиятларни ҳал қилишга ёндашувлар тушунтирилгандан кейин амалга ошади. Вазиятлар мустақил равишда бажарилгандан сўнг ечим тахлил қилинади, йўл қўйилган хатоликлар синчиклаб ўрганилади. Тажриба йўли билан исбот килинганки, касби амалий махорат ва кўникмаларни муваффакиятли эгаллаш фақат реал ишлаб чиқариш вазиятларининг ҳал қилинишини кўзда тутувчи максадга йўналтирилган ўкитиш жараёнини ташкил килиш билангина мумкиндир.

Л.Г.Семушинанинг фикрига кура касбий фаолиятни моделлаштиришга икки гурухдаги педагогик талаблар қўйилади[1, 85 б.]:

- 1. Касбий фаолиятни моделлаштиришнинг ўзига, яъни, касбий фаолият кечадиган реал ишлаб чиқариш вазиятларини ишлаб чиқишга;
- 2. Ўқув жараёнида касбий фаолиятни моделлаштириш натижаси сифатида реал ишлаб чиқариш вазиятларини амалга ошириш методикасига.

Ўкув жараёнида мутахассислар касбий фаолиятининг моделлаштирилишини куйидаги боскичларга ажратиш мумкин:

1. Мутахассис фаолияти моделларини ишлаб чикиш.

Малакавий ва мансаб хусусиятларини хамда битирувчилардан фойдаланиш хакидаги маълумотларни тахлил килиш асосида уларнинг фойдаланиладиган мехнатидан лавозимлар аникланади. Ижтимоий мехнат таксимоти сохасидаги мутахассисликнинг ўрнига, касбий фаолият объекти ва турига мос холда мутахассислар хал қилиши лозим бўладиган амалий вазиятлар белгиланади.

- 2. Аникланган амалий вазиятларнинг ахамиятлилиги ва мураккаблигини бахолаш. Бахолаш учун эксперт бахолашлари усулидан фойдаланилади, бунинг устига экспертлар сифатида ўрта махсус маълумотли мутахассислар ўрнини эгаллашлари лозим бўлган маълум бир лавозимдаги амалда ишловчилар, шунингдек, ўкувчиларнинг бевосита рахбари тайинланиши мумкин.
- 3. Ўкув мавзуси мазмунида конкрет амалий вазиятларнинг ўрнини белгилаш.

Амалий вазиятларни ечиш учун маълумотлар банки яратилиб, ундаги ахборот доимий равишда ишлаб чиқариш фаолиятидаги ўзгаришларни хисобга олган холда туплаб ва янгилаб борилади. Қоидага кўра, дастлабки маълумотлар ўкувчилар ишлаб чикариш амалиётини ўтайдиган таянч корхоналардан олинади.

Амалий вазият агар унда қуйидаги талаблар бажарилмайдиган бўлса, ўз ахамиятини йўкотади:

- вазиятларда ўкувчиларнинг ўзи эгаллаб бораётган мутахассислиги ва малака даражасига мос холда бўлажак касбий фаолиятнинг энг мухим томонлари акс эттирилиши керак;
- вазият шартларида энг мухим параметрлар ўз ифодасини тониши лозим;
- вазиятнинг мазмуни мажмуавий хусусиятга эга бўлиши шарт;
- ўқитишнинг мақсадга мувофик усули танлаб олинган бўлиши керак;
- амалий вазиятнинг мазмуни бўлажак мутахассисни тарбиялаш максадларига жавоб бериши лозим, яъни, моделлаштириладиган вазиятларни улар амалга ошириладиган жараёнда ўкувчиларда маъсулият, мустакиллик, ташаббускорлик, тадбиркорлик хусусиятларини шакллантиришга ёрдам берадиган намоён қилиш зарурдир. Амалий вазиятларга қўйиладиган юқорида санаб ўтилган талабларни тизимли равишда бажариш ўкитиш самарадорлиги ва сифатида ўз таъсирига эга бўлади.

Давлат таълим стандарти бозор иктисодиёти учун мутахассисларни тайёрлашга янада юкори қўяди. ЎМКХТ муассасалари талабларни ўқитувчи-педагоглари олдида ўкувчиларни янгичасига ўкитиш вазифаси кўйилгандир. $ar{\mathbf{y}}$ қитишнинг замонавий шакл ва усулларини

излаб топиш ўкув жараёнида ўкитишнинг янги технологияларидан фойдаланишга қаратилган.

Янги технологияларнинг устунлиги шундаки, улар ўкув жараёнининг тубдан яхшиланишини таъминлайди, коллежлар битирувчиларида узлуксиз равишдаги ўзгарувчан шароитларда ўз касбий фаолиятлари йўналишларида мустакил ва компетент холда харакат килишга имкон берадиган билимлар, махорат, кўникма, ижодий кобилият ва шундай сифатларнинг даражасини кафолатлайди [2; 208-209 б.].

Ўқитишдаги янги технологияларнинг асосий тамойилларини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

- 1. Муаммони қуйишда ва ноодатий қарорларни топишда уқувчиларнинг ижодий фаоллигини рағбатлантириш;
- 2. Ўқувчиларнинг имкониятларига мос ҳолда кундузги таълим шаклининг мазмуни ва ташкил этилишини оптималлаштириш;
- 3. Ўқувчи билан индивидуал ишлаш вақтининг сезиларли равишда оширилиши;
- 4. Ўқув жараёнига мураккабликнинг уч даражасидаги муаммоли ижодий ва танловли мажмуавий масалаларнинг киритилиши воситасида ўқувчилар ижодий фикрлашининг ривожлантирилиши;
- 5. Ижодий хусусиятдаги масалаларнинг ечимини қўйиш ва уни химоя қилиш шаклида мажмуавий имтихонни топшириш;
- 6. Ўкувчиларнинг илмий тадкикотларда кенг иштирок этишлари;
- 7. Олинган билимларни қўллаш, янги билимларни синтезлаш махоратига алохида эътибор қаратилади;
- 8. Таълимнинг ижтимоийлашуви ва тайёргарликнинг профессионаллашуви.

Янгича шароитларда ЎМКҲТ муассасалари педагог-ўқитувчилари олдида бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини олдиндан ўстириб бориш муаммоси юзага келди. Бу муаммони мутахассисларнинг билимларини бир чизикда, бир текисда кўпайтириб бориш билан ҳал қилиб бўлмайди ва бунинг устига ҳали ўзи йўқ нарсага ўкитишнинг кераги ҳам йўкдир. Лекин ўкитишда диққатни "Тайёр билим"лардан ностандарт фикрлаш, ижодий қобилият ва сифатларни ривожлантириш мумкин ва бу керак ҳамдир.

Агарда илгари ўқитишнинг репродуктив хили ўқув мавзусини ёздириш-декларатив

усулини кўзда тутган бўлса, эндиликда у муаммоли шаклда ва қайтаравериш билан эмас, балки фанлараро алоқадорликларни қўллаш билан берилиши лозим.

Ахборот жамияти (билимлар жамияти)нинг шаклланишига боғлиқ ҳолда ўқитиш жараёнида бош масала бўлиб ўқувчига маълум бир ахборотнинг хабар қилиниши эмас, балки унда билимларни мустақил олиш ва бутун ҳаёт давомида ўрганиш маҳоратини шакллантириш ҳисобланади. Шунга боғлиқ ҳолда ўқув жара-ёнига модулли ёндашувларни жорий қилиш учун катта имкониятлар очилмоқда.

Касбий таълимда модулли ёндашув ўкувчида касбий компетенцияларнинг, яъни конкрет иш жойида маълум бир ишни тезда ва сифатли бажариш қобилиятининг шакллантирилишини талаб килади.

Модулли ёндашув ҳам бутун ўқув дастурининг курилишида, ҳам ўқитиш алоҳида курсларининг курилишида намоён бўлади. Ўқувчи бутун дастурни тўлиғича ўқишни ҳам, ёки алоҳида ўқитиш курсларини ўрганиши ҳам мумкин. Ҳар бир алоҳида курс модуллардан иборат бўлади.

Модулли технологияларнинг ўзига хос қирралари бўлиб қуйидагилар хисобланади:

- ўкув мавзусининг ўкувчилар томонидан устун даражада мустакил кайта ишланиши, ўрганилиши;
- фанлараро алоқадорликдан фойдаланган ҳолда ўқув мавзусини уни ўрганиш бўйича тавсиялар ва машқлар билан бирга йирик блокли тарзда ташкил этилиши;
- махсус фан ўқитувчиси услубий тизимининг очиклиги (мавзуни ўрганиш дастури ва машғулотга ишни режалаштириш ўкувчиларга олдиндан етказилади);
- ўкувчиларнинг билим олишларини билишга оид дастурлар (ўкув ишлари боскичлари ва машқларнинг кетма-кетлиги) ва алгоритмлар (яъни, модул деб номланадиган ўкув-услубий мажмуа) воситасида бошқариш;
- мавзуни ўрганишда ўзлаштириш даражаси, шакли, жойи ва суръатининг ўкувчилар томонидан танлаб олиниши имконияти;
 - уй вазифаларининг ихтиёрийлиги;
- ҳар бир ўқувчи учун муваффақиятли билиш фаолияти учун шароитларни яратиш;
- ўкувчиларни назоратнинг мезонлари ва мазмунига истикболли йўналтириш;

- ўкувчига чексиз ишонч, унинг имкониятларига таянишни намойиш этиш;
- машғулотда ишлаш жараёнида эркин ўзўзини назорат қилиш ва ўзаро ёрдам бериш;
- фақат мазмуний (баҳолашсиз) жорий назорат;
- натижаларни якуний назорат бўйича бахолаш (жорий натижаларнинг ўртача арифметик қиймати шаклида эмас);
- ҳар бир ўқувчига ўз якуний натижаларини яхшилаш учун имкон бериш;
- ижодий фаолиятда ўзини синаб кўриш имконияти;
- ўкув жараёни самарадорлигини бахолашда ўкувчиларнинг иштирок этиши.

Модулли технология асосига гуманистик психологиянинг классик вакили К.Роджерс асосий деб хисоблайдиган тамойил кўйилган: ўкувчи модулли дастур ёрдамида ўкитишнинг фаол, мустакил жараёнига киритилади, ўкитувчи эса бу жараёнда унга таълим олиш ва ўз-ўзини бошкариш усулларини ўзлаштиришга кўмаклаша бориб, уни кузатиб боради.

Бунда ўқитувчи махсус фанни ўқитиш ва қаттиқ бошқарув юкидан халос бўлиб, нихоят хар бир ўқувчига индивидуал, шахсий ёндашувни амалга ошира олишнинг, ўқувчилар орасида ўзаро ҳаракат ва ўзаро ёрдам беришнинг реал имкониятига эга бўлади.

Модулга киритилган ўқитувчи методик тизимининг, якуний натижанинг ихтиёрийлиги ва очиклигига, ўз-ўзини эркин назорат килиш ва ўзлаштириш даражасини танлаш имкониятига, ўкув мавзусини ўрганиш суръатини қатъий тартибга солиниши йўклигига кўра ўкувчига йўналтирилганликнинг гуманистик тамойили амалга оширилади. Шундай килиб, ўкувчи ўзини эркин, химояланган, ўз кучига ишонган тарзда хис кила оладиган кулай рухий-психологик шароитлар яратилади.

Шахсий-йўналтирилган ўқитишнинг мухим кўрсаткичларидан бири сифатида "субъект" мақоми модулли технология воситасида четдан қарор асосида эмас, балки табиий равишда таъминланади. Ўқувчининг ўзи ўз ишининг усулларини, суръатини ва жойини режалаштиради. Ўзи ўз имкониятлари ва хоҳишларини даражасини баҳолайди. Ўзи кейинги босқичга ҳаракат қилиш ҳақидаги қарорни қабул қилади.

Ўз-ўзини юзага чиқаришга эхтиёж биринчидан, модул ёрдамида доимо муваффакиятли ўқиш имкони билан, иккинчидан эса, ижодий фаолият ва ностандарт топширикларни танлаш эркинлиги билан қондирилади.

Модулли технологияни амалга оширишда бир фаолият туридан (назарий билимларни олиш) иккинчисига (касбий махорат ва кўникмаларни эгаллаш) боскичма-боскич хамда мазмунан ўтиш рўй беради. Бундай ўтишни амалга оширишнинг воситалари бўлиб ўкитишнинг фаол усуллари (муаммоли маърузалар, ишбилармонлик ва ролли ўйинлар, вазиятли машклар, мунозарали маърузалар, фанлараро алокадорликдан фойдаланиш ва шу кабилар) саналади.

Модулли дастурлар асосида олинган касбий тайёргарлик ишлаб чиқариш мухитининг талабларига аниқ мос келади, бу битирувчиларнинг ишга жойлашишлари ҳамда эгалланган иш жойида мустаҳкамланиб олиш имконини оширади.

Ўқитиш ишлари амалиётида фанлараро алоқадорликни амалга оширишнинг турли хил шакл ва усулларидан фойдаланилади. Уларни танлаб олиш турли омиллар — ўқув мавзусининг мазмуни, машғулот мақсадлари, фанлараро алоқадорлик хиллари, ўқитувчининг касбий маҳорати ва тажрибаси, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси ва бошқалар билан белгиланади.

Таъкидлаб ўтилганидек, фанлараро алоқадорликни амалга ошириш учун ўкувчиларни мустакил ижодий ишлашга ундаш, уларда илгари олинган билимларни янги далиллар, тушунчалар, ходисалар, жараёнлар, конуниятларни тушунтириш ва мустакил таҳлил кила олишда кўллаш маҳоратининг ишлаб чикилиши катта ўрин эгаллайди. Бу маҳоратлар фанлараро хусусиятга эга бўлган амалий вазиятларнинг мазмунида киритилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўкувчиларни назарий ва амалий тайёргарлигига қаратилган фанлараро мазмундаги ўкитишнинг ташкилий шакллари орасида семинар ёки амалий машғулотни ажратиб кўрсатиш мумкин. Дидактик талаблардан бири бўлиб ўкитишдаги изчиллик (билим ва махорат, илмий дунёқарашнинг шаклланиши мақсадларида фан ички ва фанлараро алоқадорликлар асосида мазкур семинарнинг олдин ўтилган машғулотлар ва маърузалар билан алоқаси) ҳисобланади [3; 738-741 б.].

Ташкил этилиши бўйича машғулотлар қуйидаги хилларга бўлинади:

- 1. Янги билимларни ўзлаштириш маъруза, эвристик суҳбат, тадҳиҳотчилик хусусиятидаги мустаҳил иш;
- 2. Маҳорат ва кўникмаларнинг шаклланиши машқлар, амалий иш, саёҳат, семинар, иш-билармонлик ўйини, танловлар ва бошқалар;
- 3. Билим, махорат ва кўникмаларни умумлаштириш ва тизимлаштириш бўйича машгулотлар — конференция, диспут;
- 4. Билимларни назорат қилиш ва тўгрилаш бўйича синов, назорат иши, тест топшириклари.

Кўпчилик ўкув муассасалари фанлараро хусусиятта эта бўлган билимларни назорат кесимини ўтказадилар.


Дарсдан ташқари вақтда фанлараро алоқадорликни амалга ошириш шакллари бўлиб конференция, саёхатлар, танловлар, ишбилармонлик ўйинларини ўтказиш ва бошқалар ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, назарий ўкитиш машғу-

лотларида фанлараро алоқадорликни амалга оширишда эвристик, диалогли ва тадқиқотчилик кўринишларидаги усуллар ҳам қўлланилади. Фанлараро алоқадорлик кечиккан жойда алгоритмик, монологли ва кўргазмали усуллардан фойдаланилади. Дастурли ва ғоявий усуллар кўпинча мавзуни мустаҳкамлашда қўлланилади.

Ўқитиш усулини танлаб олишда ўқув мавзуси мазмунини таҳлил қилиш ва уни ўқувчилар реал вазиятга кира олишлари мумкин бўлган жойда ва вақтда қўллаш мақсадга мувофикдир. Педагогикада ўқитишни таснифлашнинг бир неча усуллари қабул қилинган. Биз Л.Г.Семушина ва Н.Г. Ярошенколар тузиб чиққан таснифлашга таянамиз.(1-чизма.)

Хозирги кунларда интеграциялашган машғулотлар айникса долзарб бўлиб қолди. Интеграциялашган машғулот турли фан ўқитувчилари фаолиятини бирлаштириб, ўкув жараёнини сезиларли равишда фаоллаштириш ва кўргазмали фанлараро алоқадорликларни ўрнатишга ёрдам беради.



1-чизма. Ўқитиш усуллари.

Мажмуавий интеграциялашган машғулот — бу ўз навбатида интеграциялашган билимларга асосланадиган ўкув фанларининг интеграциялашуви асосидаги машғулотдир. Лекин

интеграция — бу турли ўкув фанлари ва фаолият турларида олинган тайёргарлик назарий ва амалий элементларининг бирлашуви бўлиб, бу ўкувчиларга хўжалик юритишнинг янги

шароитларида меҳнатта мослашишта ёрдам беради. Айтиш мумкинки, интеграциялаштан машғулот касбий фаолиятни моделлаштиради. Назарий ва амалий тайёргарликнинг яхлитлиги, фанлараро жиҳатларни ёритиш ўкув ишларини ишлаб чиқариш билан яқинлаштиради.

Мазмунига кўра мажмуавий интеграциялашган машғулотлар ички циклли ва цикллараро интеграцияларга мансуб бўлиши мумкин.

Мажмуавий машғулотлар ўқувчилар мустақиллигининг юқори даражасига эришиш имконини беради.

Ўқитишнинг фаол усулларидан бири сифатида мажмуавий машғулотлар ўқувчиларда қуйидаги ижобий ишбилармонлик сифатлари шаклланишига ёрдам беради:

- барча учун умумий бўлган масалани ҳал ҳилиш билан машғул бўлган гуруҳ ичида тезда мослашиш ҳобилияти;
- шахсий мулоқот ўрната олиш, ахборот алмаша олиш ва зарур нуқтаи-назарларни шакллантира олиш махорати;
- ўз ҳаракатларини таҳлил қила олиш ва баҳолай олиш маҳорати;
- ғоялар ва таклифларни олга сура олиш ҳамда тавсифлай олиш қобилияти;
- фикрларни аник ва ишонарли талкин кила олиш кобилияти, камсўз, лекин тушунарли бўлиш ва шу кабилар.

Интеграциялашган машғулотни қандай тайёрлаш ва ўтказиш лозим?

Бу масала бўйича педагогик адабиётларда жуда кам диққат қаратилган, бунда асосий урғу фан ўқитувчилари томонидан интеграциялашган машғулотларни ўтказиш бўйича тўпланган тажрибага берилади. Бу ерда асосийси фан ўкитувчиларининг ўзларининг ижодкорлиги, ўкитишнинг ностандарт технологияларини топишдадир.

Асосий жихатларга тухталамиз:

- 1. Интеграциялаштан машғулотда касбий ўқитишнинг етакчи дидактик воситаси бўлиб фанлараро алоқадорликлар саналади, улар касбий фаолият назарий ва амалий компонентларининг бир бутунлигини ёритишга йўналтирилгандир;
- 2. Мажмуавий интеграциялашган машғулотни ўтказишда алохида ахамиятга турли ўкув фанларидаги бир-биридан айрича холда бўлган

билимлар ва махоратни бир бутун касбий фаолиятга ўтказишга ёрдам берувчи усуллар эгадир.

Бундан келиб чиқиб, интеграциялашган мажмуавий машғулот қуйидаги турли шаклларда ўтказилиши мумкин:

- мажмуавий ўкув-ишлаб чикариш масалалари ва вазиятларининг ечимини топиш амалий машғулотлар;
- ностандарт машғулотлар ишбилармонлик ўйинлари, танловлар, ишлаб чиқаришдаги машғулотлар, кўргазмалар, такдимотлар, саёхатлар;
 - ўқув амалиёти бўйича машғулотлар;
- компьютер технологияларини қўллаш асосдаги машғулотлар.
- 3. Мажмуавий интеграциялашган машғулотларнинг турларидан бири бўлиб бинар машғулот саналади. Бинар машғулот икки фан ўқитувчиси ҳамкорлигида ўтказилади. Бу ерда алоҳида аҳамиятга фан ўқитувчиларининг бир-бири билан ўзаро ҳаракати эга бўлади. Фан ўқитувчилари ўкув мавзусининг ҳандай ҳажмини машғулотда бериш, машғулотнинг ҳар бир босқичларида ўқувчилар ўқув фаолиятининг ҳандай шакл ва усулларидан фойдаланиш лозимлиги ҳақида ўйлаб олишлари зарур бўлади.

Интеграциялашган машғулот методикасини кўриб чиқамиз.

Машғулотга тайёрланишда ўқитувчиларнинг ҳар бири ўқув мавзусининг дидактик таҳлилини амалга оширади. Компонентли, техник-технологик, ташкилий-иқтисодий, психологик таҳлиллар ва тарбиявий аҳамиятлилик таҳлилини ўқув мавзуси юзасидан ўтказиб, ўқитувчи:

- машғулот мақсадини аниқлайди ва вазифаларини белгилайди, назарий ва ишлаб чиқариш ўқувининг алоқадорликлари турлари ва хилларини (ҳаракатларнинг қандай усуллари ва услубларини ишлаб чиқиш керак, ўқувчиларда қандай кўникма ва маҳоратни шакллантириш лозим кабилар) белгилайди, машғулотнинг ўқувчишлаб чиқариш асосини аниқлайди;
- мавзуларни танлаб олади, ўкув-ишлаб чиқариш вазиятларининг ҳажми ва мураккаблигини аниклайди;
- ўқитиш ва машқлар усулларини танлаб олади, ўқувчилар мустақил ишлари турлари ва хилларини аниқлайди, сухбатларни ўтка-

ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYA VA OʻQUV JARAYONINI LOYIHALASH

зишдаги саволларни, уларнинг ечимлари услубини белгилайди, муаммоли вазиятларни яратиш учун саволлар ва машқларни шакллантиради;

- ўқувчилар учун индивидуал мустақил машқларнинг мумкин бўлган хилларини ўйлаб чиқади;
- уй вазифаси учун мавзуларни тайёрлайди ва унинг хажми хамда хусусиятларини аниклайди;
- кейинги машғулот учун машқларни ўйлаб чиқади.

Ўқув мавзусининг мана шундай ҳар томонлама таҳлили ўқитувчиларга машғулотни тўғри режалаштириш ва ўтказишга ҳизмат қилади.

Ўйин технологияларининг қўлланилиши ўкув жараёнини фаоллаштиради, ўкувчиларни мустакил равишда билим олишга рағбатлантиради, ўрганилаётган мавзуга қизиқишни оширади. Бу барча фанлар, айникса, махсус фанлар учун жуда долзарбдир. Ўкув жараёнида ўйин технологиясининг ўрни ва ахамиятининг белгиланиши недагогик ўйинларнинг функция-

лари, мақсадлари ва вазифалари ўқитувчи томонидан қанчалик тушуниб етилганлигига боғлиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1. Семушина Л.Г., Ярошенко Н.Г. «Содержание и методы обучения в средних специальных учебных заведениях», Учебно-методическое пособие М.: высшая школа, 1990 с. 85
- 2. Маханов К.С., Хасанов А.А. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш усуллари. ТДПУ 80 йиллигига багишланган "Педагогик кадрлар тайёрлаш: тарихийлик, замонавийлик, истикбол" илмийамалий конференция материаллари 2015 йил Т.: 208-209 бет.
- 3. Хасанов А.А., Маматкаримов К. Межпредметные связи как дидактические условия повышение эффективности учебного процесса МОЛОДОЙ УЧЁНЫЙ // ежемесячный научный журнал N 20 (124)/ октябр-2, 2016 г.с.738-741.

Қонун хужжатлари

2017 йил 5 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Талабалар илмий-маърифий марказини ташкил этиш тўгрисида»ги 697-сонли қарори қабул қилинди.

2017 йил 5 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жиззах политехника институтининг архитектура ва қурилиш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туҳрисида»ги 699-сонли қарори қабул қилинди.

ШАХСНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СОХАСИДАГИ ЎРНИ, КОМИЛЛИККА ЭРИШИШ, ЕТАКЧИЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

РОЛЬ ЛИЧНОСТИ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНО-ВОСПИТАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ, ГАРМОНИЧНОЕ РАЗВИТИЕ И ПУТИ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ЛИДЕРСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ

THE ROLE OF THE PERSON IN THE EDUCATIONAL PROCESS, HARMONIOUS DEVELOPMENT AND WAYS OF DETERMINATION OF LEADER ABILITIES

 ${f C.A.}$ Абдалова — п.ф.н., бўлим бошлиғи Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази

Аннотация

Мақолада шахснинг таълим-тарбия соҳасидаги ўрни, комилликка эришиш, етакчилик қобилиятларидан самарали фойдаланиш бўйича ташҳис вазифалари ҳаҳида сўз юритилади.

Калит сўзлар: муаммо, сабр, тежамкорлик, мустақил, тадбиркор, объектив, психологик, ҳукм, қатъиятлили, мулоҳаза, комил, асаб, спорт, саломатлик, муомала, мулоҳот, услуб, лидер, имконият, характер, норматив, хулқ-атвор, педагогик технология, интерфаол усул ва бошқалар.

Аннотация

В данной статье речь идёт о роли личности в образовательно-воспитательном процессе, о гармоничном развитии, путях определения лидерских способностей и их правильном применении.

Ключевые слова: проблема, терпение, бережливость, самостоятельность, распорядительность, объективность, психология, жесткость, диалог, ум, нервы, спорт, здоровье, отношение, метод, лидерство, возможность, характер, нормативность, поведение, педагогическая технология, интерактивные методы и др.

Annotation

This article deals with the role of the individual in the educational and upbringing process, harmonious development, ways of determining leadership abilities and their correct application.

Key words: problem, patience, frugality, independence, entrepreneur, objectivity, psychology, rigidity, dialogue, mind, nerves, sport, health, attitude, method, leadership, opportunity, character, normativity, behavior, pedagogical technology, interactive methods and etc.

Шахснинг таълим-тарбия соҳасидаги ўрни, комилликка эришиши, етакчилик қобилияти унинг ҳаётда ўз ўрнини топишда муҳимдир. Бу ўз навбатида, бугунги кунда шахснинг ўзини англашини, ҳақиҳатни, ўз муаммоларини ҳал эта олишини, сабрлигини, тежамкорлигини, таъсирга берилувчанлигини, мустаҳиллигини, тадбиркорлигини, кузатувчанлигини, феъл-атворини, ўзини тута билишини, одамлар билан мулоҳатини, ҳатъиятлилигини, ўзига нисбатан ишончи комиллигини, саломатлигини, шахсий ички имкониятини, характер типи кабиларни билиш кераклиги таҳозо этади.

Бугунги кундаги кескин ўзгаришлар шахсга ўз салохиятларини тўла намоён этишида ёрдам

берадиган кўникмаларга эга бўлишини ҳам талаб этмокда. Улар: танкидий фикрлаш ва муаммолар ечими, ўзаро ҳамкорлик ва етакчилик таъсири, чаққонлик ва мослашувчанлик, ташаббус ва ишбилармонлик, самарали мулоқот, маълумотни баҳолаш ва таҳлил килиш, қизикувчанлик ва тасаввур. Буларни аниклаш учун қандай ташҳис ишларини амалга ошириш кераклигини қисқача кўриб чиқамиз. Буни янада яҳшироқ билиш учун тавсия этилаётган саволлар ёрдам беради.

Масалан, **ўз-ўзини таърифлай олиш,** феъл-атвор қандайлигини билишда қуйидаги саволлар ёрдам беради: Хулқингиз аввало нималарга боғлиқ. Рухингиз осон тушиб

кетадими ёки бирдан кўтарилиб кетадими? Узингизга ёкмаган ишни осонлик билан ёки қийинчилик билан бажарасизми? Атрофингиздаги мухит ва вазият кандай таъсир этади? Ўз қарорингизга эгалик қила оласизми? Хис-хаяжонга берилувчанмисиз? Ўз услубингизни топишга харакат қиласизми? Ўзингизга нисбўласизми? муносабатда танқидий Агар Сиз ёклаб келган вазият ўзингизга зарар келтираётганига амин бўлсангиз, ундан воз кодирмисиз? Ўзингизни кечишга неб хис киласизми? Сиз ташки таъсирга берилувчанмисиз? Ички сезгингиз билан тўгри йўлни танлаётганингиз сизга кўмаклашадими? $reve{ ext{Y}}_3$ қарашларингиз, тамойилларингиздан воз кечиш Сизга осон бўладими? Бирон киши Сизга нечоғли кўпроқ таъсир кўрсатмокчи бўлса, Сиз нима килган бўлар эдингиз? Агар онгингизга бирон фикр ўрнашиб қолса, Сизни ундан қайтара олиш мумкинми? Олдингизга қўйган мақсадингиз сари хеч бир чалғимай бора оласизми?

Хакикатни тинглай оласизми? Сизга хакикатни айтишганда кандай йўл тўтасиз? Ахир баъзан юзга айтилган аччик хакикатни хазм қилиш қийин кечади-ку. Хақиқатга кўникишга нисбатан кўпинча хато фикрда қолганимиз кулайрок, тўғрими? Бу масалада куйидаги саволлар ёрдам беради: Хаётингизни "Мени билмайдиган нарсам қизиқтирмайди" шиорига асосан қурганмисиз? Вақти келиб, ростмана хаёт хакикатингизни сезиш түйгүсини йўкотиб қўйишдан қўрқмайсизми? Сизнинг нохуш, бирок рост сўзларни меъёрида идрок этишингизни, хаётий ихтилофларга бас кела олишингизни кўрсатадими? Сиз "Инсон хамма нарсани билиши мумкин эмас" деган шиорга амал қиласизми? Хаёт учун зарурий билимлар қаршисидан кўз юмиб ўтмайсизми? Ўзингизга нисбатан анча талабчансиз ва хаётингизнинг мухим қисми "чин хақиқат" эканидан далолат берадими? Атрофингиздагиларга хам рост гапирасиз ва улардан ҳақиқатни ҳеч қандай рўйи рост гапиришларини талаб киласизми? Сиз учун билим - куч, нодонлик - нуксонми?

Уз муаммоларингизни хал эта оласизми? Айрим кишилар энг мураккаб муаммоларни ўйнаб-кулиб хал қилишади. Бошқаларни арзимас муаммолар хам йиқитиб қўяди. Сиз қайси хилга мансубсиз? Келинг, текшириб кўрамиз. Уз муаммоларингиз, нохушликларингиз хакида гапирасизми? Азобларни бошингиздан қандай

ўтказасиз? Кўнглингиз чуқур яралаганда нима киласиз? Якин кишингиз сизни ранжитганида нимани талаб этасиз? Бахтиёрлик дакикаларида кандай хаёлларга борасиз? Психиатрлар хакида нима деб ўйлайсиз? Сизнинг фикрингизча, такдир бу нима? Якин кишингиз билан уришиб колгандан кейин, жахлдан тушгач, нималар хакида ўйлайсиз?

Сиз қанчалик сабрлисиз? Сизнинг фикрингиздан ўзга фикрлар бор бўлиши мумкинлигидан бохабармисиз, уларга хурмат билан муносабатда бўласизми? Сабр-токатлимисиз? Бу саволлар Сизнинг сабр даражангизни аниклашга бироз ёрдам беради деган умиддамиз. Ўйлаб топган режангиздан худди шундай режани дўстларингиз таклиф этгани туфайли воз кечишга тўғри келган вазият Сиз учун нохушми? Дейлик, дўстларингиз билан учрашдингиз ва кимдир ўйин бошлашни таклиф қилди. Нимани афзал кўрган бўлар эдингиз? Сизга тегишли бўлган нохуш янгиликларни хотиржам қабул қила оласизми? Ўзингиздан бошқача касбдаги, мавкедаги, одатлари айрича одамлар билан тез тил топиша оласизми? Сиз дўстингизнинг даврасига келдингиз, у эса хамманинг диккат марказига айланди. Бунга муносабатингиз қандай? Мехмонга борганингизда даврларни кўкка кўтариб, замонавий ёшларни танқид килаётган кекса одамни учратдингиз. Бунга сизнинг муносабатингиз қандай?

Сиз таъсирга берилувчанмисиз? Сизни қайтаишонтиришосонми? Таъссуротларгаберилувчанмисиз, етарли даражада оптимистмисиз, шуларнинг барчасини аниклашга куйидаги саволлар ёрдам беради. Қандайдир пархез ва рационал хаёт тарзи хакидаги хар бир янги маълумотдан кейин қандай йўл тутасиз? Агар ортингиздан кимдир келаётгандай ва у товонингизни босиб олаётгандек туюлаётганини сезсангиз, қандай йўл тутасиз? Мухим қарор қабул қилишингиз керак, шунда қандай йўл тутасиз? Бироз тобингиз йўк, шифокорга борасизми? Агар янги иш (ўқиш) жойингизда хамма Сизни бирдан жуда яхши одам экан, деб таъкидласа, аввалги ишлаган (ўқиган) жойда эса одамлар билан мулоқотда муаммолар бўлган бўлса, Сиз нима деб ўйлайсиз? Театр ва кинога бораётганда қахрамоннинг кимлигини англайсизми? Агар кейинги вақтда ишингиз яхши томонга ўзгармаётганини таъкидлашса, нима қилган бўлар эдингиз?

Сизда хазил-мутойиба туйғуси борми?

Хойнахой, кўпчилик ўзида хазил-мутойибага мойиллик йўклигини тан олмаса керак. Шундай эмасми? Ростдан хам шундайми? Келинг, текшириб кўрамиз. Кулишни ёктирасизми? Нохуш вазиятлардан хазил-мутойиба билан чиқиб кета оласизми? Никох - дунёдаги энг кулгили нарса, деган фикрга қушиласизми? Бирон нимани ўкиётганда ёки телевизор орқали биронта кўрсатувни кўрганда ёлғиз ўзингиз кулаверасизми? Мабодо сизни алдаётганларини пайқасангиз, буни ташқаридан сездирмасликни эплай оласизми? Қариндошларингиз, дўстларингиз қувноқ ва кулгили воқеалар гапириб беришадими? Агар тенгдошларингиз даврасида бўлсангиз, энг хозиржавоб бўлиб кўринишни, хамманинг диккат марказида туришни истармидингиз? Кайфиятингиз ёмонлигида атрофингиздагиларнинг кулаётгани сизни асабийлаштирадими? Хамма жанрлар ичида комедияни афзалрок кўрсизми? Ўзингизни хазилмутойибага мойил деб хисоблайсизми?

Сиз қанчалик мустақилсиз? Шундай одамлар борки, зиммаларига масъулиятли қарор чиқаришдан ҳайиқадилар; шу қадар беқарорларки, ўз муаммоларини ўзгалар зиммасига ағдаришга уринадилар. Сиз ундайлар тоифасига кирмайсиз, деб умид қиламиз. Қуйидаги саволлар бунга яна бир бор амин бўлишингизга имкон беради. Мактабни битиргач, ўкишни давом эттириш, келажакдаги касбга доир кандай қарор қабул қиласиз? Сиз танлаған ўқув юртига кирмоқчисиз, бунга қандай йўл билан эришишни мақсад қилгансиз? Ўқиш даврида имтихон ва дарсларга қандай тайёрланар эдингиз? Ишга қандай жойлашгансиз? Ишда мураккаб вазиятларга тушсангиз, бунда қандай қарор қабул қиласиз? Ўсмир чоғингизда ўз фикрингизни нечоғли қатъият билан химоя қилгансиз? Хозир хизматда, уйда, дўстлар даврасида шахсий фикрингизни канчалик қатъият билан химоя қиласиз? Сиз шахс сифатида ишда, жамиятда, ақлий сохада қандай ривожланаяпсиз?

Сиз яхши рухшуносмисиз? Қани, текшириб кўрайлик. Аччик зираворлар кўшилган таомлар ейишни ёктирасизми? Кўпчилик даврасида ўзингизни яхши сезасизми? Баъзида суюнганингиздан шифтгача сакраб юборишни истайсизми? Мехмонларингизни кизиктира оласизми? Бошингиз тез-тез оғриб турадими? Гохида бўлса-да, тишларингизни ювишни унутасизми? Доимо бир хил соч тур-

магида юрасизми? Бошқотирмалар ечишни ёқтирасизми? Бадан тарбия билан шуғулланасизми? Сизда меланхолик кайфият тез-тез бўлиб турадими? Жимжитликда, тинч шароитда ишлашни ёқтирасизми?

Сиз қанчалик объективмисиз? Хар биримизга дўстлар, хамкасблар хамда бошликларни бахолаш тўғри келади. Одатда, инсон ўзини қандай тутиши, хулқ-атворига қараб ижобий ёки салбий бахолайди. Албатта, хар доим хам одамларни тўгри ва объектив бахолашнинг уддасидан чика олмайсиз. Биринчи таассурот алдамчи бўлади, деб бежиз айтишмайди. Тажрибасиз одам кўпинча факат хис-туйғуларига таянади, уни бахолаш учун, дейлик, рухшуносдан фаркли равишда объектив мезонлари йўқ. Фақат айрим кишилар одамларни тамомила рўй-рост бахолаш каби ажойиб қобилиятга эга. Улар ҳақида ниҳоятда синчков одам дейишади. Бирок орамизда ёлғончини жуда яхши одам деб, камгапни эса ёмон одамга чикариб, фавкулодда адашадиганлар хам анчагина. Бундай кишилар бошқаларни субъектив бахолайди. Шу каби янглишишлар туфайли турли келишмовчилик ва тушунмовчилик руй беради. Табиийки, одамларни объектив бахолашга ўрганиш осон эмас. Хатто махсус таълим олгандан кейин хам кимдир яхширок, бошкаси эса, ёмонрок рухшунос булиб етишади.

Бу саволлар психология сохасида инсонларни объектив бахолайдими ёки уларга нисбатан кўпинча ёмонлик қиладими? Шунга аниқлик киритишга ёрдам беради. Сизнинг наздингизда, ким ахлоқ қоидаларига мунтазам амал қилади ва ҳеч қачон одоб доирасидан чиқиб кетмайди? Хаётида сираям уришмаган эру хотин жуфтликни танийсиз. Нима деб хисоблайсиз? Умрингизда бичринчи марта кўриб турган одам Сиз билан хазиллашиб, дархол латифа айта бошлади. Сиз уни хазилкаш деб ўйлайсизми? Сиз ва бошқа бир киши хар иккингизни қизиқтирган мавзуда гаплашаяпсиз. Сухбатдошингиз сухбат давомида қўлларини харакатлантириб, имо-ишоралар билан гапиряпти. Унинг бу харакатини нима деб хисоблайсиз? Танишларингиздан бирини яхшироқ билиб олишга ахд қилдингиз. Нима деб ўйлайсиз, уни қайсидир бирор даврага таклиф этиш керакми? Хеч қачон биринчи бўлиб гап бошламайдиган одамларни биласиз, сизнингча қандай одам? Айрим одамларни, улар билан гаплашмасингизданок юзларига

караб баҳолайсиз. Сизнингча, пешонаси торлиги нимани билдиради? Бошқаларнинг кўзига қарамайдиган одам ҳақида нима деб ўйлайсиз? Шундай одамлар борки, салгина нохушлик рўй бергудек бўлса, буни аллақачон билганлари, лекин нохуш воқеага тушиб қолишни хоҳламаганликлари боис қеч қандай чора-тадбир кўрмаганликларини арз қиладилар. Сиз уларни қандай деб ҳисоблайсиз? Тасаввур қилинг, моддий жиҳатдан анча бадавлат одам фақат арзон буюмлар харид қилади. Уни нима деб ўйлайсиз?

Сиз кузатувчанмисиз? Кузатувчан инсон ташқи аломатларга кўра одамлар хакида кўп нарса айта олади. Мазкур саволлар шахснинг ушбу санъатни қай даражада эгаллаганини текширишга ёрдам беради. Сиз қандайдир ташкилотга кириб келдингиз, нимага эътибор қаратасиз? Биров билан учрашганингизда, Сиз дастлаб нимага қарайсиз? Кўрган манзарадан эсингизда нима қолади? Эрталаб уйғонганингизда, Сиз дархол нима килмокчи бўлганингиз ёдингизга тушади? Жамоат транспортига чиқаётганингизда, Сиз хеч кимга қарамасдан, олдинга ўтаверасизми? Кўчада кетаётганингизда, Сиз нимани кўпрок кузатасиз? Якин кишилар, дўстларингиз билан гурух бўлиб тушган эски расмни кўриб, Сиз хаяжонга тушасизми? Сиз боғда кимнидир кутяпсиз. Сиз нимани кузатасиз? Юлдузли тунда Сиз нимани кўришга уринасиз? Китоб ўкир экансиз, Сиз қайси бетга келганингизни қалам билан белгилайсизми? Қущниларингиз хақида нималар ёдингизда туради? Тузатилган дастурхон олдида пайдо бўлганингизда унинг дид билан безатилганига қойил қоласизми?

Феъл-атворингиз қандай? Дўстликни қадрлайсизми? Биронта янгиликка қизиқасизми? Янгисидан кўра эски кийимингизни афзал биласизми? Хеч қандай сабабсиз муғомбирлик билан ўзингизни мамнун бўлгандек кўрсатасизми? Болалигингизда танламокчи бўлган касбни уч мартадан ортик алмаштирганмисиз? Оғир вазифани ҳал этишда нисбатан ишончни йўқотасизми? Бирон нимани йиғиб юришга ишқибозмисиз?

Узингизни тута оласизми? Инсон ҳаддан ташқари импульсив бўлиб, ҳаёлига келган ҳамма нарсани оқибатини ўйламасдан беихтиёр бажариб юбориши мумкин. Бироқ ортиқча жиззакилик, таъсирчанлик ҳамкасблар, ҳариндошлар, дўстлари билан мулоқот ҳилганда жиддий муаммолар келтириши мумкин. Ушбу

саволларга жавоб берилса, ўз-ўзини тута олишдан бохабар бўласиз. Бирон-бир қарор қабул қилишдан олдин, одатда, уни яхшилаб ўйлаб оласизми? Бир нарсани айтгандан кейин ачиниб коладиган холатлар кўп бўладими? Бирон нима Сизни қаттиқ асабийлаштираётган бўлса, ғазабингизни яшира оласизми? Кайфиятингиз ёмон бўлса, кўпинча юзага чикарасизми? Кейинчалик афсусланадиган қилиқларни тезтез амалга ошириб турасизми? Ғазаб устида «жаҳл келгаида ақл кетар» қабилида бирон иш қилиб қүйганингизда ёки гапириб юборганингизда кўпинча таажжубланиб турасизми? Агар бирор нарсадан хадиксираб турган бўлсангиз, ўзгалар фикрини тинглаш ва идрок этишингиз мумкинми? Очиғини айтинг, аслида сабрсиз одаммисиз? Жахлингиз чиққанида, ўзингиз, феъл-атворингиз, мулокот тарзингиз жуда ўзгарадими?Башарти қандайдир буюм ёкиб қолса, у сизга шунчалар зарурми ёки шундай киммат буюмни харид эта, оласизми, дея ўйлаб ўтирмасдан сотиб олишингиз мумкинми? Нима учун у ёки бу харакатни қилдим, деган саволга ўзингиз хам жавоб берадиган холатлар бўлиб турадими? Хатарли, кескин вазиятларга ботбот тушиб оласизми? Хиссиётларга берилиб, бемулохаза бирон-бир одамга кўпинча богланиб қолишингиз мумкинми?

Одамдар билан тез чикишиб кетасизми? Шундай одамлар борки, ёлғизликка тоқат қилолмайди. Улар киришимли, хатто нотанишлар даврасига кириб қолганда ҳам ўзларини бемалол тутишади, ёкимтой, сермулозамат, жамоада ўзларини тута биладиган кишилар. Бошқалари, аксинча, кўпчилик даврасидан, рухини кутқарувчи суҳбатлардан нарироқ юрадилар, танишганда салобат босиб, гангиб қолишлари, «қобиқларига ўралиб» олишлари мумкин. Сиз қанчалар киришимлисиз? Буни аниқлаш учун ушбу саволларни таклиф этамиз. Қандайдир кечада, жамоада, тадбирда эканингизни қандай тасаввур этасиз? Агар Сизни қандайдир одамлар кўп даврага боришни таклиф этишса нима қилган бўлар эдингиз? Сизни зерикарли кундалик турмушдан чалғитадиган, кўнглингизни кўпрок ёзадиган нима? Янги одамлар билан танишар экансиз, бу Сизга нима беради? Ишда, маъруза вактида мулокот вактида Сизда муаммолар пайдо бўладими? Сухбат давомида бўлмагур гаплар гапириб, ўз фикрини уктиришга уринаётганларни тўхтатасизми?

Сиз журъатсизмисиз?Журъатсизлик, тор-

тинчоқлик. Шулар туфайли ҳаяжонланиш, ўзини намоён килишга нокобиллик, нотўғри гап айтиб қуйишдан қурқиш, ноқулай вазиятга тушиб қолиш, кулгили бўлиб кўриниш пайдо бўлади. Уятчан одам ўзини журъатсиз деб кўрсатишдан қўрқади. Ўзини дадилроқ, қуполрок, баъзан хатто сурбетрок, беадаброк кўрсатишга уринади. Сиз-чи, журъатсиз одаммисиз? Куйидаги саволларга жавоб беринг: Нотаниш кишилар билан осон гаплашиб кетасизми? Ўзгалар одатда Сизни хизматларингизга яраша бахолайдилар, деб хисоблайсизми? Сиз кўзламаган вокеа содир бўлди. Қизариб кетишингиз мумкинми? Йиғилишда, маърузада, даврада одамлар гурух қаршисида сўзга чиқиш зарурлиги Сизни чучитмайдими? Телефонда бемалол мулоқот қиласизми? Кўнглингизга ёқмаган жойга бора оласизми? Ўзингизга нисбатан ишончингиз борми? Бошка жинсдаги шахслар билан осон танишиб, муомалада бўласизми? Нима деб ўйлайсиз, атрофдагилар Сизни ёкимтой, очик, ўзига тортадиган деб хисоблайдиларми? Сизни кучли хаяжон қамраб олган вазиятлар бўлиб турадими? Мухим учрашув арафасида хотиржамликни сақлайсизми? Ўзгалар кўз ўнгида қандай кўринишингиз Сизни жуда хавотирга соладими? Байрамларда, катта давраларда кўпинча ўзингизни. маъюс, ортикча деб сезасизми? Кулгили ахволга тушиб колишдан қўрқасизми? Хозиржавоблик билан эркин сухбатлаша оласизми? Қандайдир мухимроқ нарсани сўзлаб бераётганда дудукланиб, асабийлаша бошлайсизми? Ўз қайғуларингизни бошқаларга осонликча айтиб берасизми? Ташқи кўринишингиз ўзингизга маъкулми, уни қандай бўлса, шундайлигича қабул қиласизми? Бирор ножуя суз оғзингиздан чиқиб кетишидан қўрқиб, гапга аралашмай турадиган вақтларингиз бўлиб турадими? Ўзингизни тортинчок деб хисоблайсизми?

Ўз мулохазангизга эгамисиз? Ўйлаётганингизни айтишга, ўзгалар фикрига қарамасдан, қандай зарур деб хисоблаган бўлсангиз, шундай иш тутиш учун дадиллигингизни айблашларидан қурқасизми? Нечоғли муомалага уста бўлиб, ўз мулохазаларингизни чамалай оласиз. Узгалар фикри Сиз учун канчалик диққатингизга мухим? Сизнинг қуйидаги саволларни хавола этамиз. Кўпчилик давра-Сизникидан фарқланадиган эшитганингизда қандай ахволга тушиб қоласиз? Мажлисда (маърузада, дарсда) ўтириб,

минбардаги сўзга чиққан кишининг гапларига кўшиласизми? Сиз рахбарият билан ёки бевосита бўйсунишингиз лозим бўлган (яхши муносабатда бўлишингиз керак бўлган) одамлар билан гаплашаётганда, ўзгача, баъзан қарамақарши фикр ҳам билдирасизми? Дўстингиз ёки мехрибон ошна сифатида кўришни хоҳлайдиган одам билан гаплашаётган чоғда у ўзгача фикр изҳор этаётган бўлса ён беришга уринасизми?

Сиз иззатталабмисиз? Хаётда муваффакиятга эришишни ким орзу килмайди? Хойнахой, хар бир одам. Лекин хамма хам унга етиша олмайди. Нима учун? Муваффақият сари йўл балки энг қийиндир: етиб боргунча жуда кўп нарсани қурбон қилишга тўғри келиши мумкиндир. Муваффакият (нимада бўлишидан қатын назар) - маккор нарса: етакчилик учун хар доим баланд бахо тулашга, шухрат мехробига барча бўш вақтингизни, хаётдаги майда қувончларни қўйиб, вақти келганида эса, бошқа одамлар билан тўғри муносабатларни издан чиқариш, баъзида ҳатто дўстликни ҳам қурбон қилишга тўғри келади. Бугун фақат катта келажак хақида орзу қилаётган ва ўзини унга хозирлаётганлар ўзларига: мен шухрат қозонишим учун ниманинг бахридан ўтишим керак, деб савол берсалар, ёмон бўлмасди. Сиз қанчалар иззатталабсиз? Уқиш (ишингиз)да Сиз учун энг асосийси нима? Мақсадга эришишда хамма воситалар яхши деб хисоблайсизми? Мақсад сари интилувчанлик ва қуйилган мақсадга садоқат, инсоннинг энг мухим сифати эканлигига қўшиласизми? Эзгу ниятингизга учун оилангиздан, дўстларингиздан, етиш яхши кўрган ишингиздан воз кечиш каби қурбонликларга борармидингиз? Кичик бўлса муваффакиятларингизни атрофдагилар билан билан бўлишасизми? Ростини айтинг, ўзингизни шухратпараст деб хисоблайсизми? хокимиятга, бойликка, эришишни хохлайсизми? Сиз вазиятни буткул назорат этишни ўз зиммангизга оласизми?

Ўзингизга нисбатан ишончингиз комилми? Ўзига ишонганлик ўзини бахолаш билан тўғридан-тўғри боғликдир. Ўзингизни мана шу параметрлар бўйича бахолаб кўринг. Кимдир Сизнинг нуқтаи-назарингиздан фаркланадиган фикрни баён қилган чоғда ўз нуқтаи-назарингизни зўр бериб ёқлайсизми? Қандайдир қарор қабул қилишингиз талаб этилса хатоқилишим мумкин деган фикрни хаёлга келтирасизми? Кимдир Сизни ёки харакатларингизни танқид

килгудек бўлса жуда қайғурасизми? Нимадир ёмон чиққанида бунга бошқалар айбдор деб ҳисоблайсизми? Масъулиятли ишни бажариш талаб этилган чоғда уни ҳар кимдан кўра яхшироқ бажаришингизни биласизми? Танлаш керак бўлган вақтда Сиз учун ўзгалар қарор қабул қилишини афзал биласизми? Бирон-бир кеча, мажлис ёки йиғинда ўзингизга эътибор қаратмасликка тиришасизми?

Спорт ва саломатлик. Мазкур саволлар Сизнинг вужудингиз ахволини ўрганиб, унинг кучли ва заиф жихатларини очиш ва шу билан жисмоний қобилиятларингиз ҳақида хулоса чиқариб, Сизга энг мақбул келадиган спорт турини танлаш учун ёрдам беради. Чекасизми? Юрганингизда хансирайсизми? Иккинчи қаватга пиёда чикканингизда кандай нафас оласиз? Жисмоний тарбия билан шуғулланганингизда тўхтаб, нафас ростлашингизга нима мажбур қилади? Сув остида қанча муддат нафасингизни тутиб тура оласиз? Жадал жисмоний машқлардан, юкламалардан кейин нафасингизни ростлай оласизми? Пиёда юрасизми? Спортнинг кандайдир бирон тури: велосипедда учиш, сузиш ёки югуриш билан шуғулланасизми? Спорт тури билан қанча муддат шуғулланасиз? Тез юрганда, югурганда ёки велосипед минганла гаплаша оласизми?

Сизнинг ишбилармонликка кобилиятингиз борёки йўклигини аниклаш. Бошлаган ишингизни ҳар қандай тўсиқларга қарамай охирига етказа оласизми? Қабул қилган фикрингизда қатъий турасизми ёки Сизни фикрингиздан қайтариш осонми? Масъулиятни, рахбарликни зиммангизга олишни хуш кўрасизми? Хамкасбларингизнинг хурмати ва ишончига сазовормисиз? Хеч қандай рағбатлар-у муфокотларсиз хам эртадан кечгача ишлайверасизми? Одамлар билан мулоқот қилишни яхши кўрасизми? Қилаётган ишингизнинг тўгрилигига бошқаларни ишонтира оласизми? Бировларнинг фикри ва ғояларини тез илғаб оласизми? Бошлаётган ишингизни яхши биласизми? Тажрибангиз борми? Амалдаги солиқ тизими, хисоб-китоб ишлари билан яхши танишмисиз?Шахрингизда, вилоятингизда, мамлакатингизда Сиз таклиф этаётган махсулотга ёки хизматга талаб борми?Маркетинг ва молия сохасида бошланғич маълумотларингиз борми? Мамлакатда Сизга хамкасб тадбиркорларнинг иши ривожланяптими?Ижарага олиш учун бирор бинони куз остингизга олиб қуйганмисиз? Иш бошлаганингиздан кейин бир йил давомида ўзингизни моддий таъминлаб туриш имкониятингиз борми? Қариндошларингиз, дўстларингизни корхонангизга моддий ёрдам беришга кўндира оласизми?

Рахбар муомала ва мулокот услубига доир саволлар. Рахбар кадрлар савияси, рахбарлик услубини такомиллаштиришда иш ўйинлари, педагогик вазиятларни тахлил қилиш, педагогик амалий масалалар ечиш, низоли вазиятларни тахлил қилиш, мунозара, моделлаштириш каби бевосита фаолият билан боғлиқ машғулотлар олиб борилади. Рахбарлик ва бошқариш услубини такомиллаштиришга оид саволлар хозирги вақтда кенг қўлланилмоқда. Уларнинг афзаллиги шундаки, билимларни ошириш жараёнида хам кенг фойдаланиш мумкин. Уларни мустақил равишда ечиш жараёнида чукур тахлил килиб, натижалари билан ўз билим, малака, кўникмалар, рахбарлик махорати ва услубини солиштириб, ўзидаги ютуқ ва камчиликларни аниклаб, инсоний хислатларни ва рахбарлик услубига ўзгартириш киритиш тарзида фойдаланиш мумкин. Иш жараёнида юз берган низоли вазиятнинг олдини олишга йўл ахтарасизми? Мураккаб (критик) вазиятда ўзингизни қандай тўтасиз? Хамкасбларингиз Сизни қандай ҳисоблайди? Сизга масъулиятли мансабни таклиф килишганда кандай қабул киласиз? Хамкасбларингиздан бири Сизнияг иш столингиздан рухсатсиз қоғозни олса, ўзингизни қандай тўтасиз? Хаётга қарашларингизни кандай хисоблайсиз? Агар нимагадир эриша олмасангиз нима қарорга келасиз? Ёшларнинг лоқайдликлари ҳақидаги фикрга қандай муносабатда бўласиз? Сиз эгаллашингиз лозим бўлган лавозимни бошқа киши эгалласа, нимани хис қиласиз? Ўзингизнинг спортдаги муваффақиятларингизга қандай муносабатда бўласиз? Мактабда болангизни хафа қилсалар қандай муносабатда бўласиз? Ёшларнинг тартибсизликлари хакидаги газетада эълон килинган маколага қандай қарайсиз?

«Етти ўлчаб, бир кес" мақолига амал қиласизми?. Ҳаётда ҳар куни қандайдир қарорлар чиқаришимизга тўғри келади. Кимдир ўйлаб ўтирмай бир қарорга келса, яна кимдир «Етти ўлчаб, бир кес" мақолига қатъий амал қилишга одатланган. Сиз-чи?Иш жойингизда янги қоидалар ўйлаб топишди дейлик. Бу сизнинг ҳарактерингизга буткул зид. Сиз бу қоидаларга тез кўника оласизми? Бошлиқларга ёқмаслигини билсангиз ҳам иш жойингизда

танқидий фикрларни очиқ айта оласизми? Агар бошқа корхона, ташкилотда кўпрок маошли лавозимни таклиф этишса, ўйлаб ўтирмай ўтиб кетган бўлармидингиз? Хатоингизни яшириш учун бахоналар қидиришга одатланганмисиз? Қайсидир таклифни очиқчасига юмшоқ гап билан, вазиятни тушунтирган холда рад этасизми? Қизғин бахс бахонасига ўзингизнинг қайсидир масаладаги қарашларингизни ўзгартира оласизми? Кимнингдир ижодий ишини ўқиб чикдингиз. Фикрингизча, буни бошкачарок, яхширок ёзиш мумкин эди. Муаллифга тушунтирган холда матнга ўзгартиришлар киритасизми? Кимнингдир маслахатларига амал қилиб ҳар қандай қарорингизни ўзгартира оласизми? Мехнат таътилингизни олдинда нималар бўлиши хакида ўйлаб ўтирмай, олдиндан режалаштирасизми? Хамиша ваъдангизга вафо қиласизми? Бошлаган ишингизни хар қандай тўсиқларга қарамай охирига етказа оласизми? Қабул қилган фикрингизда қатъий турасизми ёки Сизни фикрингиздан қайтариш осонми? Масъулиятни, рахбарликни зиммангизга олишни хуш кўрасизми? Хамкасбларингизнинг хурмати ва ишончига сазовормисиз? Одамлар билан мулоқот қилишни яхши кўрасизми? Қилаётган ишингизнинг тўгрилигига бошкаларни ишонтира оласизми? Бировларнинг фикри ва ғояларини тез илғаб оласизми? Бошлаётган ишингизни яхши биласизми? Тажрибангиз борми?

Шахс ички имкониятини аниклаш саволлари. Хаётда ўз ўрнингизни топиш йўлидаги кўрашда имкониятингизни чамалаб кўрмокчимисиз? Унда қуйидаги саволларига жавоб беришга уриниб кўринг. Сиз гох-гохида зерикиб қоласизми? Узингизга ёкасизми? Шўхликни тушунасизми? Ўз ишингизни яхши кўрасизми? Сержахл инсонмисиз? Ўзингизни бошқалар билан тез-тез таққослаб турасизми? Ўз сирларингиздан огох дустларингиз борми? Хордик олиш учун хамиша вакт топа оласизми? Керакли билим ва тажрибага эга бўлмасангизда, қизиқарли ишга эга бўлиш учун ҳаракат қиласизми? Ишга жойлаша туриб, зарур бўлса-да таржимаи холингизнинг айрим далилларини ящира оласизми? Таваккал қилиб, барча жамғармаларингизни янги лойихага сарфлаш қўлингиздан келадими? Рахбарингиз латифа айтганда кулиб турасизми? Севимли кишипгизни деб бирор ишнинг бахридан ўтишга тайёрмисиз?

Қандай дўстлар давраси Сиз учун мухимрок? Кандай китоблар сизга ёкади? Ишда нимага кўпрок йўл кўйишингиз мумкин? Агар ёмон иш қилиб қўйсангиз жуда қайғурасизми? Одамлар билан қандай чиқишасиз? Ўзингизни аразкаш деб хисоблайсизми? Чин дилдан кулишга мойилмисиз? Сиз кандайсиз? Сиз очикмисиз ёки хисларингизни бировлардан яширасизми? Ўз хис-кечинмаларингизни тахлил қилишни ёктирасизми? Кўпчилик даврасида бўлганда, гапирасиз?Тез-тез ўзингиздан қандай порози бўлиб турасизми? Бирор нарсаларни ташкил қилишни ёқтирасизми? Сирларингиз ёзилган кундалик тўтишни хохлармидингиз? Бирор нарсанинг қароридан уни бажаришга тез ўтасизми? Кайфиятингизни тез ўзгартира оласизми? Ўзгаларни ишонтириб, уларга ўз фикрингизни ўтказишни яхши кўрасизми? Сизнинг харакатларингиз тезми ёки секин? Сиз бўлиши мумкин бўлган нохуш ходисалардан ташвишланасиз? Қийин ҳолатларда Сиз ёрдам сўрайсизми?

Шундай қилиб, юқоридаги саволлар шахс фаолиятини аниқлаш ва баҳолашга, фаолиятини келажакда тўғри режалаштириб олишга, ўз билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш йўлларини таҳлил этишга, уларда индивидуаллик, мустақиллик, эркинлик, ҳамкорлик, ижодкорлик, тадбиркорлик, ташаббускорликка оид компетентликнинг шаклланишига ёрдам беради, унинг натижалари шахс фаолиятини келажакда янада такомиллаштиришга, ҳаётда ўз ўрнини топишга ва Ватанимиз равнақига қўшадиган ҳиссаларни оширишга олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1. М.Маҳкамова. Ўқув машғулотларида фойдаланиладиган тарбиялаш технологияси. ТФИ. № 3. 44-46 б.
- 2. Н.Юсупова. Ўзингизни биласизмиоммабоп тестлар. -Т.: "Davr press" HMV2013.-220 б.
- 3. М.Холмухамедов. Таълим муассасаларидаочиқ ўқув машгулотларини ташкил этиш, ўтказиш ва тахлил этиш. Услубий қўлланма. Самарқанд. - 2010. -15 б.
- 4. С.Абдалова ва б.қ. Интерфаол усуллардан фойдаланиб ўтиладиган машгулотларда таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашини ривожлан-тириш. Ўқув қўлланма. Фан ва технология нашриёти. 2009 й. -120 б.

Характер типини аниклаш методикаси.

IXTISOSLASHGAN YOʻNALISHDAGI YOZGI OROMGOHLARDA OʻTKAZILADIGAN MA'NAVIY-MA'RIFIY TADBIRLAR ORQALI OʻQUVCHILARDA TOLERANTLIK TUSHUNCHASINI SHAKLLANTIRISH (Boshlangʻich sinf oʻquvchilari misolida)

ФОРМИРОВАНИЕ ПОНЯТИЯ ТОЛЕРАНТНОСТИ У УЧАЩИХСЯ, ПУТЕМ ПРОВЕДЕНИЯ ДУХОВНО-НРАВСТВЕННЫХ МЕРОПРИЯТИЙ В СПЕЦАЛИЗИРОВАННО НАПРАВЛЕННЫХ ЛЕТНИХ ОЗДОРОВИТЕЛЬНЫХ ЛАГЕРЯХ.

(на примере учеников начальных классов)

THE FORMATION OF THE CONCEPT OF TOLERANTCE AMONG STUDENTS THOUGHTHE OF SPIRITUAL AND MORAL ACTIVITES AIMED AT SPECIALIZED SUMMER CAMPS

(for example primary school pupils)

K.A. Muxiddinova – magistrant,X.N. Qodirova – magistrantToshkent davlat pedagogika universiteti

Annotatsiya

Maqolada ixtisoslashgan yoʻnalishdagi oromgoh oʻquvchilarida tolerantlik tushunchalarini shakllantirish jarayonida oʻtkaziladigan ma'naviy-ma'rifiy tadbirlarni tashkil etish va amalga oshirish yuzasidan boshlangʻich sinf misolida fikr-mulohazalar, metodik tavsiyalar bayon etilgan.

Kalit soʻzlar: oromgoh, tolerantlik, ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar, boshlangʻich sinf, tinchlik, doʻst-lik, oʻzaro hurmat, birdamlik.

Аннотация

B статье изложены методические, рекомендации по формированию понятия толерант ности на примере проведения идейно воспитательных мероприятий с учащимся начальрых классов в условиях летных оздоровительных лагерей,

Ключевые слова: лагерь, толерантность, культурные и образовательные мероприятия, начальная школа, мир, дружбы, взаимное уважение, солидарность.

Annotation

The article deals with the methodological recommendations on the organization and fulfillment of spiritual-educational activities held in the process of forming the concept of tolerance of students (primary class learners) in the specialized summer camps.

Key words: camp, tolerance, cultural and educational activities, primary school, peace, friendship, mutual respect, solidarity.

Insoniyat paydo boʻlibdiki, mudom yangilikka intilib yashaydi va uni hayotida tadbiq qilishga harakat qiladi.

Ta'lim jarayoni ham oʻzining samaradorligini oshirish uchun muvaffaqiyat keltiradigan har qanday yangilikni oʻzida sinab koʻradi. Ayniqsa, istiqlol-yillarida ta'lim sohasida koʻplab islohotlar amalga oshirildi.

Shu oʻrinda 1997-yil 29-avgustda qabul qilingan "Ta'lim toʻgʻrisida"gi Qonun va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" Oʻzbekiston Respublikasining amaldagi ta'lim tizimini tubdan isloh qilish, oʻzida boy ma'naviy merosimizni, millatimizning oʻziga xos urf-odat va an'analarini ifodalash bilan birgalikda jahondagi rivojlangan mamlakatlarning ta'lim tizimidan namunalar olganligi bilan ahamiyatlidir.

Ta'lim-tarbiya jamiyat uchun eng avvalo hayotiy zaruriyatdir. Ayniqsa yosh avlodga tarbiya berish jarayonida maktab juda katta ahamiyat kasb etadi. O'quvchilarga tarbiya berish, ularga ta'lim berish bilan birgalikda amalga oshiriladi. Ammo, tarbiyaning o'z vazifasi, mazmuni, amalga oshirish usul va vositalari mavjud. O'qish va tarbiya jarayonining uzviyligi ta'lim muassasalari oldiga qo'yilgan eng muhim pedagogik vazifalardan biri hisoblanadi.

Ta'lim va tarbiya ishlarini nafaqat ta'lim muassasalaridagi dars jarayonlarida balki, sinfdan va maktabdan tashqari ishlarni tashkil etishda ham amalga oshirish mumkin. Sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlar o'quvchilarning qiziqishi, istaklari, xohish va ehtiyojlariga suyangan holda ularning darsdan bo'sh vaqtlarida o'quv-tarbiya jarayonini toʻldiradi. U oʻquvchilarning ijodiy qobiliyatlarini, tashabbuskorligini oshirishga imkoniyat yaratadi. Sinfdan va maktabdan tashqari ishlarning samaradorligini oshirish avvalo komil insonni shakllantirishning eng zamonaviy va qulay yoʻnalishlarini topib joriy etishga bogʻliq. Shuning uchun sinfdan, maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlar bevosita o'quv jarayoni bilan uzluksiz ravishda amalgam oshirib boriladi.

Shu oʻrinda maktabdan tashqari ta'lim haqida fikr yuritadigan boʻlsak, maktabdan tashqari ta'lim bolalar va oʻsmirlarning ta'limga boʻlgan, yakka tartibdagi, ortib boruvchi talab-ehtiyojlarini qondirish, ularning boʻsh vaqtini va dam olishini tashkil etish uchun davlat organlari, jamoat tashkilotlari, shuningdek boshqa yuridik va jismoniy shaxslar madaniy estetik, ilmiy, texnikaviy, sport va boshqa yoʻnalishlarda maktabdan tashqari davlat va nodavlat ta'lim muassasalarini tashkil etadilar.[2; 18-b.]

Maktabdan tashqari ta'lim va tarbiyaviy ishlarni olib boruvchi bolalar va yoshlar saroylari, yosh texniklar saroylari, yosh tabiatshunoslar uylari turli sport va musiqa maktab tarbiyasining uzviy davomchisi sifatida faoliyat koʻrsatmoqda. Oʻzbekiston Respublikasining "Sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlar Konsepsiyasi" (1999) bu ishlarni amalga oshirishda asos boʻladi.

Maktabdan tashqari ta'lim muassasalari quyidagilarni tashkil etadi:

Maktabdan tashqari ta'lim muassasalari – faoliyat koʻrsatish tartibi qonun hujjatlarida belgilab qoʻyilgan, bolalar, oʻsmirlar, ijodiyot saroylari, uylari, klublari va markazlari, bolalaroʻsmirlar sport maktablari, san'at maktablari, musiqa maktablari, studiyalar, kutubxonalar sogʻlomlashtirish muassasalari.[5; 179-b]

Shular orasidan oʻquvchi yoshlar uchun tashkil etiladigan yozgi ta'til oromgohlari haqida soʻz vuritamiz.

Bugungi kunda olib borilayotgan ma'naviy – ma'rifiy ishlar – keng ommani ma'naviy va ma'rifiy jihatdan tarbiyalash, ularning umumiy ma'naviy saviyasini yuksaltirish, ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish, boʻsh vaqtlarini samarali oʻtkazishga koʻmak beruvchi tadbirlar tizimini ifodalovchi tushunchaga aylangan boʻlib u yosh avlodni ma'nan yuksak shaxs qilib tarbiyalashga yoʻnaltirilganligi bilan xarakterlanadi. Ma'naviy tarbiyani shakllantirishda obyektga nisbatan kompleks yondashuv samarali natija beradi albatta.

Shu oʻrinda sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlar konsepsiyasiga nazar soladigan boʻlsak, 1993-yili Xalq ta'limi vazirligi tomonidan "Sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlar" konsepsiyasi tasdiqlangan edi. 1997-yili "Ta'lim toʻgʻrisida"gi qonun va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"ning qabul qilnishi, Respublikamizda ma'naviyatga alohida e'tibori va ta'lim sohasini tubdan isloh qilish zarurati asosida mazkur konsepsiya qayta ishlab chiqildi va Xalq ta'limi vazirligining 1999-yil 30 iyul 8/5-sonli hay'at qarori bilan tasdiqlandi.

Shu maqsadda bolalar yozgi sogʻlomlashtirish oromgohlaridagi ta'lim-tarbiya ishlarini zamon talablari darajasida tashkil etishda "Ta'lim toʻgʻrisida"gi Qonun, "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi", Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Bolalarning dam olishini tashkil etish va sogʻlomlashtirish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida»gi qarori va u bilan tasdiqlangan "Respublika oromgohlarida bolalarning dam olishini tashkil etish va sogʻlom-

lashtirish Konsepsiyasi" qolaversa, "Bolalar oʻz-oʻzini boshqarish tashkilotlari toʻgʻrisida"gi me'yoriy hujjatlardan samarali foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Respublika oromgohlarida "Bolalarning dam olishini tashkil etish va sogʻlomlashtirish" konsepsiyasi Vazirlar mahkamasining 2012-yil 10 martdagi 67-son qarori bilan tasdiqlangan. Unga koʻra, bolalarning dam olishini tashkil etish va sogʻlomlashtirishning asosiy maqsadi - bolalarning oʻqishdan tashqari vaqtini sermazmun oʻtkazish, ularning ham jismoniy, ham ruhiy jihatdan hordiq chiqarishlarini ta'minlash, ular ongiga milliy g'oyani, vatanparvarlik tuyg'ularini hamda milliy va umuminsoniy qadriyatlarni singdirish, milliy o'zlikni anglash orqali har tomonlama barkamol avlodni voyaga yetkazishdan iboratdir. Buning uchun yozgi oromgohlarda tizimli ishlar amalga oshiriladi. Yozgi oromgohlarda quyidagi xizmat turlari koʻrsatiladi

- 1. Jamoat tartibini saqlash va xavfsizlikni ta'minlash, aloqa va transport xizmatlari.
- 2. Oromgohlarni tibbiy yordam bilan ta'-minlash, Davlat sanitariya nazoratini o'rnatish, oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash hamda sifatini nazorat qilib borish xizmatlari.
 - 3. Ta'lim-tarbiyaviy xizmatlar.
- 4. Jismoniy tarbiya va sport sohasidagi xizmatlar.
 - 5. Sayyohlik va ekskursiya xizmatlari.
- 6. Ma'naviy-ma'rifiy va madaniy xizmatlar. (Ular quyidagilarni tashkil etadi):
- oromgoh hududi, binolari, ma'naviyat va ma'rifat xonalari noan'anaviy va qiziqarli ravishda, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga asoslangan holda oʻziga xos jihozlanadi va bezatiladi;
- bolalarda mafkuraviy immunitetni shakllantirish, ularni vatanparvarlik va milliy gʻoya ruhiyatiga asoslangan holda tarbiyalashga qaratilgan davra suhbatlari, uchrashuvlar oʻtkaziladi;
- bolalarning yoshiga qarab, ular stol usti oʻyinlari hamda oʻyinchoqlar bilan ta'minlanadi;
- madaniyat va san'at toʻgʻrisida suhbatlar, oʻqilgan kitoblar, namoyish etilgan kinofilmlarning muhokamasi oʻtkaziladi, badiiy va ilmiy-ommabop

kinofilmlar, multfilmlar, videofilmlar namoyish etiladi:

- yosh tomoshabinlar teatri va boshqa ijodiy jamoalarning bolalar uchun spektakllari, konsert dasturlari namoyish etiladi, bolalarning muzeylar, koʻrgazmalarga tashriflari uyushtiriladi;
- bolalarning yoshi, qiziqish va qobiliyatlarini e'tiborga olib, milliy musiqa madaniyati, tasviriy san'at, xalq hunarmandchiligi, jahon madaniyati va san'ati durdonalari boʻyicha mashgʻulotlar oʻtkaziladi;
- turli millatga mansub bolalar uchun yangi doʻstlar orttirish, til oʻrganish va doʻstlik klublari tashkil etiladi;
- jismoniy yoki ruhiy rivojlanishida nuqsoni boʻlgan bolalarda jismoniy va aqliy mehnatga birday hurmat uygʻotish, ularda mehnatsevarlik va yaratuvchanlik hislatlarini shakllantirishga qaratilgan mahorat darslari tashkil etiladi;
- iste'dodli bolalar bilan ishlashda ularning o'z iqtidorlarini namoyon etishlariga sharoit yaratib beriladi va ular na'munasida boshqa tengdoshlarining imkoniyatlari ham kashf etiladi;
- har bir tadbir oʻtkazilishiga yuqori talab va mas'uliyat bilan yondashgan holda oromgohdagi barcha narsalar bolalar yoshiga mos, ularning qiziqishlari, dunyoqarashlari va ehtiyojlaridan kelib chiqib tayyorlanadi;
- oromgoh tartib-qoidalariga amal qilish, odobaxloq me'yorlarini bajarish va yuksak intizomli bo'lish yuzasidan har bir tarbiyalanuvchiga tushuntirish ishlari olib boriladi;
- oromgoh hududi bolalar dunyosiga mos ravishda turli banner va shiorlar bilan bezatiladi.[3-12]

Yuqorida keltirilgan mezonlarga tayanib bolalarni sogʻlomlashtirish toʻgʻrisidagi nizom asosida har bir guruh uchun ixtisoslashtirilgan yoʻnalishdagi oromgohlarning "Madaniy-ma'rifiy tadbirlar" dasturi boʻlib, bu dastur 10 kunlik tadbirlar jamlanmasini oʻz ichiga oladi. Ular quyidagilar:

1-kun – Salom, oromgoh!

2-kun – Obod yurt madhi

3-kun – Barkamol avlod vakillarimiz

4-kun – Ma'naviy barkamollik – davr talabi

5-kun – San'at shaydolarimiz

6-kun – Huquqimiz va burchlarimizni oʻrganamiz

7-kun – Sport doimiy hamrohimiz

8-kun – Men oʻqigan kitoblar

9-kun - Kuchimiz doʻstlikda (Oromgohda dam olayotgan bolalarning tugʻilgan kunlarini nishonlashni tashkil etish, bunda "Do'stlik hazillari" mavzusida she'riy tabriklar va "Tugʻilgan kuning bilan!" nomli kichik teatrlashgan sahna koʻrinishlari, turli millatlar kuy va qoʻshiqlarini oʻz ichiga olgan musiqa kechasi tashkil etish.)

10-kun – Oromgoh bergan saboqlar.

Barcha turdagi ixtisoslashgan oromgohlarning (7-14 yoshli bolalarni o'z ichiga oladi.) faoliyati yoʻnalishlari boʻyicha tashkil etiladigan tadbirlar bilan Respublika oromgohlarida bolalarning dam olishini tashkil etish va sogʻlomlashtirish konsepsiyasida belgilangan tarbiyaviy ishlar uygʻunlikda tashkil etiladi.[4-47,48]

Shular jumlasidan biz 9-kun uchun bag'ishlangan "Kuchimiz - do'stlikda" shiori negizida koʻpmillatli yurtimiz bolalari uchun aynan ixtisoslashtirilgan yozgi oromgohlarda tolerantlik (lotincha - chidam, sabr-toqat, bagʻrikenglik oʻzgalarning turmush tarzi, xulq-atvori, odatlari, his-tuygʻulari, fikr- mulohazalari, gʻoyalari va e'tiqodlariga nisbatan toqatli, chidamli bo'lish) [6,485]tushunchalarini oʻzida mujassam etgan "Tolerantlik kamalagi" mavzusidagi davra suxbati namunasini taqdim etamiz (sababi, oromgohlarda bir vaqtning oʻzida yurtimizning turli hududlaridan kelgan turli millat bolalari birgalikda vaqtlarini mazmunli o'tkazadilar).

"Tolerantlik kamalagi" davra suxbati

(Davra suxbati oromgohning yozgi tomoshalar maydonida tashkil etiladi, sahnada moviy osmon, qushlar bulutlar va ular ortidan moʻralayotgan quyosh, gullar, daraxtlar va bir biri qoʻllarini tutgan bolalar tasviri tushirilgan katta sur'at joy olgan)

Davra suxbatini guruh tarbiyachisi (keying oʻrinlarda tarbiyachi deb yuritiladi) ochib beradi.

- Assalomu aleykum oromgohimizni aziz mehmonlari, bugun sizlar bilan "Tolerantlik kamalagi" mavzusida davra suxbati quramiz va har biringiz bu mavzuda oʻzingizning erkin, mustaqil fikringizni ifoda etasiz. Men sizlarga tolerantlik nima ekanligini tushuntirib beraman.

Tolerantlik lotincha- chidam, sabr-toqat, bag'rikenglik - oʻzgalarning turmush tarzi, xulq-atvori, odatlari, his-tuygʻulari, fikr- mulohazalari, gʻoyalari va e'tiqodlariga nisbatan toqatli, chidamli bo'lish. Bu bir-biriga o'xshamagan odamlarning birga ahillikda yashashidir. Biror- bir insonda yoki biror-bir begona madaniyatda bizga nimadir yoqmasligi mumkin, biroq oʻzgalarning huquq va manfaatlariga ziyon yetkazmasa, joriy qonunlarni buzmasa ularning mavjudligi va rivojlanishini tan olishimiz kerak. Ya'ni tolerantlik bu - o'zgalarning fikri, qarashlari va hatti- harakatiga passiv, tabiiy ravishda boʻysinishni anglatmaydi. Balki, alohida odamlar, xalqlar,turli ijtimoiy guruhlar oʻrtasida bir-birini tushunish, ijobiy hamkorlik yoʻlidagi faol axloqiy nuqtai nazar va psixologik hamkorlikni anglatadi.

Tushunarli bo'ldimi bolalar?, - deya so'radi tarbiyachi.

- Ha, tushundik, deb javob berdi bolalar.
- Men sizlar uchun mavzuga oid tayyorlagan savollarni taqdim etaman va har biringiz shu savollarga oʻzingizning fikringizni bildirasiz, - deya tarbiyachi savollarni e'lon qiladi.Bolalar birin-ketin savollarga javob bera boshlaydilar.
 - Ona-Vatan deganda nimani tushunasiz?
- Biz uchun hayotimizda ona yagona boʻlganidek, vatan ham bitta, shuning uchun vatanni onaga qiyoslaymiz, - deya javob berdi Nargiza.
- Vatan bu-tugʻilib oʻsgan joyimiz, kindik qonimiz tokilgan makon, shu yerda ulgʻayapmiz va vatanimizni yaxshi koʻramiz, har bir qarich yerini himoya qilamiz, - deya javob berdi Doston.
- Barakalla, bolalar, gaplaringiz toʻgʻri. Biz qaysi millat yoki elat vakili bo'lmaylik shu aziz tuproqda dunyoga kelib, voyaga yetayotganimiz uchun barchamiz jonajon Vatanimiz istiqboli uchun birgaslikda qoʻlni-qoʻlga berib harakat qilamiz, - dedi tarbiyachi va yana savol berdi.
- Tolerantlik tushunchasiga avval ham duch kelganmisiz?
- Men tolerantlik haqida televizorda eshitganman, tolerantlik – tinchlik va insonlar bir-birini hurmat qilishi deb tushunganman, - dedi Bobur.

- Men bu haqida internetda oʻqiganman. Tolerantlik- millatlararo doʻstlik degani, deya javob berdi Mariya.
- Sizning mahallangizda boshqa millat bolalari ham yashaydimi? Siz oʻqiyotgan maktabda boshqa millat bolalari bormi, ular bilan qanday munosabatdasiz, ularning urf-odat va dunyoqarashlari sizga ma'qulmi?
- Bizni rus qoʻshnimiz bor, ularni mendan ikki yosh kichkina oʻgʻli bor, ismi Sasha, biz doim maktabga va sport mashgʻulotlariga birga borib kelamiz, uning bilimga chanqoqligi va toʻgʻrisoʻzligi menga yoqadi,- dedi Sobir.
- Bizni koʻchamizda qozoq qoʻshnimiz bor, ularni men bilan tengdosh qizlari bor, ismi Aysuluv biz bir sinfda oʻqiymiz va yaqin dugonalarmiz, bayramlarda bir-birimizga sovgʻalar ulashamiz, -dedi Farangiz(tojik qiz).
- 1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўгрисида"ги 2004 йил 20 июлидаги 341-сонли Карори.
- 2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. -T.,1997. -382 б.
- 3. Ражаббаев Р., Ҳ.Хуснутдинова, А.Умаров. Олий таълимнинг янги авлод давлат таълим стандартларини ишлаб чикишнинг концептуал асослари ва генезеси. Таълим муаммолари. Илмий-услубий журнали. Тошкент 2010 йил 2-сон. –Б. 42-46.
- 4. Проф. Рахимов Б.Х. тахрири остида. Муаллифлар: проф. Ходжаев А.А., т.ф.д., Маджидов И.У., т.ф.н., Умаров А.А., ф.-м.ф.н., Мавлянов А.. "Узлуксиз таълим тизимида давлат таълим стандартлари". Илмий, услубий ва амалий тавсиянома. -Тошкент, 2016. -178 б.
- 5. Профессорлар Б.Х.Рахимов, А.А.Ходжаев, И.У.Маджидов, доцентлар А.Мавлянов, А.А.Умаров. "Ўқув жараёнининг мазмуни ва унинг услубий-педагогик таъминоти". Услубий тавсиянома. Тошкент, 2016. 46 б.

КУРИЛИШ ЭКОЛОГИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

РАЗВИТИЯ СТРОИТЕЛЬНОЙ ЭКОЛОГИИ

DEVELOPMENT OF BUILDING ECOLOGY

3.М. Сатторов – ўқитувчи Тошкент архитектура қурилиш институти

Аннотапия

Мақолада ҳозирги даврда экология ва қурилиш индустриясининг тўқнашуви янги илмий йўналиш — қурилиш экологиясининг шаклланишига асос бўлгани, унинг асосий вазифаси инсонга ва табиий экотизимларга қурилиш технологияларининг салбий таъсирини тадқиқ этиш, экологик хавфсиз қурилишнинг барқарор ривожланиш қонун ва қоидаларини ишлаб чиқиш ҳисобланиши маълум қилинган.

Таянч сўзлар: Атроф-мухит, жараён, ишлаб чиқариш, қурилиш, лойихалаштириш, материаллар, мувозанат, саноат, сунъий, табиий, тизим, экология.

Аннотация

В статье сказано, что в настоящее время на стыке экологии и строительных наук происходит становление еще одного нового научного направления — строительной экологии, её важнейшей задачей является исследование негативного воздействия строительных технологий на человека и природные экосистемы и разработка принципов устойчивого экологически безопасного строительства.

Ключевые слова: Окружающая среда, процесс, производство, строительство, проектирования, материалы, равновесие, промышленность, искусственный, естественный, система, экология.

Annotation

The article reveals the formation of laws and regulations of stable development of ecologically safe construction, considering its major task as a study of negative influence of building technologies on the man and natural ecosystems, the emergence of a new scientific direction-building ecology as a result of a joint of ecology and building industry at present.

Key words: Environment, process, manufacture, construction, designing, materials, balance, industry, artificial, natural, system, ecology.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2017йил 14 январдаги "Танқидий тахлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир рахбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси"да экологиянинг жиддий муаммолари мавжуд эканлиги, экология сохасидаги ишлар ахволини яхшилаш, энг аввало, жойларда чиқиндилар билан ишлаш сохасида давлат назоратини кучайтириш масалаларига алохида эътибор қаратилди [1; 19-20-б].

Дозирги кунга келиб инсониятнинг олиб бораётган ишлаб чиқариш фаолияти натижасида атроф-мухит холатининг ёмонлашганлиги туфайли, атмосфера хавосини, сув хавзаларини ва тупрокни захарли газлар, суюк ва қаттиқ чиқиндилар билан ифлосланиши оқибатида энг аввало ичимлик суви, фойдали қазилмалар хамда қайта тикланмайдиган табиий ресурсларнинг танқислиги сезилиб бормокда. Шунинг учун хам атроф-мухитни мухофазаси муаммоси энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмокда.

Қурилиш индустрияси иқтисодиётнинг барча пойдевори хисобланиши сабабли, бизнинг барча жамиятимизнинг барқарор ривожланиш йўли бўйича кўпчилик холларда сама-

рали харакатланиши табиий атроф-мухит билан бирга яшашига боғликдир, бу асосан курилиш мутахассислари учун долзарбдир.

Экология тизимлари, яратилган мухитни атрофдаги дунёда ўрганиш учун уларнинг меъёрий уфкларидан кўпроғига эришганлигини, курувчиларнинг жасорати деб тан олишади. Кандай килиб бизга экология жараёнларининг билимлари иморатларнинг хаёт даврини динамик йўллардаги мухитнинг биноларини қуриш ва қайта ишлаши билан яхширок созлашга ёрдам бериши мумкин? Экологлар табиатшунос олимларнинг эътиборини молекулалардан биологик хужайраларга, организмларга, ахолига, жамоаларга, манзараларга, биосферага жалб қилиш учун ўтган ярим аср давомида шунга ўхшаш курашни олиб боришмокда. Мутахассислар доимо бирбирларининг нуктаи назарларини асли холга қайтариб, яна янгиланишини хохлашади. Фаолиятнинг атроф мухитга қандай мослашаётганини бахолаш масаласи осон ва янада қийиндир. Бу осонлашмоқда, чунки бўлиб ўтган бир қатор кризислар инсонларнинг уйларига зарарли оқибатларни олиб келганидан сўнг, инсонлар янада кўпрок атроф-мухитни тушуниб етишишни хохлашмокда. Аслидан кўра, ажабланиш ва ноаниклик мукаррар туюлган нуқтадан яқинроқ курилганда, бу янада мураккаб тасвирни кўрсатади ва шунинг учун хам қийиндир. Кўпчилик харакат қилиш керак деб хисоблаши хақида фан бизга ишонч бера олмаслиги мумкин. Аммо бу бизга, бизнинг саволларимиз ва бизнинг <u> ҳаракатларимизни янада доно йўл билан</u> динамик ва мураккаб биосферамизни тадкик қилишимиз кераклигини шаклантиришда ёрдам беради. Бу замонни қиёфаси нима? Биз биологик мураккабликни ўсиб бораётган ўрнини кўпрок тан олганимиз сари саноат ускуналарининг ахамияти йўколиб бормокда. Қандай қилиб биз материаллар, озиқ моддалар, сув ва энергия даврларининг тукимасидаги миллионлар организмлар, биологик турлар ва жамоаларнинг ўзаро алоқасини тушунишни бошлашимиз мумкин? Америка ва Англия (Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, G. Bradley Guy) экологлари бу масалани тизимлар нуқтаи назаридан мухокама қилишади. Улар бизга бу ғояларни инсон бош панасини яратиш,

фойдаланишга тиклаш ва ҳаётга қайтариш жараёнини бошқаришда ишлатишни таклиф этишни ўрнига, тизимлар (экологик ва бошқалар) қандай қилиб қурилиш ва вайрона бўлиш даврида сақланиб қолиши ҳақидаги фикрлар хилма-хиллигини таклиф этишади [2; 29-35-6].

Куйидаги эколог олимлар фанлар тизимидагитабиий ва инсонтизимларини тушунишни кўлланишига ноёб тажрибани олиб киришди.

Н.Т.Одум метеорология ва геокимёдан бошлаб, бугун экология тизимлари аталмиш фанга асосларни солган. Н.Т.Одум "...охирги эллик йил давомида тизим фикрлашига қандай интизомларни киритмаганини билиш талабчан топшириқ бўларди." дейди. Оддийлик ва равшанлик билан ораста ишлайдиган ёндашишга тўкнашаётган кўп соҳалар бир авлод экологлар тарақкиёти учун фундаментал бўлиб, чукур ва ҳар томонлама тушунишни акс эттиради.

Жеймс Кей қандай қилиб, тизимлар ўз тузилмаларини турли сифат энергияларнинг оқимлари ва қайта алоқалари функцияси сифатида ривожлантириши ҳақидаги назарияни илгари суриши учун ишламоқда ва бундай ғояларни тажрибага асосланиб бошқаришдаги ҳудудий ерларни ривожлантиришда қўллайди.

Тим Аллен тизимлар қандай ривожланиши ва ўзгариши ҳақида тест сифатида ўсимликлар устида тажрибалар олиб борган ва кўп корхонали (кўп даражали кўрсаткич) тизимлар тузилмасини тушунтириш учун шажара (иерархик) назариясини ривожланишига етакчи ҳомий бўлган.

Гарри Петерсон олов қандай қилиб ўрмон ландшафтининг нақшларини шакллантиради ва қандай қилиб ҳайвонлар нақшларга жавобан ҳаракатланишининг ғоясини текшириш учун компьютер моделлаштиришни ишлатади. Унинг моделлаштириш иши Флоридадаги (АҚШ) узун баргли қарағай ўрмон тажрибага асосланиб бошқарувнинг турли ғоялари учун синов майдони бўлган.

Курилиш экологиясининг аникланиши [2; 5-12-б]. Сунъий атроф-мухитнинг қурилиши ва фойдаланиши табиий атроф-мухитга иктисодиётдаги ўрнига қараганда номутаносиб таъсир ўтказади. Гарчи бу АҚШнинг ялпи ички махсулотининг 8% ташкил этса ҳам, қурилиш

сохасида қазиб чиқарилган материалларнинг 40% сарфлайди. Умумий ерга кумиладиган чикиндиларнинг учдан бирини чикаради ва ўзининг иши учун миллий энергия истеъмолини 30% ташкил этади. Саноат сохасининг мувозанатини сақлаш манбалари ишлатиш йўлларининг фундаментал ўзгаришларга ва қурилиш фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган саноат жараёнларининг чикиндиларига тааллукли паст тан нархли махсулотларга боғликдир. Қурилиш бошқа саноат турлари каби табиий тизимларнинг метаполис хатти-харакатини кузатишдан ютиб, мувозанатни саклаш элементларининг мураккаб йиғиндисининг хусусияти бўлади. Табиатни ўз саноати учун ўрганаётган, пайдо бўлаётган саноат экологиясининг сохаси сунъий атроф-мухитни ёки мувозанатли қурилишнинг маъносини англаш қобилиятини беради. Бу манба қурилиш сохасини ва материалларни қўллаб-қувватлайдиган, мувозанатни идеалларига якинрок килиш учун бизга табиий ва саноат экологиясидан ташкил топган қурилиш экологияси тушунчасини, саноат қурилишларининг турларини таклиф этади. Бундан ташқари қурилиш экологияси бизни хамма нарсалар билан таъминлайдиган табиий тизимларни ўз ичига оладиган йирик масштабли биохудудий "яшил инфратузилма"ни ўз йўлида ичига оладиган симбиотик, синэнергетик, сунъий атроф-мухит, табиий атроф-мухитнинг кенг қамровли алоқаларини ўз ичига олади [3; 256-258-б].

Экотизимлар инсон фаолиятини мувозанатли йўлга ўтказишда жуда мухим намуна сифатида манба бўлади. Жумладан:

- табиий жараёнлар кўпрок даврий бўлади;
- » қуёш нурлари энергиясининг оқимидан ва органик омборлардан ишлайди;
- пастги кисмларнинг функцияларининг бажарилишини турли тусга киритиб, хар бир чегарадаги эгувчанликни кўллаб-кувватлайди;
- турли хил чегаралардаги функцияларни ортиғи билан бажариб, ҳар бир чегарадаги мувозанатни қўллаб-қувватлайди;
- мураккаб жамоаларнинг кооператив алоқаларини ривожлантириб, материалларнинг самарали фойдаланишини қўллаб-қувватлайди;
- ташқи атроф-муҳитнинг ўзгаришларига жавобан мосланувчан ва тараққий этиш учун

етарли турли хил маълумотларни хамда функцияларни кўллаб-кувватлайди.

Инсон фаолияти саноатнинг қуйи тизимига табиий тизимларни лойиҳалаштириш тартибларини қўлланилишининг турли хил йўлларини кўриб чиқади. Тикланмайдиган ресурслардан фойдаланишга асосланган иқтисодиётнинг ҳаракатланишини қайта лойиҳалаштиришни олиб боради.

Саноат тизимларини режалаштириш экологик тизимларнинг моделларини мослашишига асос бўлиб, шаклланаётган саноат экологияси янги-янги интизомдир. Экологик саноатнинг хусусиятларини тасвирлайдиган саноат симбиозини, атроф-мухитнинг дизайнини, саноат метаболизмини, экологик тоза ишлаб чикаришни, экологик самарадорликни ва бошка янги терминларни ўз ичига олиш учун охирги изланишларда саноат экологияси қайта кўрилиб кенгайтирилмоқда. Технологик воситалардан яна хам кенгрок фойдаланиш учун хозирги мавжуд саноат чикиндиларининг окимини бошка саноат жараёнларига манба сифатида ишлатиш учун саноат симбиози экотизимни кузатишдан хосил бўлганларни дарс машғулотларида фойдаланишга эътибор қаратади. Махсулот материалининг таркибий қисмларини қайта ишлатиш ва ишлашда пайдо бўлаётган интизом, атроф-мухитни режалаштириш инсон лойихалаштириш жараёнини ўзгартиради. Манбаларни ишлатиш фойдалилигини кўпайтиришни кўзлаб, манбаларни ишлатиш ва саноат чикиндиларини ишлаб чикариш хакида тушунчаларни олиш учун саноат метаболизми саноатнинг кириш, жараён ва чикишларини Материалларни ишлатишнинг кўради. тизимли кискариши ва назорат килиш хамда махсулот хаётининг охирига қадар хом ашё сифатида фойдаланишдан сажараёнларининг занжири бўйлаб ифлосланишнинг олдини олиш экологик тоза ишлаб чикаришдир. Экологик самарадорлик ишлаб чиқариш компанияларини товар ва хизматларга материал ва энергияни ишлатишни камайтиришга, захарли чикиндиларни камайтиришга, материалларни қайта ишлаб чиқариш хусусиятига эга қилиб чиқаришга, материалларнинг мувозанатли ишлатишни кўпайтиришга, махсулотнинг чидамлилигини кўпайтиришга хамда хизмат кўрсатиш кизғинлигини оширишга чакиради

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилотига (Organization for Economic Cooperation and Development (OECD)) кирадиган давлатлар, бу дегани асосий саноатлаштирилган давлатларда сунъий атроф-мухитни куриш ва ишлатиш барча иқтисодиёт соҳаларидан материал ва энергия манбаларининг ишлатилиши энг катта ҳажмини ташкил этиб, табиий тизимли моделларни ишлатишдан энг катта фойда олиши мумкин демакдир.

Хар иккала бўғим (сегмент)да янги биноларни ташкил этадиган қурилиш материаллариниишлабчикарилишинивахозиргимавжуд биноларни бузиб, қурилиш материалларини янги ва қайта лойихалаштирилаётган биноларда қўлланилишини, қандай қилиб саноат мувозанатликга эришишини тушунтирадиган қурилиш саноати яхши хизмат килиши мумкинлигини саноат экологияси ичидаги қурилиш экологияси аниқлайди. Бошқа саноат тизимлари каби қурилишда ўтказиш қобилиятини аниклаш йўли оркали, яъни "метаболизм"ни аниқлаш билан ёрдам кўсатилади. Таъкидланган маълумотда, иккита табиий тизим ва ривожланаётган саноат экологиясидан олинган маълумотларни ичига олиш учун аввало олинган материалларнинг даврларини, аммо кенг микёсда худудий энергетик ва материал оқимларининг қурилиш саноатидаги имконияти кўриб чикилади. Шунингдек, унинг табиий атроф-мухитга бўлган муносабатини ўрганади. Кўпинча муносабатларда қурилиш саноати бошқа саноат тармоқларидан фарқланмайди. Бирок шунга қарамай етарлича фарқлар мавжуд бўлиб, уларнинг узоқ ҳаётий даври ва материалларнинг хилма-хиллиги алохида эътиборни талаб килади. Шундай килиб, экологияни бу сохасига қўллаш ва унинг метаболизмини тушуниш харакатлари бошқа саноат тармоқларига туташмаган ноёб муаммоларга олиб келади.

Бугунги тараққиёт даврида экология ва қурилиш индустриясининг тўқнашуви янги илмий йўналиш "курилиш экологияси" нинг шаклланишига асос бўлди.

Курилиш экологиясининг пайдо бўлиши экология фанининг янги қирраси бир томондан

курилиш фаолияти атроф-мухит ифлосланишининг энг йирик манбаси ва сайёранинг қайта тикланмайдиган ресурсларини сезиларли истеъмолчиси сифатида қолаётгани давом этаётган бўлса, бошқа томондан эса экологик кризисдан чикиш ва бошқа иктисодиёт тармоклари каби қурилиш тармоғига ўтиш барқарор ривожланиш йўлининг кескин заруриятини юзага келтирди.

Курилиш экологиясининг мухим асосий вазифаси инсонга ва табиий экотизимларга курилиш технологияларининг салбий таъсирини тадкик этиш, экологик хавфсиз курилишнинг баркарор ривожланиш конун ва коидаларини ишлаб чикиш хисобланади.

Қурилиш экологиясининг хусусиятига "қурилиш — табиий атроф-мухит" тизимига ўзаро таъсири жараёнларини ҳар томонлама ўрганишга хизмат қилади.

Курилиш экологиясининг услубий асоси курилиш фаолияти ва бошкариш карорларини огохлантириш учун ахборот таъминоти ёки салбий таъсирни камайтириш билан боғлик бўлган антропоген хавф-хатарни таҳлил ва олдиндан маълум килиш хисобланади.

Курилиш экологияси умумий ва амалий экология, архитектура курилиш фанлари, кимё, физика, мухандислик геологияси, тиббиёт, ижтимоий-иктисодий ва бошка фанлардан билимларга тизимли асосда таянади.

Курилиш экологияси ўзининг мақоми бўйича амалий экологиянинг бир хил тармоғидан ва мухандислик экологиясининг бир хил тизим остидан хисобланади.

Қурилиш экологияси экологик тизимида янги йўналиш сифатида факат охирги 22 йилда жадал суръатларда ривожланмокда. 1994 йилда АҚШнинг Тампе шахрида барқарор экологик қурилиш буйича биринчи халқаро анжуман бўлиб ўтди. 1997 йилда Франциянинг Париж шахрида иккинчи ва 2002 йилда Норвегиянинг Осло шахрида учинчи халқаро анжуман бўлиб ўтди. Ушбу халқаро анжуманларнинг қарорларида қурилиш қайта тикланмайдиган ресурсларни энг қулай ишлатиш йўли билан хаётнинг сифатини таъминлаш ва қайта тикланадиган ресурсларни доимий қўллаш мақсади билан соғлом иқтисодиётни қўллаб-қувватлашга, шунингдек биологик хилма-хиллик ва табиий атроф-мухитга етказиладиган зарарни камайтиришга йўналтирилган бўлиши кераклиги таъкидланган.

Қурилиш технологиялари билан боғлиқ ҳолда атроф-муҳит ва саломатлик учун хавф-хатарни ҳар томонлама ўрганиш мақсадида, 1997 йилда Швецияда Қурилиш экологияси институти ташкил этилди. Ушбу институт ҳузурида 1998 йилда қурилиш бўйича Халқаро кенгашнинг Бутун дунё конгресси ташкил этилди.

1998 йил 7-12 июнь кунлари Швецияда "Қурилиш ва атроф-муҳит" шиори остида қурилиш бўйича Халқаро кенгашнинг «Бутун дунё конгресси» бўлиб ўтди. Ушбу «Бутун дунё конгресси»да қуйидаги асосий муҳим муаммолар муҳокама этилди:

- экологик хавфсиз қурилиш материаллари ва технологиялари;
- қурилиш конструкцияларининг ишончлилиги ва умрбоқийлиги экологик мезон сифатила:
 - қурилиш барқарор ривожланиш омили.

2002 йилда қурилиш индустриясининг Европа федерацияси қурилиш фаолияти жараёнида атроф-мухитни мухофаза қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу чора-тадбирларда экологик хавфсиз қурилиш материаллари ва технологияларни фойдаланувчи қурилиш компаниялари учун имтиёзли шароитларни яратиш қузда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги вақтда экологиянинг қурилиш билимлари билан туқнашувида яна бир янги илмий йуналиш — қурилиш экологияси пайдо булишига асос булди. Қурилиш экологиясининг асосий йуналишларига қурилиш объектининг ҳаётий даври, биосферага қурилишнинг салбий таъсири, салбий таъсирлардан муҳандислик

экологик химоя, турар жой ва жамоат биноларининг экологик хавфсизлиги, курилишда энергия ва ресурс тежамкорлик, пойдевор курилиши ва экология, экологик мониторинг киради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик—ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. 104 б.
- 2. Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, and G. Bradley Guy (Edited by 2003) Construction ecology: nature as the basis for green buildings. London and New York p. 303.
- 3. Сатторов З.М., Азизова Б.М. Замонавий энергия тежамкор биноларни лойихалашда биошахар яратишнинг ечими йўллари. // Муқобил энергия манбалари ва улардан фойдаланишнинг долзарб муаммолари республика, илмий-техник анжумани материаллари. // Бухоро, БухДУ, 25-26 ноябрь 2015 г. 256-258 б.
- 4. Сатторов З.М., Чориев И.Х. Юқори технологик қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини тадбиқ этиш орқали энергия тежамкор биноларни лойиҳалаш. // Замонавий ишлаб чиқаришни энергия таъминоти илмий муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари туплами. Том—2.//Бухоро, БухМТИ, 26—28 ноябрь 2014 й.—205—207 б.

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИГА МУВОФИҚ ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА МАҚСАДЛИ ЙЎНАЛТИРИШ

("Жиззах" эркин иктисодий зонаси мисолида)

ЦЕЛЕВОЕ НАПРАВЛЕНИЕ МОЛОДЕЖИ К ПРОФЕССИИ В СООТВЕТСТВИИ С ЭКОНОМИЧЕСКИХ РАЗВИТИЕМ СТРАНЫ

(на примере Джизакской свободной экономической зоны)

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИГА МУВОФИҚ ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА МАҚСАДЛИ ЙЎНАЛТИРИШ ("Жиззах" эркин иқтисодий зонаси мисолида)

О. Хайдаров – директор

Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш Маркази

Аннотация

Мақолада "Жиззах" эркин иқтисодий зонаси мисолида вилоят иқтисодиётини ривожлантиришнинг истиқбол кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ўқувчиларни касб-ҳунарга мақсадли йўналтириш тизимини амалга ошириш йўллари ва методикаси атрофлича таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: эркин иқтисодий зона,истиқбол кўрсаткичлари, инвестициялар, диверсификациялаш, бандликни таъминлаш, касб-хунарга мақсадли йўналтириш, мехнат бозори эхтиёжлари.

Аннотация

В статье проанализированы пути и методы профессиональной ориентации учащихся, исхода из показателей перспективного развития свободной экономической зоны Джиззакской области.

Ключевые слова: свободная экономическая зона, перспективные показатели, инвестиции, диверсификация, обеспечение занятности, профессиональная ориентация, потребности рынка труда.

Annotation

This article thoroughly analyzes the ways and methods of implementing the system of purposefully orienting students to profession, based on the prosperous indexes of developing the economy of the region on the example of the free economic zone "Djizzakh".

Key words: free economic zone, prosperous indexes, investment, diversification, employment, purposeful orientation to profession, the demands of labor market.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш орқали жахон стандартларига жавоб берадиган махсулот ишлаб чиқаришга эришиш, хорижий сармояларни, энг аввало, тўғридантўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш ҳар қандай мамлакат учун энг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган масаладир. Бундай вазифаларни амалга оширишда эркин иқтисодий зоналар муҳим ўрин тутади.

Мамлакатимизда ташкил этилган эркин иктисодий зоналар фаолияти мева-сабзавот ва кишлок хўжалиги махсулотларини чукур

қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, тўқимачилик, гилам тўкиш, пойабзал ва чарм-галантерея, экологик жихатдан хавфсиз кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, курилиш материаллари ва бошқа йўналишларда янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган.Шуни инобатга олган холда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовнинг 2013 йил 18 мартдаги "Жиззах" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўгрисида"ги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 26 октябрдаги "Эркин иктисодий зоналар фаолиятини кенгайтиришга доир фаоллаштириш ва чора-тадбирлар тўгрисида"ги қўшимча фармонлари Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг иктисодий салохиятини янада юксалтиришда мухим қадам бўлди. Мазкур фармонларга асосан Жиззах ва Сирдарё вилоятларида рақобатбардош махсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий ишлаб чикариш корхоналарни, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва махаллий инвестицияларни жалб этиш, бу борада қулай шарт-шароитларни шакллантиришга, чикариш ва ресурс салохиятидан самарали фойдаланиш натижасида ушбу худудларда янги иш ўринларини яратиш ва ахоли даромадларини оширишг учун қулай имкониятлар яратишни назарда тутган холда "Жиззах" эркин иктисодий зоналарнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари қуйидагилардан иборат эканлиги белгилаб берилди:

-ички ва жахон бозорларида рақобатбардошли булган, юқори қушилган қийматга эга махсулот ишлаб чиқариш буйича замонавий, юқори технологияли инновацион ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун инвестициялар, энг аввало, туғридан-туғри инвестицияларни жалб этиш;

-эркин иктисодий зонага кирувчи минтаканинг ишлаб чикариш ва ресурс салохиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, минерал-хом ашё ресурсларини ва кишлок хужалиги хом ашёсини янада чукур кайта ишлаш буйича янги ишлаб чикаришларни барпо этиш;

-эркин иқтисодий зона ва умуман республика ташкилотлари ўртасида мустахкам кооперация алоқалари ўрнатиш хамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида махаллий хом ашё ва материаллар негизида юқори технологияли махсулот ишлаб чиқаришни махаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

-"Жиззах" эркиниктисодий зонадатранспорт, мухандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришни хамда улардан самарали фойдаланишни таъминлаш.

Ушбу белгиланган вазифаларни амалга оширишда ўтган давр мобайнида "Жиззах" эркин иктисодий зонасида 19 замонавий корхона ишга

туширилди. Эркин иктисодий зонанинг Жиззах шахридаги худудида 363,7 гектар майдонда 14, Сирдарё вилоятидаги филиалининг 150 гектар майдонида 5 лойихани амалга ошириш учун 91,3 миллион доллар микдорида инвестиция сарфланди. Замонавий технология асосида барпо этилган корхоналарда мингдан ортик янги иш ўрни яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлака-2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилда мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг мухим устивор йўналишларига бағишланган Махкамасининг кенгайтирилган Вазирлар мажлисидаги маърузасида ушбу холатни асосли равишда танкид килдилар.

"Ана шу худудларнинг саноати ва инфратузилмасини ривожлантириш бўйича мамлакат Президенти томонидан тасдикланган махсус дастурлар амалга оширилаётган бир шароитда бу албатта етарли эмас".[1] Хулоса ўрнида эса, "Жиззах" эркин иктисодий зонасида 2016 йилда махсулот ишлаб чикариш хажми 255,2 миллиард сўмни, экспорт хажми эса 11,9 миллион долларни ташкил этгани холда, 2017 йилда хорижий ва махаллий инвесторлар билан дастлабки қиймати 213,3 миллион доллар бўлган 25 лойихани амалга ошириш устида иш олиб бормокда. Жумладан, жорий йилнинг иккинчи чорагида йилига 24 миллион квадрат метр ойна ишлаб чиқариш қувватига эга Mingyuan Si Lu Industry хорижий корхонасининг биринчи навбати ишга туширилиши режалаштирилган. Хитойлик сармоядорларнинг 109,7 миллион долларлик инвестицияси хисобидан барпо этилаётган ушбу янги корхона тўлиқ ишга туширилиши билан 391 янги иш ўрни яратилади. Хозирги кунда, "Жиззах" эркин иктисодий зонасида автомобиллар ва юк машиналари учун тормоз колодкалари, телевизор, кондиционер, музлаткич, кир ювиш машинаси, микротулкинли печь, светодиодли лампалар, полипропилен иплар, видео ва ІР телефонлар, телекоммуникация ускуналари, интернет тезлигини оширувчи бутловчи кисмлар каби турли саноат махсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини белгиланган вазифаларда

кўрсатилганидек "Хусусан, худудларни хар томонлама ривожлантириш бўйича карийб 25 мингта инвестиция лойихасини руёбга чикариш хисобига 256,4 минг иш ўрни ташкил этиш орқали ахолини иш билан таъминлаш дастурларини тўлик ижро этиш назарда тутилган"[2]. Ушбу белгиланган вазифаларни амалга оширишда малакали кичик мутахассисларнинг ўрни нихоятда мухим ахамият касб этади, шуни инобатга олиб "Жиззах" эркин иктисодий зонасида жойлашган умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларини иктисодиётни ривожлантиришнинг истикбол курсаткичларини хисобга олган холда, уларни касб-хунарга мақсадли йўналтириш тизимини шакллантириш ва таълим амалиётига жорий этиш оркали "Жиззах" эркин иктисодий зонасида фаолият кўрсатаётган замонавий ишлаб чикариш корхоналарнинг кичик мутахассисларга бўлган эхтиёжи истикболли равишда таъминланади.


Кузатишларимиз ва олиб борган тадкикотларимиз натижасида куйидаги хулосаларга асосландик, ўкувчиларни касб-хунарга максадли йўналтиришда белгиланган стратегик вазифаларни инобатга олиб касбга йўналтириш жараёнини ахборотлаштириш, педагог-психологлар ўкувчиларнинг касбга доир билимларини, касбий қизиқишлари, мойилликларини хисобга олган холда, вилоятижтимоий-иқтисодий тараққиёти мехнат бозори эхтиёжларига мувофик равишда "Жиззах" эркин иктисодий зонаси истикболли дастурлари асосида ушбу худудда жойлашган Жиззах туманидаги 14-15-сон умумий ўрта таълим мактабларида ва Жиззах шахридаги 7-17 сон умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари, 8-9 синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари билан ўтказилган сўровномаларимиз натижасига асосланиб ва ушбу худуддаги Жиззах туман транспорт ва саноат касб-хунар коллежи ва Жиззах иктисодиёт касб-хунар коллежларида тайёрланаётган мутахассисликлар тахлили асосида, ҳамда "Жиззах" эркин иқтисодий зонасининг Сирдарё филиали худудида тажрибасинов ишларини олиб бордик, ҳамда қуйидагича хулосаладик, Сирдарё туманидаги 4, 8, 33-сон умумий ўрта таълим мактаблари ўкитувчилари, 8-9 синф ўкувчилари ва уларнинг ота-оналари билан ўтказилган сўровномаларимиз натижасига асосланиб ва ушбу худуддаги Бахт енгил саноат касб-хунар коллежи ва Сирдарё саноат касб-хунар коллежларида тайёрланаётган мутахассисликлар тахлили асосида ўкувчиларни касб-хунарга максадли йўналтириш жараёнини куйидагича тахлил килдик.

Жумладан. "Жиззах" эркин иқтисодий зонаси худуди бўйича жами 678 та респондент тажриба-синов ишларида қатнашди; шундан 106 та ота-она, 105 та ўқитувчи ва 467 таси ўкувчилар иборат, натижалар қуйидаги жадвалда келтирилган. Биз саволларни тузишда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва меҳнат бозори эҳтиёжларига мувофик равишда "Жиззах" эркин иқтисодий зонаси истиқболли дастурларига асосландик.


Саволлар	Ота- оналар жавоби			гувчи воби	Ўкувчилар жавоби		
	Хa	Йўқ	Хa	Йўқ	Xa	Йўқ	
1	105	1	102	3	442	25	
2	104	2	104	1	448	19	
3	76	30	104	1	322	145	
4	104	2	101	4	322	145	
5	90	16	100	5	379	88	
6	92	14	102	3	355	112	
7	106	0	105	0	440	27	

Натижалардан кўриниб турибдики иштирокчиларнинг барчаси "Жиззах" эркин иктисодий зонасида, хамда Сирдарё филиали худудида фаолият олиб бораёттан ва курилиши режалаштирилаёттан замонавий ишлаб чикариш корхоналарида ишлашни хохлашади, лекин ушбу худуддаги Жиззах туман транспорт ва саноат касб-хунар коллежи ва Жиззах иктисодиёт касб-хунар коллежларида хамда Бахт енгил саноат касб-хунар коллежи ва Сирдарё саноат касб-хунар коллежларида тайёрланаёттан мутахассисликлар эса мутлоко бошка мутахасисликлардир.


Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, "Жиззах" эркин иқтисодий зонасининг истиқболли дастурлари асосида ўқувчиларни касб-хунарга мақсадли йўналтириш тизимини таълим амалиётига жорий қилиш ахборот-коммуникация технологиялардан унумли фойдаланиш эҳтиёжини юзага келтирди, ушбу вазифани изчил амалга оширишда қуйидагиларни бажариш лозимдир;




• "Жиззах" эркин иктисодий зонасининг истикболли дастурлари асосида ўкувчиларни максадли касб-хунарга йўналтиришнинг тизимини шакллантириш



 "Жиззах" эркин иқтисодий зонасидаги касб-хунар коллежларида тайёрланилаётган кичик мутахассисларни мақсадли равишда ишлаб чиқариш амалиётларини ЭИЗда фаолият кўрсатаётган корхоналарга жал қилиш механизмни амалиётга жарий этиш



 "Жиззах" эркин иктисодий зонасидаги касб-хунар коллежларида тайёрланилаётган кичик мутахассисларни "Жиззах" ЭИЗсининг истикболли дастурлари асосида кичик мутахассисликга бўлган эхтиёжидан келиб чикиб кабул квоталарини максадли равишда шакллантириш;



• ўқувчиларнинг касбий лаёқатларини ва қизикишларини хисобга олган холда "Жиззах"ЭИЗдаги замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришнинг электрон версиясини таълим амалиётини жориш этиш

Хулоса ўрнида эса, "Жиззах" эркин иқтисодий зонасидаги замонавий ишлаб чиқариш корхоналарининг кичик мутахассисларга бўлган эхтиёжларини чуқур ўрганган холда ушбу худудларда жойлашган касб-хунар коллежларининг тайёрлов йўналишларига ушбу худудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва меҳнат бозори эҳтиёжларига мувофиқ равишда янги кичик мутахассисларга бўлган эҳтиёж ва талабларига мувофиқ қабул квоталарни шакллантиришга эътиборни қаратишимиз зарурдир.

ФОЙДАНАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1.Шавкат Мирзиёев "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак".Тошкент-"Ўзбекистон"-2017. 27-бет.

- *2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўгрисидаги" фармони "Халқ сўзи" газетаси 2017 йил 8-февраль сони.
- 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида" фармони "Халқ сўзи" газетаси 2016 йил 27- октябрь сони.
- 4.<u>www.gov.uz</u> Ўзбекистон Республикаси Хукумат портали
- 5.<u>www.lex.uz</u> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси